

2/332



Азим Суюн

Навойдан
тондим



Азиз Буюн

Навоийдан тоғим

(Шеърлар, хикоялар)



ТОШКЕНТ
«O'ZBEKISTON»
2015

УЎК 821.512.133(092)

КБК 84(5Ў)6

С 98

Азим Суюн халқнинг дилидагини оддий халқ тилида айта оладиган шоир.

Азим Суюн ўз ижодида болаларга ҳам мурожаат қилиб, улар учун ҳикоялар битди. Унинг ушбу китобдан ўрин олган болаларга аталган ҳикоялари китобхонни беварқ қолдирмайди.

«Навоийдан топдим» китобига муаллифнинг янги ижодидан намуналар киритилган.

Azim Suyun xalqning dilidagini oddiy xalq tilida ayta oladigan shoir.

Azim Suyun o'z ijodida bolalarga ham murojaat qilib, ular uchun hikoyalar bitdi. Uning ushbu kitobdan o'rin olgan bolalarga atalgan hikoyalari kitobxonni befarq qoldirmaydi.

«Navoiydan topdim» kitobiga muallifning yangi ijodidan namunalar kiritilgan.

Шеърлар She'rlar



ВАТАНИМ

Ватаним — водийлар, боғлар ўлкаси,
Ватаним — воҳалар, тоғлар ўлкаси.
Икки она дарё оралигида
Марди майдон, кўнгли чоғлар ўлкаси.
Фикру жисми хур уйғоклар ўлкаси!

Энг юксак нуқтаси эрур Хисортоғ,
Унинг чўққисига чиқдим атоқлаб,
Хаёл кучолмаган Ватаним кўксин
Сиру Амударём ётар кучоклаб.
Ватаним — зар тупроқлар ўлкаси!

Бир ён: ошпоқ булут — юксаклар қори,
Танглайим кўтарар улар виқори.
Бир ён: этакларда дашт-адирларда
Жонларга ўт ёқар қизғалдоқзори.
Ватаним — ол қизғалдоқлар ўлкаси!

Олойу Тёншон бағр — боғлари
Кўпириб ётибди хур кучоклари.
Ўн тўрт кунлик ойдек кўринар кўзга
Офтобнурга туташ нур булоклари.
Ватаним — нурли булоклар ўлкаси!

Нигоҳим Устиюртнинг бўй-энларида —
Энг ботиқ нуқта Юрт кенгликларида.
Кўкламда жаннатга дўнар бу жойлар,
Хаттоки, Қизилкум кумликларида.
Ватаним — сирли ардоқлар ўлкаси!

Қоратоғ дараси — Можримда нойдор
Қўрдим Арчаота шовуллар бедор.
Икки минг йилдан ҳам ошгандир ёши,
Қай юртда, қай жойда бундай Арча бор?
Ватаним — қўли кадоқлар ўлкаси!

VATANIM

Vatanim — vodiylar, bog'lar o'lkasi,
Vatanim — vohalar, tog'lar o'lkasi.
Ikki ona daryo oralig'ida
Mardi maydon, ko'ngli chog'lar o'lkasi.
Fikr-u jismi hur uyg'oqlar o'lkasi!

Eng yuksak nuqtasi erur Hisortog',
Uning cho'qqisiga chiqdim atoqlab,
Xayol qucholmagan Vatanim ko'ksin
Sir-u Amudaryom yotar quchoqlab.
Vatanim — zar tuproqlar o'lkasi!

Bir yon: oppoq bulut — yuksaklar qori,
Tanglayim ko'tarar ular viqori.
Bir yon: etaklarda dasht-adirlarda
Jonlarga o't yoqar qizg'aldoqzori.
Vatanim — ol qizg'aldoqlar o'lkasi!

Oloy-u Tyonshon bag'r — bog'lari
Ko'pirib yotibdi hur quchoqlari.
O'n to'rt kunlik oydek ko'rinar ko'zga
Oftobnurga tutash nur buloqlari.
Vatanim — nurli buloqlar o'lkasi!

Nigohim Ustyrtning bo'y-enlarida —
Eng botiq nuqta Yurt kengliklarida.
Ko'klamda jannatga do'nar bu joylar,
Hattoki, Qizilqum qumliklarida.
Vatanim — sirli ardoqlar o'lkasi!

Qoratog' darasi — Mojrimda poydor
Ko'rdim Archaota shovullar bedor.
Ikki ming yildan ham oshgandir yoshi,
Qay yurtida, qay joyda bunday Archa bor?
Vatanim — qo'li qadoqlar o'lkasi!

Қиличқояда тоғ маликалари —
Какликлар сайрашар — сайроқи бари.
Вафодор қушларим тушди ёдимга:
Тўрға-ю зарғалдоқ ва булбуллари.
Ватаним — авлод-урпоқлар ўлкаси!

Айни ёз, осмонда юлдузлар йирик,
Ватаним сурати Ҳақ ила тирик.
Уни гўзаллиги учун севмадим,
Ватаним бўй-басти халқим билан тик!
Ватаним — бахти порлоқлар ўлкаси!

2009 йил

ЎЗБЕК ЗАР ТЎНИ

Баҳор, қадамингни ойдин, хуш кўрдик,
Зар-зар гулдастага айланди ўрик,
Кўзимизга суртиб муборакладик,
Елкасида норлар ўзбек зар тўни!
Қутлуғ бўлсин!

Ўғлин ўғли билан дўст қилмоқ учун
Оталар уларга кийгизарди тўн,
Бурунги қаъдалар бугун ҳам бутун,
Елкани безарлар ўзбек зар тўни,
Муборак бўлсин!

Юртга олислардан келади меҳмон,
Магарким, дил-тил пок, бут эрур иймон,
Иззатин жойига қўяди мезбон,
Елкасин безайди ўзбек зар тўни!
Қутлуғ бўлсин!

Кўрдим сурат: бобом Темурбек тахтда,
«Рости-русти»н сўзлар Машрик, Мағрибда,
Таъзимда Клавихо — элчи шу ахдда.
Елкасин безаган ўзбек зар тўни!
Муборак бўлсин!

Qilichqoyada tog' malikalari —
Kakliklar sayrashar — sayroqi bari.
Vafodor qushlarim tushdi yodimga:
To'rg'ay-u zarg'aldoq va bulbullari.
Vatanim — avlod-urpoqlar o'lkasi!

Ayni yoz, osmonda yulduzlar yirik,
Vatanim surati Haq ila tirik.
Uni go'zalligi uchun sevmadim,
Vatanim bo'y-basti xalqim bilan tik!
Vatanim — baxti porloqlar o'lkasi!

2009-yil

O'ZBEK ZAR TO'NI

Bahor, qadamingni oydin, xush ko'rdik,
Zar-zar guldastaga aylandi o'rik,
Ko'zimizga surtib muborakladik,
Yelkasida porlar o'zbek zar to'ni!
Qutlug' bo'lsin!

O'g'lin og'li bilan do'st qilmoq uchun
Otlar ularga kiygizardi to'n,
Burungi qa'dalar bugun ham butun,
Yelkani bezarlar o'zbek zar to'ni,
Muborak bo'lsin!

Yurtga olislardan keladi mehmon,
Magarkim, dil-til pok, but erur iymon,
Izzatin joyiga qo'yadi mezbom,
Yelkasin bezaydi o'zbek zar to'ni!
Qutlug' bo'lsin!

Ko'rdim surat: bobom Temurbek taxtda,
«Rosti-rusti»n so'zlar Mashriq, Mag'ribda,
Ta'zimda Klavixo — elchi shu ahdda.
Yelkasin bezagan o'zbek zar to'ni!
Muborak bo'lsin!

Бугун Ўзбекистон дўсти не кентлар,
Не-не ўлкалару не мамлакатлар,
Елкаси торлару елкаси кентлар,
Елкасин безайди ўзбек зар тўни!
Кутлуғ бўлсин!

Комил ният, амал эмасдир мубҳам,
Амиқо не истар, не дер Осиём,
Оврўпа, Африқо ҳамқадам, ҳамдам —
Дунё елкасида ўзбек зар тўни!
Муборак бўлсин!

Тўнларда оналар кўзин нури бор,
Тўнларда сингиллар қалбин кўри бор,
Тўнларда Юртимнинг тафаккури бор,
Дунё елкасида ўзбек зар тўни!
Кутлуғ бўлсин!

Баҳор, қадамингни ойдин, хуш кўрдик,
Зар-зар гулдастага айланди ўрик,
Кўзимизга суртиб муборакладик,
Баҳор елкаларда ўзбек зар тўни!
Муборак бўлсин!

2009 йил

ЎТОВ

Корақалпоқ ўтовида бўлдим кўноқ,
Эрганақ — эшигидан кирдим қувноқ.
Кўкламу ёз, кузу қишга тимсол турур —
Тўрт ёндаги тўрт бўлакли қурч чанғароқ.

Хар нимадан ясалмагай ўтов асли,
Қоратоғнинг оғочидан унинг асли.
Усталари дарё кечиб, тоғлар ошар,
Бутун юртда улуғланар улар касби.

Bugun O'zbekiston do'sti ne kentlar,
Ne-ne o'lkalar-u ne mamlakatlar,
Yelkasi torlar-u elkasi kenglar,
Yelkasin bezaydi o'zbek zar to'ni!
Qutlug' bo'lsin!

Komil niyat, amal emasdir mubham,
Amriqo ne istar, ne der Osiyom,
Ovro'pa, Afriqo hamqadam, hamdam —
Dunyo yelkasida o'zbek zar to'ni!
Muborak bo'lsin!

To'nlarda onalar ko'zin nuri bor,
To'nlarda singillar qalbin qo'ri bor,
To'nlarda Yurtimning tafakkuri bor,
Dunyo yelkasida o'zbek zar to'ni!
Qutlug' bo'lsin!

Bahor, qadamingni oydin, xush ko'rdik,
Zar-zar guldastaga aylandi o'rik,
Ko'zimizga surtib muborakladik,
Bahor yelkalarda o'zbek zar to'ni!
Muborak bo'lsin!

2009-yil

O'TOV

Qoraqalpoq o'tovida bo'ldim qo'noq,
Erganak — eshigidan kirdim quvnoq.
Ko'klam-u yoz, kuz-u qishga timsol turur —
To'rt yondagi to'rt bo'lakli qurch chang'aroq.

Har nimadan yasalmagay o'tov asli,
Qoratog'ning og'ochidan uning asli.
Ustalari daryo kechib, tog'lar oshar,
Butun yurtida ulug'lanar ular kasbi.

Ўн икки ой — ўн иккита дунёси бор —
Хар биттаси битта тимсол даъвоси бор.
Керагаслар, увуқ фақат нақш эмас,
Хар биттаси хар маънога эга пойдор.

Ишлатилмас бирорта мих ўтовларга,
Боғланади тери — ултон шардозларга.
Қанотлари ўн олтига етди бугун,
Хайрат солди не бегона, не довларга.

Ўтовларга ёпилади қора кигиз,
Қора кигиз, оқ кигизу ола кигиз.
Арқонларда камчи турар қистирилиб,
Унга-бунга санчиб кўяр игна, бигиз.

Босхур гилам, олачалар тўшамчидир,
Тоболдириқ, манглайчалар ясамчадир.
Бок, жекандан тўқилган зар чипталарга,
Бўғча, пушак, туморлари хашамчадир.

Ажиниёз, Иброҳимлар овули бу,
Айланишиб кетмас улар руҳи мангу.
Тун-кечалар ўтовларнинг туйнугидан
Бокишади мисли юлдуз, мисли оққу.

Қорақалпоқ ўтовида бўлдим кўноқ...

2009 йил

МОЖРИМ АРЧАСИ

Можрим дарасида эски тошқўрғон,
Бугун харобадир, ҳар томон вайрон.

Ёввойи буталар босгандир уни,
Қандайдир ваҳмкор шарналар уни...

O'n ikki oy — o'n ikkita dunyosi bor —
Har bittasi bitta timsol da'vosi bor.
Keragaslar, uvuq faqat naqsh emas,
Har bittasi har ma'noga ega poydor.

Ishlatilmas birorta mix o'tovlarga,
Bog'lanadi teri — ulton shardozlarga.
Qanotlari o'n oltiga yetdi bugun,
Hayrat soldi ne begona, ne dovlarga.

O'tovlarga yopiladi qora kigiz,
Qora kigiz, oq kigiz-u ola kigiz.
Arqonlarda qamchi turar qistirilib,
Unga-bunga sanchib qo'yar igna, bigiz.

Boshur gilam, olachalar to'shamchidir,
Toboldiriq, manglaychalar yasamchadir.
Boq, jekandan to'qilgan zar chiptalarga,
Bo'g'cha, po'pak, tumorlari hashamchadir.

Ajiniyoz, Ibrohimlar ovuli bu,
Aylanishib ketmas ular ruhi mangu.
Tun-kechalar o'tovlarning tuynugidan
Boqishadi misli yulduz, misli oqqu.

Qoraqalpoq o'tovida bo'ldim qo'noq...

2009-yil

MOJRM ARCHASI

Mojrim darasida eski toshqo'rg'on,
Bugun xarobadir, har tomon vayron.

Yovvoyi butalar bosgandir uni,
Qandaydir vahmkor sharpalar uni...

Бир ён биқинида тигиз қабрлар
Бир-бирини гўё опичлаб ётар.

Иккинчи бир ёнда вайрона масжид,
Аммо жуфт устуни ташландиғ-у бут.

Қачондир яшаган бунда эл-элат,
Унда-бунда излар қолмишдир фақат.

Мана, ҳовлисимон чолдивор кўра,
Турлик илонларга бўлибди ўрда.

Қалтакесак бошин қилганча сарак
Тек қотган, недандир кутгандек дарак.

Чўғдай говзанбирлар бетин гўнғиллаб
Ковулар уруғин ётибди талаб...

О, лекин бир Арча, ишонмас кўзим,
Маҳобати жонни титратди бир зум.

Унинг танасини кучмоқликка, бас,
Етти дов йигитнинг кучоғи етмас!

Томирлари филнинг бўйнидек йўғон
Тошлар орасига синган беомон.

Қарайман дегандим Арча учига
Орқага йиқилдим тисралиб-учиб.

Минг йиллик чинорни кўрганман бисёр
Ва лекин Арчани кўрдим илк бор.

Дедилар, ёшини сўрмайин кимдан,
Ошиб кетган хатто икки асрдан.

О, Юртим тупроғи, тупроғим қутлуг,
Ўпаман, ҳар зарранг муқаддас, улуг!

2009 йил

Bir yon biqinida tig'iz qabrlar
Bir-birini go'yo opichlab yotar.

Ikkinchi bir yonda vayrona masjid,
Ammo juft ustuni tashlandig'-u but.

Qachondir yashagan bunda el-elat,
Unda-bunda izlar qolmishdir faqat.

Mana, hovlisimon choldivor qo'ra,
Turlik ilonlarga bo'libdi o'rda.

Kaltakesak boshin qilgancha sarak
Tek qotgan, nedandir kutgandek darak.

Cho'g'day govzanbirlar betin g'ong'illab
Kovullar urug'in yotibdi talab...

O, lekin bir Archa, ishonmas ko'zim,
Mahobati jonni titratdi bir zum.

Uning tanasini quchmoqlikka, bas,
Yetti dov yigitning quchog'i yetmas!

Tomirlari filning bo'ynidek yo'g'on
Toshlar orasiga singgan beomon.

Qarayman degandim Archa uchiga
Orqaga yiqildim tisralib-uchib.

Ming yillik chinorni ko'rganman bisyor
Va lekin Archani ko'rdim ilk bor.

Dedilar, yoshini so'rmayin kimdan,
Oshib ketgan hatto ikki asrdan.

O, Yurtim tuprog'i, tuprog'im qutlug',
O'paman, har zarrang muqaddas, ulug'!

2009-yil

ТОШКУЛБА ТОКЧАСИДАГИ КИТОБЛАР

Бобом тошкулбасининг
токчасида доимо
китоблар бўлар эди:
«Ҳикмат», Машраб, Хувайдо.
Навоийу «Чор китоб»,
Бедил, Сўфи Оллоёр.
«Қуръон»нинг елкасини
силаб турарди девор.
Ўқимасдим уларни,
чунки ўқийолмасдим.
Лекин бобом, отамни
ўқитмасдан қолмасдим.
Бобом «эски» эди-да,
Отам ҳам эди «эски».
Қалбимга қўр берарди
аммо шу «эски-туски».
О, кишки кечалар... Чўғ
бозиллар тош ўчоқда
қориннинг қайғуси ҳам
унутилар бу чоғда.
Қулоғим қирқта бўлиб
тинглар эдим, тинглардим.
Тоғдан ҳам олисларда
бир дунё бор — англардим.
Оханглар тараларди
қандайдир осмонлардан,
ўзига чорлар эди
қайси бир маконлардан.
Инига дуд қўйилган
тулкидай ҳолда эдим,
инидан қандай бўлса
чикгудайин юрагим...
Онамнинг китоби ҳам
бўлар эди уч-тўртта,
уларни сақлар эди

TOSHKULBA TOKCHASIDAGI KITOBLAR

Bobom toshkulbasining
tokchasida doimo
kitoblar bo'lar edi:
«Hikmat», Mashrab, Huvaydo.
Navoiy-u «Chor kitob»,
Bedil, So'fi Olloyor.
«Qur'on»ning yelkasini
silab turardi devor.
O'qimasdim ularni,
chunki oqiyolmasdim.
Lekin bobom, otamni
o'qitmasdan qolmasdim.
Bobom «eski» edi-da,
Otam ham edi «eski».
Qalbimga qo'r berardi,
ammo shu «eski-tuski».
O, qishki kechalar... Cho'g'
bozillar tosh o'choqda
qorinning qayg'usi ham
unutilar bu chog'da.
Qulog'im qirqta bo'lib
tinglar edim, tinglardim.
Tog'dan ham olislarda
bir dunyo bor — anglardim.
Ohanglar taralardi
qandaydir osmonlardan,
o'ziga chorlar edi
qaysi bir makonlardan.
Iniga dud qo'yilgan
tulkiday holda edim,
inidan qanday bo'lsa
chiqqudayin yuragim...
Onamning kitobi ham
Bo'lar edi uch-tortta,
ularni saqlar edi

бўғчасида — бир четда.
«Алномиш», «Гўрўғли»ни
Онамга ўқитардим,
гоҳида қаҳ-қаҳ уриб,
гоҳида йиғлар эдим...
кейин кетдим мактабга,
кейин кетдим бош олиб...
Бугун ўзимни баъзан
ургудайман тош олиб.
Ўтди-кетди ҳаммаси,
ўтди-кетди «ялт» этиб.
Уларнинг хизматини
қилолмадим ёлчителиб.
Юрагим тўла армон,
ўзим ёзаман китоб.
Чин-ёлғонин билолмай
қалб ипи ташлаган тоб.
Уйқу элитар тез-тез,
хаёл тез-тез онқочар,
Фирқўқлар қайда экан,
Қайда экан Бойчибор?...
Тилим-тилим тоғ бағри,
бир четида тошкулба,
Тошкулба ҳам деб бўлмас,
шундок ётган хароба.
Бунда йўқ тошўчоқ ҳам,
бозилламас бодомчўғ.
Бари бўларди, аммо,
Азимбой... хў... бола йўқ..

2009 йил

bo'g'chasida — bir chetda.
«Alpomish», «Go'ro'g'li»ni
Onamga o'qitardim,
gohida qah-qah urib,
gohida yig'lar edim...
keyin ketdim maktabga,
keyin ketdim bosh olib...
Bugun o'zimni ba'zan
urgudayman tosh olib.
O'tdi-ketdi hammasi,
O'tdi-ketdi «yalt» etib.
Ularning xizmatini
qilolmadim yolchitib.
Yuragim to'la armon,
o'zim yozaman kitob.
Chin-yolg'onin bilolmay
qalb ipi tashlagan tob.
Uyqu elitar tez-tez,
xayol tez-tez opqochar,
G'irko'klar qayda ekan,
Qayda ekan Boychibor?..
Tilim-tilim tog' bag'ri,
bir chetida toshkulba,
Toshkulba ham deb bo'lmas,
shundoq yotgan xaroba.
Bunda yo'q tosho'choq ham,
bozillas bodomcho'g'.
Bari bo'lardi, ammo,
Azimboy... ho'... bola yo'q..

2009-yil

НАВОИЙДАН ТОПДИМ

Неки бир сўз изладим — Навоийдан топдим,
Қалб муродин кўзладим — Навоийдан топдим.

Тополмадим ота-онам ҳақкига жонсўз,
Навоийдан сўзладим — Навоийдан топдим.

Ватан надир? — Ўз уйинг ёки башар мулки?
Кўкламладим, кузладим — Навоийдан топдим.

Айтмоқ истадим дўст-ёронга ҳикмат ё байт,
Кўзгуни кўзгуладим — Навоийдан топдим.

Ёрга ошиқ бўлиб, битолмадим ишқ хатин,
Ойладим, юлдузладим — Навоийдан топдим.

Комил сўзу комил амал — комил тарбият,
Ибратини бўзладим — Навоийдан топдим.

Замон борки, бор риёкор золиму фосик,
Қамчиладим, тузладим — Навоийдан топдим.

Не туйғу ҳолати йўқ, демак, у асли йўқ,
Азимин азизладим — Навоийдан топдим.

2009 йил

ЖАВЗО

Қуёшга ҳам уйку бермайди жавзо,
Бу чоғлар кимни ким уйғотар ўзи.
Ўзим ухладимми, билмайман, аммо,
Боғларда юраман ўзимдан ўзиб.

Булбуллар чах-чахи, қумрилар саси,
Саъвалар «чағ-чағ»и — бир хуморли туш.
Полапон кутмоқда улар уяси.
Қалдирғочлар ўқдек сувга урар тўш.

NAVOIYDAN TOPDIM

Neki bir soʻz izladim — Navoiydan topdim,
Qalb murodin koʻzladim — Navoiydan topdim.

Topolmadim ota-onam haqqiga jonsoʻz,
Navoiydan soʻzladim — Navoiydan topdim.

Vatan nadir? — Oʻz uying yoki bashar mulki?
Koʻklamladim, kuzladim — Navoiydan topdim.

Aytmoq istadim doʻst-yoronga hikmat yo bayt,
Koʻzguni koʻzguladim — Navoiydan topdim.

Yorga oshiq boʻlib, bitolmadim ishq xatin,
Oyladim, yulduzladim — Navoiydan topdim.

Komil soʻz-u komil amal — komil tarbiyat,
Ibratini boʻzladim — Navoiydan topdim.

Zamon borki, bor riyokor zolim-u fosiq,
Qamchiladim, tuzladim — Navoiydan topdim.

Ne tuygʻu holati yoʻq, demak, u asli yoʻq,
Azimin azizladim — Navoiydan topdim.

2009-yil

JAVZO

Quyoshga ham uyqu bermaydi javzo,
Bu chogʻlar kimni kim uygʻotar oʻzi.
Oʻzim uxladimmi, bilmayman, ammo,
Bogʻlarda yuraman oʻzimdan oʻzib.

Bulbullar chax-chaxi, qumrilar sasi,
Saʼvalar «chagʻ-chagʻ»i — bir xumorli tush.
Palapon kutmoqda ular uyasi.
Qaldirgʻochlar oʻqdek suvga urar toʻsh.

Хилолдек яркирар деҳкон ўроғи,
Бел бўйи бедазор — беллар буралган.
Тилларанг буғдойзор, ҳар бир бошоғи
Қизларнинг қирқ сочи каби ўрилган.

Ўриклар шохлари деворлар оша
Гавҳар соққаларин қилади кўз-кўз.
Майна қуш уларни чўқилар шоша,
Елкамга қўнади бир тиллақўнғиз.

О, жавзо тонглари, шукуҳли тонглар,
Умрим пишиқчилик тонглари гўё.
Қаён шошмоқдасиз, эй, учкур онлар?
...Қуёшга ҳам уйқу бермайди жавзо.

2009 йил

БИРОВНИНГ ҲАҚҚИГА

Замон ичра ўз йил, ҳисобингни ол,
Қадамингни ол, шитобингни ол,
Кеккайма, керилма, савобингни ол,
Бировнинг ҳаққига бек бўлма, болам.

Дарёнинг тошидай кўндир дўстларинг,
Тулкидек айёрдир, йўқдир суслари,
Унутма уларнинг тили, тусларин,
Бировнинг ҳаққига бек бўлма, болам.

Бир қарич ерда ҳам қайнайди ҳаёт,
Ҳалоллик асоси асли ҳақиқат,
Адолат ўзингда, ўзингда ибрат,
Бировнинг ҳаққига бек бўлма, болам.

Виждон — ҳақгўй қози, бир кулоқ солгил,
У билан сирлашгил, тиллашгил, қолгил,
Мусичадай мўминнинг хабарин олгил,
Бировнинг ҳаққига бек бўлма, болам.

Hiloldek yarqirar dehqon o'rog'i,
Bel bo'yi bedazor — bellar buralgan.
Tillarang bug'doyzor, har bir boshog'i
Qizlarning qirq sochi kabi o'rilgan.

O'riklar shoxlari devorlar osha
Gavhar soqqalarin qiladi ko'z-ko'z.
Mayna qush ularni cho'qilar shosha,
Yelkamga qo'nadi bir tillaqo'ng'iz.

O, javzo tonglari, shukuhli tonglar,
Umrin pishiqchilik tonglari go'yo.
Qayon shoshmoqdasi, ey, uchqur onlar?
...Quyoshga ham uyqu bermaydi javzo.

2009-yil

BIROVNING HAQQIGA

Zamon ichra o'z yil, hisobingni ol,
Qadamingni ol, shitobingni ol,
Kekkayma, kerilma, savobingni ol,
Birovning haqqiga bek bo'lma, bolam.

Daryoning toshiday ko'pdir do'stlaring,
Tulkidek ayyordir, yo'qdir sustlari,
Unutma ularning tili, tuslarin,
Birovning haqqiga bek bo'lma, bolam.

Bir qarich yerda ham qaynaydi hayot,
Halollik asosi asli haqiqat,
Adolat o'zingda, o'zingda ibrat,
Birovning haqqiga bek bo'lma, bolam.

Vijdon — haqgo'y qozi, bir quloq solgil,
U bilan sirlashgil, tillashgil, qolgil,
Musichaday mo'minning xabarin olgil,
Birovning haqqiga bek bo'lma, bolam.

Куллик қил қушларнинг шўх сайрашига,
Қирда қудунларнинг гир яйрашига,
Азим Суюн, белбоғ бўл эл ишига,
Бировнинг ҳаққига бек бўлма, болам.

2010 йил

РОБОТ ШЕЪР ТЎҚИЙДИ

Робот шеър тўқийди
роботлар учун,
математик ҳисоб айқашу уйқаш.
Интернетдан менга
боқади мамнун,
гўё мангуликка иқболи туташ.

Ўқидим,
Ўқидим
қалбим темирга
айланиб кетдими... туйғусиз, беҳис.
Тушунмайман ўзим
Ўзим кўнглимга,
тушунмаганлигим, рост эди, афсус!

Нега, афсус, дейман,
тушунар ақл,
тушунар кўлларим, тушунар кўзлар.
Шакл кўрмоқдаман
мисоли тақа
(От оёғин сақлар бу тақа сўзлар).

Шакл кўрмоқдаман:
минг турлик бино,
о, бу биноларда яшамоқ мумкин.
Фақат мен тоғликка
етишмас ҳаво,
ҳавосиз бинолар... олавер текин!

Qulliq qil qushlarning sho'x sayrashiga,
Qirda qulunlarning gir yayrashiga,
Azim Suyun, belbog' bo'l el ishiga,
Birovning haqqiga bek bo'lma, bolam.

2010-yil

ROBOT SHE'R TO'QIYDI

Robot she'r to'qiydi
robotlar uchun,
matematik hisob ayqash-u uyqash.
Internetdan menga
boqadi mamnun,
go'yo mangukka iqboli tutash.

O'qidim,
o'qidim
qalbim temirga
aylanib ketdimi... tuyg'usiz, behis.
Tushunmayman o'zim
o'zim ko'nglimga,
tushunmaganligim, rost edi, afsus!

Nega, afsus, deyman,
tushunar aql,
tushunar qo'llarim, tushunar ko'zlar.
Shakl ko'rmoqdaman
misoli taqa
(Ot oyog'in saqlar bu taqa so'zlar).

Shakl ko'rmoqdaman:
ming turlik bino,
o, bu binolarda yashamoq mumkin.
Faqat men tog'likka
yetishmas havo,
havosiz binolar... olaver tekin!

Қалбада шубҳа,
гумон:
шоирманми мен,
ёки шеър тўқувчи – кўзи илинган.
Ё битта саҳройи
чўлиқдирман мен,
итин эркалаб
сурувин унутган?

Йўқ! Мен чечак ифорин
хидлаганим бор,
мен унда туйганман кўклам хидини.
Робот шеърларида
соғиндим бедор
турналар тизимин кўхна ҳадини!

Тараққиёт, асли
сендан қўрқаман,
Тараққиёт, асли
қўрқмайман сендан.
Роботлар шеър тўқир...
гуё уқаман,
Бироқ қалбим кочиб боради мендан!

2010 йил

ОР

Бошга қилич келса ҳам тарк этмасин ор сизни,
Қанча хушрўй бўлмасин, маҳрам этманг орсизни.

Маҳрам этар бўлсангиз, айшга ботиб кулсангиз,
Қаро тупроқ бўлгайсиз, ошноқ қилмас қор сизни.

Одамийлик шаън тотлиғ, йитар бир соя янглиғ,
Пушаймонлиғ ўтида ёндиргайдир зор сизни.

Qalbda shubha,
gumon:
shoirmanmi men,
yoki she'r to'quvchi — ko'zi ilingan.
Yo bitta sahroyi
cho'liqdirman men,
itin erkalab
suruvini unutgan?

Yo'q! Men chechak iforin
hidlaganim bor,
men unda tuyganman ko'klam hidini.
Robot she'rlarida
sog'indim bedor
turnalar tizimin ko'hna haddini!
Taraqqiyot, asli
sendan qo'rqaman,
Taraqqiyot, asli
qo'rqamayman sendan.
Robotlar she'r to'qir...
go'yo uqaman,
Biroq qalbim qochib boradi mendan!

2010-yil

OR

Boshga qilich kelsa ham tark etmasin or sizni,
Qancha xushro'y bo'lmasin, mahram etmang orsizni.

Mahram etar bo'lsangiz, ayshga botib kulsangiz,
Qaro tuproq bo'lgaysiz, oppoq qilmas qor sizni.

Odamiylik sha'n totlig', yitar bir soya yanglig',
Pushaymonlig' o'tida yondirgaydir zor sizni.

Созгар иши хосу мос, лекин созанда эмас,
Машхуру жаҳон қилмас ҳар қандайин тор сизни.

Азим, ори бошда тож — ибтидоий эҳтиёж,
Шу учунким сийлади бир вафодор ёр сизни.

2010 йил

НИМА БОРДИР?..

Бу дунёда азалдан-азал,
Нима бордир асалдан-асал?
Гуллар бордир асалдан-асал!

Бу дунёда азалдан-азал,
Нима бордир гуллардан гўзал?
Гўзаллар бор гуллардан гўзал!

Бу дунёда азалдан-азал,
Нима бордир гўзалдан-гўзал?
Хаёллар бор гўзалдан-гўзал!

Бу дунёда азалдан-азал,
Нима бордир хаёлдан гўзал?
Хаёт бордир хаёлдан гўзал!

Бу дунёда азалдан-азал,
Гуллар гўзал, асаллар асал,
Хаёт гўзал, хаёллар гўзал,
Ёрим гўзал, баридан гўзал!

2010 йил

Sozgar ishi xos-u mos, lekin sozanda emas,
Mashhur-u jahon qilmas har qandayin tor sizni.

Azim, ori boshda toj — ibtidoiy ehtiyoj,
Shu uchunkim siyladi bir vafodor yor sizni.

2010-yil

NIMA BORDIR?..

Bu dunyoda azaldan azal,
Nima bordir asaldan asal?
Gullar bordir asaldan asal!

Bu dunyoda azaldan azal,
Nima bordir gullardan go'zal?
Go'zallar bor gullardan go'zal!

Bu dunyoda azaldan azal,
Nima bordir go'zaldan go'zal?
Xayollar bor go'zaldan go'zal!

Bu dunyoda azaldan azal,
Nima bordir xayoldan go'zal?
Hayot bordir xayoldan go'zal!

Bu dunyoda azaldan azal,
Gullar go'zal, asallar asal,
Hayot go'zal, xayollar go'zal,
Yorim go'zal, baridan go'zal!

2010-yil

ТОҒЛАР

Сахролардан, боғлардан кечдим,
Бургут каби баландлаб учдим,
Чўккилардан чўккига кўчдим.
О, бунчалар гўзал бу тоғлар!

Дараларга очиб кенг қучоқ,
Қучоғида яйрадим узоқ,
Кўкида ой — чашма ярқироқ.
О, бунчалар гўзал бу тоғлар!

Хаволарда ажиб-ажиб ҳол,
Наъматалар қояда хушҳол,
Ранглар зилол, оҳанглар зилол.
О, бунчалар гўзал бу тоғлар!

Какликлари билан эллашдим,
Туғдонлар билан тиллашдим,
Андизлари билан сирлашдим.
О, бунчалар гўзал бу тоғлар!

Булоқларда ювдим юзимни,
Ойдинлатди хира кўзимни,
Чарақлатди тун, кундузимни.
О, бунчалар гўзал бу тоғлар!

30 декабрь, 2010 йил

АБДУСАИД БУЛОҒИ

(Ҳазилнома)

Мен ким, Азим Суюнман,
Элимнинг бел шоири.
Ҳимматда, саховатда
Забардасти, моҳири.
Биттасини айтайин:
Ўттиз йилми нарида

TOG'LAR

Sahrolardan, bog'lardan kechdim,
Burgut kabi balandlab uchdim,
Cho'qqilardan cho'qqiga ko'chdim.
O, bunchalar go'zal bu tog'lar!

Daralarga ochib keng quchoq,
Quchog'ida yayradim uzoq,
Ko'kida oy — chashma yarqiroq.
O, bunchalar go'zal bu tog'lar!

Havolarda ajib-ajib hol,
Na'mataklar qoyada xushhol,
Ranglar zilol, ohanglar zilol.
O, bunchalar go'zal bu tog'lar!

Kakliklari bilan ellashdim,
Tug'donalar bilan tillashdim,
Andizlari bilan sirlashdim.
O, bunchalar go'zal bu tog'lar!

Buloqlarda yuvdim yuzimni,
Oydinlatdi xira ko'zimni,
Charaqlatdi tun, kunduzimni.
O, bunchalar go'zal bu tog'lar!

30-dekabr, 2010-yil

ABDUSAID BULOG'I

(Hazilnoma)

Men kim, Azim Suyunman,
Elimning bel shoiri.
Himmatda, saxovatda
Zabardasti, mohiri.
Bittasini aytayin:
O'ttiz yilmi narida

Сайр этдик бир тўп жўра
Накурттовнинг бағрида
Абдусайд ёнимда —
Инсон шоир ва носир.
Дараларда қувладик
Алқорларни бирма-бир.
Бургутлар парвозига
Ётиб олиб тикилдик.
Қўшиқлар айтиб дилдан
Кузги баргдек тўкилдик.
Какликлар сайрашини
Эшитдик қояларда.
Кийикўтдан чой дамлаб
Мизғидик сояларда.
Ирғайдан асо ясаб
Чўқкиларга интилдик.
Уларга чиқиб олиб
Бор овоз-ла ҳайқирдик.
Бир чўққидан тушардик,
Кўриб қолдим бир булоқ.
Аввали у йўқ эди,
Янги эди бу булоқ.
Олтибойдан сўрадим:
— Қачон пайдо бўлди у.
У деди кулимсираб:
— Қўноқ пойқадами бу!
О, дедим, қўп яхши гап,
Жўшиб кетди ҳимматим,
Уни Абдусайдга
Совға қилдим... ҳурматим!
«Абдусайд булоғи» —
Аталмиш шундан буён,
Биқирлаб-у қикирлаб,
Оқиб ётибди равон!
Паррандаю дарранда
Сув ичар, чўмилишар.
Овчилар, чўпон-чўлик
Нон ботириб сийшар.

Sayr etdik bir top jo'ra
Nakurttovning bag'rida
Abdusaid yonimda —
Inson shoir va nosir.
Daralarda quvladik
Alqorlarni birma-bir.
Burgutlar parvozig
Yotib olib tikildik.
Qo'shiqlar aytib dildan
Kuzgi bargdek to'kildik.
Kakliklar sayrashini
Eshitdik qoyalarda.
Kiyiko'tdan choy damlab
Mizg'idik soyalarda.
Irg'aydan aso yasab
Cho'qqilarga intildik.
Ularga chiqib olib
Bor ovoz-la hayqirdik.
Bir cho'qqidan tushardik,
Ko'rib qoldim bir buloq.
Avvali u yo'q edi,
Yangi edi bu buloq.
Oltiboydan so'radim:
— Qachon paydo bo'ldi u.
U dedi kulimsirab:
— Qo'noq poyqadami bu!
O, dedim, ko'p yaxshi gap,
Jo'shib ketdi himmatim,
Uni Abdusaidga
Sovg'a qildim... hurmatim!
«Abdusaid bulog'i» —
Atalmish shundan buyon,
Biqirlab-u qiqirlab,
Oqib yotibdi ravon!
Parranda-yu darranda
Suv ichar, cho'milishar.
Ovchilar, cho'pon-cho'liq
Non botirib yeyishar.

Накурт — бу тоғ қишлоғи,
Қўп келиб-кетар меҳмон.
Уларни бу булоққа
Бошлаб келади мезбон.
Сўзлайди жўшиб-қўшиб
Азим Суюн ҳикматин,
Абдусайдга совға —
Саховати ҳиммати!..

12 январь 2011 йил

ДИЙДОР ҚИЁМАТГА ҚОЛМАСИН

Нима бўлса бўлсин деманг дунёда,
Қўнгил ғам тошларин қилманг зиёда,
Сиз бугун отлисиз, бизмиз пиёда,
Дийдор қиёматга қолмасин, келинг.

Ёр, деб атамоққа журъатимиз йўқ,
Заримиз, зўримиз, ҳимматимиз йўқ,
Боримиз — севгимиз, ғийбатимиз йўқ,
Дийдор қиёматга қолмасин, келинг.

Рангимиз сарғайди — зарғалдоқ ранги,
Ҳолимиз паришон — туёқнинг чанги,
Умр деганлари қўнғироқ занги,
Дийдор қиёматга қолмасин, келинг.

Сиз ёр бўлмоғини кутган Азим бу,
Вафо ифргулин тутган Азим бу,
Сизсиз бу жаҳонни нетган Азим бу,
Дийдор қиёматга қолмасин, келинг.

18 январь 2011 йил

Nakurt — bu tog' qishlog'i,
Ko'p kelib-ketar mehmon.
Ularni bu buloqqa
Boshlab keladi mezbbon.
So'zlaydi jo'shib-qo'shib
Azim Suyun hikmatin,
Abdusaidga sovg'a —
Saxovati himmati!..

12-yanvar 2011-yil

DIYDOR QIYOMATGA QOLMASIN

Nima bo'lsa bo'lsin demang dunyoda,
Ko'ngil g'am toshlarin qilmang ziyoda,
Siz bugun otlisiz, bizmiz piyoda,
Diydor qiyomatga qolmasin, keling.

Yor, deb atamoqqa jur'atimiz yo'q,
Zarimiz, zo'rimiz, himmatimiz yo'q,
Borimiz — sevgimiz, g'iybatimiz yo'q,
Diydor qiyomatga qolmasin, keling.

Rangimiz sarg'aydi — zarg'aldoq rangi,
Holimiz parishon — tuyoqning changi,
Umr deganlari qo'ng'iroq zangi,
Diydor qiyomatga qolmasin, keling.

Siz yor bo'lmog'ini kutgan Azim bu,
Vafo iforgulin tutgan Azim bu,
Sizsiz bu jahonni netgan Azim bu,
Diydor qiyomatga qolmasin, keling.

18-yanvar 2011-yil

ҚАЙТДИ

Кўнга қилдим яхшилик, ёмонлик бўлиб қайтди,
Қурган иморатларим вайронлик бўлиб қайтди.

Зар тошим, зар тупроғим, суянганим тоғларим,
Фанимлар гурзисидан толқонлик бўлиб қайтди.

Дон сўради дўст-ёрон, бор дон-дунимни бердим,
Қон-қанорим оқибат сомонлик бўлиб қайтди.

Ким орзу-мурод этмас бир чаманлик гулизор,
Оҳ, улар сахро, ёбон, тиконлик бўлиб қайтди.

Не бош ёрар саволлар тугунин ечмоқ бўлдим,
Соч-сақолим оқарди, армонлик бўлиб қайтди.

Ўз умримнинг тангриси ўзим деб билган эдим,
Кўргану билганларим нодонлик бўлиб қайтди.

Хайратларим хайрли, ҳикматларим хайрли,
Во дориғ-о Азим-о ҳайронлик бўлиб қайтди.

18 январь 2011 йил

АДО ҚИЛАР

Икки юрак битта бўлган тун,
Бу тун фақат иккимизники.
Деразадан шуълалар беун
Ёритади кулгичингизни.
Адо қилар мени муҳаббат!

Қандай гўзал бу олам, ҳаёт,
Бизга қараб жилмаяр мамнун.
Девордаги нақшинкор соат
Кўзларингиз қирига мафтун.
Адо қилар мени муҳаббат!

QAYTDI

Ko'pga qildim yaxshilik, yomonlik bo'lib qaytdi,
Qurgan imoratlarim vayronlik bo'lib qaytdi.

Zar toshim, zar tuprog'im, suyanganim tog'larim,
G'animlar gurzisidan tolqonlik bo'lib qaytdi.

Don so'radi do'st-yoron, bor don-dunimni berdim,
Qop-qanorim oqibat somonlik bo'lib qaytdi.

Kim orzu-murod etmas bir chamanlik gulizor,
Oh, ular sahro, yobon, tikonlik bo'lib qaytdi.

Ne bosh yorar savollar tugunin yechmoq bo'ldim,
Soch-saqolim oqardi, armonlik bo'lib qaytdi.

O'z umrimning tangrisi o'zim deb bilgan edim,
Ko'rgan-u bilganlarim nodonlik bo'lib qaytdi.

Hayratlarim xayrli, hikmatlarim xayrli,
Vo dorig'-o Azim-o hayronlik bo'lib qaytdi.

18-yanvar 2011-yil

ADO QILAR

Ikki yurak bitta bo'lgan tun,
Bu tun faqat ikkimizniki.
Derazadan shu'lalar beun
Yoritadi kulgichingizni.
Ado qilar meni muhabbat!

Qanday go'zal bu olam, hayot,
Bizga qarab jilmayar mamnun.
Devordagi naqshinkor soat
Ko'zlaringiz qiriga maftun.
Ado qilar meni muhabbat!

Бошдин ўтди не-не савдолар,
Жоизмикин эсламоқ бугун.
Гулдондаги нозу адолар,
Қаранг, сизга, фақат сиз учун!
Адо қилар мени муҳаббат!

Ой тўлибди, ойнакдан боқар,
Таралади илоҳий оҳанг.
Зулфингизга кўзмунчоқ тақар,
О, отмаёқ қўйсин бугун тонг!
Адо қилар мени муҳаббат!

Икки юрак битта бўлган тун,
Бу тун фақат иккимизники!

27 январь 2011 йил

ҚАЙДАДИРКИМ

Қайдадирким, бир гунча гулликка
шайланмоқда,
Бир булбул ошиқликка — кулликка
шайланмоқда.

Қайдадирким, бир илдиз тупроқ тубида
ётар,
Кўклам ифорин туйиб, ўртаниб
чайқалмоқда.
Қайдадирким, бир қиёқ уммондан чиқмоқ
истар,
Тан-жонига илоҳий бир қудрат
жойланмоқда.

Қайдадирким, олисда бир қалдирғоч кўрар
туш,
Бир ўлка чорламоқда, туш ўнга
айланмоқда.

Boshdin o'tdi ne-ne savdolar,
Joizmikin eslamog bugun.
Guldondagi noz-u adolar,
Qarang, sizga, faqat siz uchun!
Ado qilar meni muhabbat!

Oy to'libdi, oynakdan boqar,
Taraladi ilohiy ohang.
Zulfingizga ko'zmunchog taqar,
O, otmayoq qo'ysin bugun tong!
Ado qilar meni muhabbat!

Ikki yurak bitta bo'lgan tun,
Bu tun faqat ikkimizniki!

27-yanvar 2011-yil

QAYDADIRKIM

Qaydadirkim, bir g'uncha gullikka
shaylanmoqda,
Bir bulbul oshiolikka — qullikka
shaylanmoqda.

Qaydadirkim, bir ildiz tuprog tubida
yotar,
Ko'klam iforin tuyib, o'rtanib
chayqalmoqda.
Qaydadirkim, bir qiyog ummondan chiqmog
istar,
Tan-joniga ilohiy bir qudrat
joylanmoqda.

Qaydadirkim, olisda bir qaldirg'och ko'rar
tush,
Bir o'lka chorlamoqda, tush o'nga
aylanmoqda.

Қайдадирким, бир йигит минар учқур
арғумок,
Бир қизнинг нигоҳида бир умр
сийланмоқда.

Муродига етсинлар, мурод қилганлар,
Азим,
Қушлар юлдузланмоқда, бу қушлар
ойланмоқда.

27 январь 2011 йил

МЕН КИМ, АЗИМ СУЮНМАН

Мен ким, Азим Суюнман, шоирлар
деҳқониман,
Деҳқонлар ичра масрур бир сийловли
жониман.

Дону дуним сўз эрур, у ок қоғозда унур,
Бошоқ каби товланур, эл-юртим
хирмониман.

Хирмоним тўқ мағизли, уялмайди оғизли,
Туғмунчоқдай азизли, онамнинг
маржониман.

Сара уруғдан сара, чала уруғдан чала,
Чалалик — чипқон яра, гар чала
сомониман.

Фанимларим бисёрдир — қуш, чигиртка
айёрдир,
Тортиб кетар — тайёрдир, донсиз
тегирмониман.

Деҳқоним, дон далангда, унмасин
пуч-палағда
Элни қилма алағда, унинг дастурхониман!

28 январь 2011 йил

Qaydadirkim, bir yigit minar uchqur
arg'umoq,
Bir qizning nigohida bir umr
siylanmoqda.

Murodiga yetsinlar, murod qilganlar,
Azim,
Kunlar yulduzlanmoqda, bu kunlar
oylanmoqda.
27-yanvar 2011-yil

MEN KIM, AZIM SUYUNMAN

Men kim, Azim Suyunman, shoirlar
dehqoniman,
Dehqonlar ichra masrur bir siylovli
joniman.

Don-u dunim so'z erur, u oq qog'ozda unur,
Boshqo kabi tovlanur, el-yurtim
xirmoniman.

Xirmonim to'q mag'izli, uyalmaydi og'izli,
Tug'munchoqday azizli, onamning
marjoniman.

Sara urug'dan sara, chala urug'dan chala,
Chalalik — chipqon yara, gar chala
somoniman.

G'animlarim bisyordir — qush, chigirtka
ayyordir,
Tortib ketar — tayyordir, donsiz
tegirmoniman.

Dehqonim, don dalangda, unmasin
puch-palag'da
Elni qilma alag'da, uning dasturxoniman!

28-yanvar 2011-yil

ҚАЙГА КЕЛДИМ

Қайга келдим, тўрт томон яшил.

Ям-яшиллик аро чечаклар —

Қизил, сарик, оқ капалаклар,

Менга айтар унсиз эртақлар.

Қайга келдим, тўрт томон яшил.

Кўзларимда оҳанглар оқар.

Тарам-тарам шойи оҳанглар,

Шомги, тонгги ойли оҳанглар,

Оҳанглар ё афсунгар ранглар?

Кўзларимда рангларми оқар?

Қайга келдим, тўрт томон яшил.

Қирқим-қирқим қояларми-о,

Билиб бўлмас яшиллик аро,

Яшил наво, о, яшил наво!

Қайга келдим, тўрт томон яшил.

Бу туғдона, бу заранг дарахт.

Улар кўкдан қочган чакмоқлар,

Қочиб бунда қотган чакмоқлар,

Не дардларни тотган чакмоқлар!

Бу туғдона, бу заранг дарахт.

Қайга келдим, дунё ям-яшил.

Мени чорлар қай бир жаранглар,

Жарангларда илқис оҳанглар,

Камалаклар, камалак ранглар!

Қайга келдим, дунё ям-яшил.

8 февраль 2011 йил

QAYGA KELDIM

Qayga keldim, to'rt tomon yashil.
Yam-yashillik aro chechaklar —
Qizil, sariq, oq kapalaklar,
Menga aytar unsiz ertaklar.
Qayga keldim, to'rt tomon yashil.

Ko'zlarimda ohanglar oqar.
Taram-taram shoyi ohanglar,
Shomgi, tonggi oyli ohanglar,
Ohanglar yo afsungar ranglar?
Ko'zlarimda ranglarmi oqar?

Qayga keldim, to'rt tomon yashil.
Qirqim-qirqim qoyalarmi-o,
Bilib bo'lmas yashillik aro,
Yashil navo, o, yashil navo!
Qayga keldim, to'rt tomon yashil.

Bu tug'dona, bu zarang daraxt.
Ular ko'kdan qochgan chaqmoqlar,
Qochib bunda qotgan chaqmoqlar,
Ne dardlarni totgan chaqmoqlar!
Bu tug'dona, bu zarang daraxt.

Qayga keldim, dunyo yam-yashil.
Meni chorlar qay bir jaranglar,
Jaranglarda ilkis ohanglar,
Kamalaklar, kamalak ranglar!
Qayga keldim, dunyo yam-yashil.

8-fevral 2011-yil

МЕНГА ЖАВОБ БЕРИНГ

Учган ўқнинг ақли борми?
Ким у нишон? Нақли борми?
Бешаҳдки у, шаҳди борми?
Менга жавоб беринг, дўстлар!

Тоғлар нечун қулаб тушгай?
Бир-бирини улаб тушгай,
Чорлаб тушгай, уннаб тушгай,
Менга жавоб беринг, дўстлар!

Бий саҳрода очин-юпун,
Қўйин боқар чўпон тун-кун,
Чақмоқ урар уни нечун?
Менга жавоб беринг, дўстлар!

Куннинг келар-кетари бор,
Шодмон, ғамгин йитари бор,
Қайга кетиб, етари бор?
Менга жавоб беринг, дўстлар!

Сирлар тўла — осмон ичи,
Сирлар тўла — уммон ичи,
Осмон, уммон — инсон ичи,
Нечун? Жавоб беринг, дўстлар!

Ўздин сўра! Азимдирман.
Азимманки азимдирман.
Ўғлимдирман, қизимдирман!
Билганим шу азим, дўстлар!

9 февраль 2011 йил

MENGA JAVOB BERING

Uchgan o'qning aqli bormi?
Kim u nishon? Naqli bormi?
Beshahdki u, shahdi bormi?
Menga javob bering, do'stlar!

Tog'lar nechun qulab tushgay?
Bir-birini ulab tushgay,
Chorlab tushgay, unnab tushgay,
Menga javob bering, do'stlar!

Biy sahroda ochin-yupun,
Qo'yin boqar cho'pon tun-kun,
Chaqmoq urar uni nechun?
Menga javob bering, do'stlar!

Kunning kelar-ketari bor,
Shodmon, g'amgin yitari bor,
Qayga ketib, yetari bor?
Menga javob bering, dostlar!

Sirlar to'la — osmon ichi,
Sirlar to'la — ummon ichi,
Osmon, ummon — inson ichi,
Nechun? Javob bering, do'stlar!

O'zdin so'ra! Azimdirman.
Azimmanki azimdirman.
O'g'limdirman, qizimdirman!
Bilganim shu azim, dostlar!

9-fevral 2011-yil

БЎЗ БОЛА

Эй, бўз бола, бўз бола,
Бўз кийибсан, бўз бола.
Миниб олиб бўз отни
Бўз ерларга келибсан,
Олдига бўз солибсан.

Қайдан бўза олиб, сан,
Уйда бўза қолиб, сан,
Бунда бўза олибсан,
Бўзахўр бўб толибсан.
Бўзлик қилма, толибсан!

12 февраль 2011 йил

ЛАҚҚА

Бир очофат — лаққа сан,
Лекин лақма-лаққасан,
Ховузимга келибсан,
Қармоғимда турибсан.

Қанча хушрўй, қилиқли,
Ушоқ-ушоқ балиқни,
Такдирдан на кутиб сан,
Қувиб-ямлаб ютибсан?!

Тайёрладим лаққа чўғ,
Кабоб бўлгин — аяш йўқ!

12 февраль 2011 йил

BO'Z BOLA

Ey, bo'z bola, bo'z bola,
Bo'z kiyibsan, bo'z bola.
Minib olib bo'z otni
Bo'z yerlarga kelibsan,
Oldiga bo'z solibsan.

Qaydan bo'za olib, san,
Uyda bo'za qolib, san,
Bunda bo'za olibsan,
Bozaxo'r bo'b tolilibsan.
Bo'zlik qilma, tolilibsan!

12-fevral 2011-yil

LAQQA

Bir ochofat — laqqa san,
Lekin laqma-laqqasan,
Hovuzimga kelibsan,
Qarmog'imda turibsan.

Qancha xushro'y, qiliqli,
Ushoq-ushoq baliqni,
Taqdirdan na kutib san,
Quvib-yamlab yutibsan?!

Tayyorladim laqqa cho'g',
Kabob bo'lg'in — ayash yo'q!

12-fevral 2011-yil

УЛА¹

Мендан олдин кетган йўловчи,
Йўлга тушдим сенга ишониб.
Ё сарбонман, ё чўлик довчи,
Ё даллиман — юрган адашиб.
Мендан олдин кетган йўловчи.

Мен биламан Ула қаъдасин,
Аждодларнинг ибрати дардин,
Шодлигу ғам, аламу сардин,
Кипригига кўнгани гардин,
Мендан олдин кетган йўловчи.

Бандасига кўп эрур қасдли,
Чорласа ҳам не ранглар васли,
Турланса ҳам йилларнинг фасли,
Бу дунёда йўл йўқдир асли!
Мендан олдин кетган йўловчи.

Қадим Ула бўйлаб кетгайсан,
Янги Ула қўйиб кетгайсан,
Йўлни йўлга улаб кетгайсан,
Қаъдаларни унутмагайсан!
Мендан олдин кетган йўловчи.

Мендан олдин кетган йўловчи,
Йўлга тушдим сенга ишониб.

17 февраль 2011 йил

¹ Чўл ва саҳроларда йўл кўрсатиш учун қўйилиб кетиладиган тош-белги.

ULA¹

Mendan oldin ketgan yo'lovchi,
Yo'lga tushdim senga ishonib.
Yo sarbonman, yo cho'liq dovchi,
Yo dalliman – yurgan adashib.
Mendan oldin ketgan yo'lovchi.

Men bilaman Ula qa'dasin,
Ajdodlarning ibрати dardin,
Shodlig-u g'am, alam-u sardin,
Kiprigiga qongani gardin,
Mendan oldin ketgan yo'lovchi.

Bandasiga ko'p erur qasdli,
Chorlasa ham ne ranglar vasli,
Turlansa ham yillarning fasli,
Bu dunyoda yo'l yo'qdir asli!
Mendan oldin ketgan yo'lovchi.

Qadim Ula bo'ylab ketgaysan,
Yangi Ula qo'yib ketgaysan,
Yo'lni yo'lga ulab ketgaysan,
Qa'dalarni unutmagaysan!
Mendan oldin ketgan yo'lovchi.

Mendan oldin ketgan yo'lovchi,
Yo'lga tushdim senga ishonib.

17-fevral 2011-yil

¹ Cho'l va sahrolarda yo'l ko'rsatish uchun qo'yilib ketiladigan tosh-belgi.

ТУНГИ ЎЙЛАР

Қолдими умримнинг кузи шафақлаб,
Ажабким, орзулар, хайратлар юпун.
Оғир аравани тортар имиллаб,
Ўтиб-ўтмаётган қирчанғи бу тун.

Қўклам офтобида дарахтлар тани
Қизийди, шохлари барг ёзар қувнок.
Фунчалар хандага очар лабини,
Қўзим қўриб туриб, қўрмайди бундок.

Қўпам йўриқларни бузмадим-ку мен,
Битта фарзанд бўлиб севдим Ватани.
Юрак ғижимланар, эй юрагим, сен,
Қабул қилмоқдасан қай зарби занғни?

Гоҳ бўм-бўш оролда қолган кимсаман,
Бунда на дўст бордир, на бордир рақиб.
Бамисли шалағи чиққан кемаман,
Тўлқинлар қирғоққа отган ирғитиб.

Нахот ўқилиб соб ишқ эртаклари,
Ўчган чўғдай кўнгил совиб бормоқда.
Кераксиз туюлар дил истаклари,
Хатто танамда гоҳ қон уйимокда.

Иззатманд меҳмонман ушбу дунёда,
Умримнинг йўллари шонли-шарафли.
Эй дўст! Сенинг билан бўлдим зиёда,
Қай тарафлисан — мен ўша тарафли!

17-18 февраль 2011 йил

TUNGI O'YLAR

Qoldimi umrimning kuzi shafaqlab,
Ajabkim, orzular, hayratlar yupun.
Og'ir aravani tortar imillab,
O'tib-o'tmayotgan qirchang'i bu tun.

Ko'klam oftobida daraxtlar tani
Qiziydi, shoxlari barg yozar quvnoq.
G'unchalar xandaga ochar labini,
Ko'zim ko'rib turib, ko'rmaydi bundoq.

Ko'pam yo'riqlarni buzmadim-ku men,
Bitta farzand bo'lib sevdim Vatanni.
Yurak g'ijimlanar, ey yuragim, sen,
Qabul qilmoqdasan qay zarbi zangni?

Goh bo'm-bo'sh orolda qolgan kimsaman,
Bunda na do'st bordir, na bordir raqib.
Bamisli shalag'i chiqqan kemaman,
To'lqinlar qirg'oqqa otgan irg'itib.

Nahot o'qilib sob ishq ertaklari,
O'chgan cho'g'day ko'ngil sovib bormoqda.
Keraksiz tuyular dil istaklari,
Hatto tanamda goh qon uyimoqda.

Izzatmand mehmonman ushbu dunyoda,
Umrinning yo'llari shonli-sharafli.
Ey do'st! Sening bilan bo'ldim ziyoda,
Qay taraflisan — men o'sha taraflil!

17-18-fevral 2011-yil

ИХТИЁРИМ ЭҲТИРОМИ

Бокқа кирдим, унда гуллар чаман-чаман,
Лола, нарғиз, атиргулу сумбул, суман,
Номозшомгул, бинафшаю жамбил, райхон,
Ихтиёрим эҳтироми эҳсонгадир!

Насибамни кабутардай териб едим,
Пешонамнинг терларини бериб едим
Ва ҳеч қачон кўкрагимни кериб едим,
Ихтиёрим эҳтироми пайғомгадир!

Шукур дейман, ўз хатим бор, ўз номам бор,
Ўз чашмаим, ўз замзамам, ўз нолам бор,
Борим бордир, йўғим бордир, ағёрим бор,
Ихтиёрим эҳтироми имконгадир!

Кўп ўқидим, не дунёдор — жаҳдимда у,
Нафс янглиғ ортимда у, олдимда у,
Бари ўчди, на жоним, на ёдимда у,
Ихтиёрим эҳтироми инсонгадир!

Умрим йўли узун йўлдир, ўтаянман,
Бир из ёпиб, бир из очиб кетаянман,
Азим Суюн гоҳи шод, гоҳ чатнаянман,
Ихтиёрим эҳтироми имонгадир!

4 март 2011 йил

БУ ВАТАННИ СЕВМАЙ БЎЛУРМИ

Севиш-севмоқ саодат эрур,
илоҳий бахт жўш урар қонда.
Тулпорингни мингину мағрур
чоштир, елдир ота маконда!
Бу Ватанни севмай бўлурми?!

IXTIYORIM EHTIROMI

Boqqa kirdim, unda gullar chaman-chaman,
Lola, nargiz, atirgul-u sumbul, suman,
Nomozshomgul, binafsha-yu jambil, rayhon,
Ixtiyorim ehtiromi ehsongadir!

Nasibamni kabutarday terib yedim,
Peshonamning terlarini berib yedim
Va hech qachon ko'kragimni kerib yedim,
Ixtiyorim ehtiromi payg'omgadir!

Shukur deyman, o'z xatim bor, o'z nomam bor,
O'z chashmaim, o'z zamzamam, o'z nolam bor,
Borim bordir, yo'g'im bordir, ag'yorim bor,
Ixtiyorim ehtiromi imkongadir!

Ko'p o'qidim, ne dunyodor — jahdimda u,
Nafs yanglig' ortimda u, oldimda u,
Bari ochdi, na jonim, na yodimda u,
Ixtiyorim ehtiromi insongadir!

Umrim yo'li uzun yo'ldir, o'tayapman,
Bir iz yopib, bir iz ochib ketayapman,
Azim Suyun gohi shod, goh chatnayapman,
Ixtiyorim ehtiromi imongadir!

4-mart 2011-yil

BU VATANNI SEVMAY BO'LURMI

Sevish-sevmoq saodat erur,
ilohiy baxt jo'sh urar qonda.
Tulporingni mingin-u mag'rur
choptir, yeldir ota makonda!
Bu Vatanni sevmay bo'lurmi?!

Хисор тоғда очиб кенг кучок
яша, юксал бамисли хаёл.
Сангардакда минг кўзли булок —
тўлиб-тошган кечаги ҳилол!
Бу Ватанни севмай бўлурми?!

Қайда, қайдан бу эрка чоғлар,
зангор тошқин қиру ёбонда.
Қизғалдоклар — гулгун ёноқлар —
тўрт уфқда — тўртала ёнда!
Бу Ватанни севмай бўлурми?!

Айғиркўл гулмоҳиларининг
гулларида ўйнайди нурлар.
Бадайтўқай хонгуллариининг
кўзларида дўсти хонгуллар!
Бу Ватанни севмай бўлурми?!

Тўкис эмас, неки мавжуддир,
тўкис бахт ҳам йўқдир жаҳонда.
Фақат Ватан тўкис вужуддир,
бахт ҳам тўкис ота маконда!
Бу Ватанни севмай бўлурми?!

Чўлу сахро юзи қаварик,
мовий тоғлар туслари бужур.
Ёйлоқ, сойлоқ — дастурхон ёйик,
о, англасанг, бари-бари дур!
Бу Ватанни севмай бўлурми?!

Мени севиб, опичлаб онам,
севмоқликка ўргатган рўйирост.
Севмоқликка яралган одам,
севилмоққа олам хосу мос!
Бу Ватанни севмай бўлурми?!

20 май 2011 йил

Hisor tog'da ochib keng quchoq
yasha, yuksal bamisli xayol.
Sangardakda ming ko'zli buloq —
To'lib-toshgan kechagi hilol!
Bu Vatanni sevmay bolurmi?!

Qayda, qaydan bu erka chog'lar,
zangor toshqin qir-u yobonda.
Qizg'aldoqlar — gulgun yonoqlar —
To'rt ufqda — to'rtala yonda!
Bu Vatanni sevmay bo'lurmi?!

Ayg'irko'l gulmohilarining
gullarida o'ynaydi nurlar.
Badayto'qay xongullarining
Ko'zlarida do'sti xongullar!
Bu Vatanni sevmay bo'lurmi?!

To'kis emas, neki mavjuddir,
To'kis baxt ham yo'qdir jahonda.
Faqat Vatan to'kis vujuddir,
baxt ham to'kis ota makonda!
Bu Vatanni sevmay bo'lurmi?!

Cho'l-u sahro yuzi qavariq,
moviy tog'lar tustlari bujur.
Yoyloq, soyloq — dasturxon yoyiq,
o, anglasang, bari-bari dur!
Bu Vatanni sevmay bo'lurmi?!

Meni sevib, opichlab onam,
sevmoqlikka o'rgatgan ro'yirost.
Sevmoqlikka yaralgan odam,
sevilmoqqa olam xos-u mos!
Bu Vatanni sevmay bo'lurmi?!

20-may 2011-yil

ЎЛАН

Бу дунё савдолари юлдузлардан мўл экан,
Бу дунё ғавғолари ўтиб бўлмас чўл экан,
Бу дунёнинг йўллари-о, бир адоқсиз йўл экан,
ёши неча, билмайман,

Умр эса ўтмоқда, умр деган довларов,
Ўйноқлаган тойларимов, ўйноқлаган
тойларов!

Товларнинг тепалари яркирайди,
яркирайди,

Сулув-сулув юлдузлар чақнайди,
ярақлайди,

Дарёларов, сойларов шаркирайди,
шаркирайди,

ёши неча, билмайман,

Умр эса ўтмоқда, умр деган довларов,
Чарақлаган ойларимов, чарақлаган
ойларов!

Оқ роз учди, кўк роз учди бу кўлдан —
бу кўлларга,

Не кувонч бахш этдилар не юрак,
кўнгилларга,

Қор, бўронни пеш қилмадим мендан
қочган уларга,

ёши неча, билмайман,

Умр эса ўтмоқда, умр деган довларов,
Ов халтамда ўқлар битди, овларимов,
овларов!

Дард дегани нима ўзи, дард дегани армон
эрур,

Армон тўла ҳар бир жонда — ҳар лаҳзада
бир жон эрур,

Одам деган бу дунёда мезбон эмас,
меҳмон эрур,

ёши неча, билмайман.

O'LAN

Bu dunyo savdolari ylduzlardan mo'l ekan,
Bu dunyo g'avg'olari o'tib bo'lmas cho'l ekan,
Bu dunyoning yo'llari-o, bir adoqsiz yo'l ekan,
yoshi necha, bilmayman,

Umr esa o'tmoqda, umr degan dovlarov,
O'ynoqlagan toylarimov, o'ynoqlagan
toylarov!

Tovlarning tepalari yarqiraydi,
yarqiraydi,
Suluv-suluv yulduzlar chaqnaydi,
yaraqlaydi,

Daryolarov, soylarov sharqiraydi,
sharqiraydi,
yoshi necha, bilmayman,

Umr esa o'tmoqda, umr degan dovlarov,
Charaqlagan oylarimov, charaqlagan
oylarov!

Oq g'oz uchdi, ko'k g'oz uchdi bu ko'ldan —
bu ko'llarga,

Ne quvonch baxsh etdilar ne yurak,
ko'ngillarga,

Qor, bo'ronni pesh qilmadim mendan
qochgan ularga,

yoshi necha, bilmayman,
Umr esa o'tmoqda, umr degan dovlarov,
Ov xaltamda o'qlar bitdi, ovlarimov,
ovlarov!

Dard degani nima o'zi, dard degani armon
erur,

Armon to'la har bir jonda — har lahzada
bir jon erur,

Odam degan bu dunyoda mezbon emas,
mehmon erur,

yoshi necha, bilmayman.

Умр эса ўтмоқда, умр деган довларов,
Дунё деган жойларимов, дунё деган
жойларов!

6 июнь 2011 йил

ЯХШИЛИККА ЙЎЙДИМ ФАҚАТ

Майсалар ҳур илдизига тупроқ бўлдим,
Бир қатим нур, бир қултум сув, урпоқ бўлдим,
Улар томчи нигоҳида нурпоқ бўлдим,
Бу дунёни яхшиликка йўйдим фақат.

Одам кўпроқ яхшиликни англамаслар,
Дов-дарахтдек муҳаббатли чангламаслар,
Ота-ўғил бир-бирини тингламаслар,
Бу дунёни яхшиликка йўйдим фақат.

Боқ, қояга тизим-тизим уланишган,
Кўчкиларда елкалашган-суянишган,
Хаста қушлар бир-бирига қуйманишган,
Бу дунёни яхшиликка йўйдим фақат.

Тоғ кўксидан отилган, о, булоқларми,
Бир-бирига улашмаса ирмоқларми,
Улар дарё бўлмаса гар ўйноқларми?!
Бу дунёни яхшиликка йўйдим фақат...

7 июнь 2011 йил

РАФИҚАМГА

(Ҳазил аралаш)

Гулдан тоза гулимсан,
Ўзимнинг Ойгулимсан.
Гул ёстиқни гул қилган
Ҳам қизим, ҳам улумсан.

Umr esa o'tmoqda, umr degan dovlarov,
Dunyo degan joylarimov, dunyo degan
joylarov!

6-iyun 2011-yil

YAXSHILIKKA YO'YDIM FAQAT

Maysalar hur ildiziga tuproq bo'ldim,
Bir qatim nur, bir qultum suv, urpoq bo'ldim.
Ular tomchi nigohida nurpok boldim,
Bu dunyoni yaxshilikka yo'ydim faqat.

Odam ko'proq yaxshilikni anglamaslar,
Dov-daraxtdek muhabbatli changlamaslar,
Ota-o'g'il bir-birini tinglamaslar,
Bu dunyoni yaxshilikka yo'ydim faqat.

Boq, qoyaga tizim-tizim ulanishgan,
Ko'chkilarda yelkalashgan-suyanishgan,
Xasta qushlar bir-biriga kuymanishgan,
Bu dunyoni yaxshilikka yo'ydim faqat.

Tog' ko'ksidan otilgan, o, buloqlarmi,
Bir-biriga ulashmasa irmoqlarmi,
Ular daryo bo'lmasa gar o'ynoqlarmi?!
Bu dunyoni yaxshilikka yo'ydim faqat...

7-iyun 2011-yil

RAFIQAMGA

(Hazil aralash)

Guldan toza gulimsan,
O'zimning Oygulimsan.
Gul yostiqni gul qilgan
Ham qizim, ham ulumsan.

Келинчак бўлганингда
Шохдаги гунча эдинг.
Қўрли тандирдан чиққан
Юзларинг кулча эди.

Тут оғочли бешикни
Бешикаст кўп тебратдинг.
Кўнглимга доғ туширмай
Шабнамдай ялтиратдинг.

Сувсираган чўлимни
Обод қилдинг, ой қилдинг.
Белбоғсиз бу белимга
Белбоғ боғлаб бой қилдинг.

Тушларда тартиб бўлмас,
Шоирда ҳам тартиб йўқ.
Ким айтади, дунёда,
Қай шоирда айб йўқ?

Жунуним бор-да гартак,
Биласан, билмагайсан.
Кўриб туриб, жимгина,
Гўёки кўрмагайсан.

Эркин Воҳид айтган-ку
Шоирлар аёлига
Ҳайкал кўймоқ керакдир
Бесўз, бемалолгина.

Нар қалдирғоч жуфтидай
Ҳамон, мунис, гўзалсан.
Ҳилол Ойга айланди —
Тўлишган Ойгулимсан.

Ўзим ҳайкал кўяман
Бир келишган, созгина.
Фақат етмай турибди
Ақчадан чўз озгина...

11 июнь 2011 йил

Kelinchak bo'lganingda
Shoxdagi g'uncha eding.
Qorli tandirdan chiqqan
Yuzlaring kulcha edi.

Tut og'ochli beshikni
Beshikast ko'p tebratding.
Ko'nglimga dog' tushirmay
Shabnamday yaltiratding.

Suvsiragan cho'limni
Obod qilding, oy qilding.
Belbog'siz bu belimga
Belbog' bog'lab boy qilding.

Tushlarda tartib bo'lmas,
Shoirda ham tartib yo'q.
Kim aytadi, dunyoda,
Qay shoirda ayb yo'q?

Jununim bor-da gartak,
Bilasan, bilmagaysan.
Ko'rib turib, jimgina,
Go'yoki ko'rmagaysan.

Erkin Vohid aytgan-ku
Shoirlar ayoliga
Haykal qo'ymoq kerakdir
Beso'z, bemalolgina.

Nar qaldirg'och juftiday
Hamon, munis, go'zalsan.
Hilol Oyga aylandi —
To'lishgan Oygulimsan.

O'zim haykal qo'yaman
Bir kelishgan, sozgina.
Faqat yetmay turibdi
Aqchadan cho'z ozgina...

11-iyun 2011-yil

КЎТАРМАС

Азим-о, қаддинг кўтар,
дардингни даврон кўтармас,
Давронким, номехрибон,
хатто меҳрибон кўтармас.
Дард дегани тоғдай офир,
гарчи ҳалим кўрингай,
Рақиб гурзисин кўтарган
дўст-пахлавон кўтармас.
Ер лошимни кўтаргайдир,
оҳи-фигоним кўкда,
Дудларимни ортга ҳайдар,
аҳли осмон кўтармас.
Сайхону ўтлоқ ям-яшил
тизма тоғлар ораси,
Овчиларнинг дастидан, дод,
оҳу-жайрон кўтармас.
Адолат тарозуси,
ким кўлида, билмайман, оҳ,
Билганим шулки, замон
арзимни арзон кўтармас.
Азим-о, кўрк Раббингдан,
билакс, севгил беадок,
Қалбингда ардоқла уни,
ҳарки, инсон кўтармас!

17 июль 2011 йил

БИР ДЎСТ БЎЛМИШГА

Бунча ҳасадгўйсан, бунча бахилсан,
Ичинг қозон сирти, юзи заҳилсан.

Эшаксан, ғанимим юкин кўтарган,
Ийиққинанг чиқиб кетган яғирсан.

KO'TARMAS

Azim-o, qadding ko'tar,
dardingni davron ko'tarmas,
Davronkim, nomehribon,
hatto mehribon ko'tarmas.
Dard degani tog'day og'ir,
garchi halim ko'ringay,
Raqib gurzisin ko'targan
Do'st-pahlavon ko'tarmas.
Er lohimni ko'targaydir,
ohi-fig'onim ko'kda,
Dudlarimni ortga haydar,
ahli osmon ko'tarmas.
Sayxon-u o'tloq yam-yashil
tizma tog'lar orasi,
Ovchilarning dastidan, dod,
ohu-jayron ko'tarmas.
Adolat tarozusi,
kim qo'lida, bilmayman, oh,
Bilganim shulki, zamon
arzimni arzon ko'tarmas.
Azim-o, qo'rq Rabbingdan,
bilaks, sevgil beadoq,
Qalbingda ardoqla uni,
harki, inson ko'tarmas!

17-iyul 2011-yil

BIR DO'ST BO'LMISHGA

Buncha hasadgo'ysan, buncha baxilsan,
Iching qozon sirti, yuzi zahilsan.

Eshaksan, g'animim yukin ko'targan,
Iyiqqinang chiqib ketgan yag'irsan.

Ўзни дўст тутасан мийиқда кулиб,
Ортимдан отасан оғир-оғир санг.

Фитналар тўқидинг қаватма-қават,
Аслида аслидан олчоқ занғирсан.

Кимни ўпоқ билдинг, кимнидир сўноқ,
Ариқ ботқоғида абгор чигирсан.

Аниқ-таниқ айтсам, ҳамон-ҳамон-о,
Палаҳмон ичида бир тош-чағирсан.

Исминг нима эди, исминг кўп сенинг,
Ўша писмиқсан-да, ўша қинғирсан.

Жазонгни бермаса агар Худойим,
Билмам, ким юзини тағин танғирсан?!

24 июль 2011 йил

ТУРНАЛАР

Тёншон томонларданми
Ё Помир томонлардан
кўклам исин
келтирди еллар
турналар димоғига.

О, Сардор,
турналар Сардори
илғади илкис.

«Қур-р-р!...»
Хозирлик кўрмоқ керак,
тўпланинг, қавмдошлар,
Ризқ-рўзимиз бизнинг
бир ерда эмас тўқис!

«Қур-р-р!...»
Оллоҳ яратган сўнг яшамоқ керак!
Насиба учун!

O'zni do'st tutasan miyiqda kulib,
Ortimdan otasan og'ir-og'ir sang.

Fitnalar to'qiding qavatma-qavat,
Aslida aslidan olchoq zang'irsan.

Kimni o'poq bilding, kimnidir so'poq,
Ariq botqog'ida abgor chig'irsan.

Aniq-taniq aytsam, hamon-hamon-o,
Palaxmon ichida bir tosh-chag'irsan.

Isming nima edi, isming ko'p sening,
O'sha pismiqsan-da, o'sha qing'irsan.

Jazongni bermasa agar Xudoyim,
Bilmam, kim yuzini tag'in tang'irsan?!

24-iyul 2011-yil

TURNALAR

Tyonshon tomonlardanmi
Yo Pomir tomonlardan
ko'klam isin
keltirdi yellar
turnalar dimog'iga.

O, Sardor,
turnalar Sardori
ilg'adi ilkis.

«Qur-r-r!...»
Hozirlik ko'rmoq kerak,
To'planing, qavmdoshlar,
Rizq-ro'zimiz bizning
bir yerda emas to'kis!

«Qur-r-r!...»
Olloh yaratgan so'ng yashamoq kerak!
Nasiba uchun!

Насл учун!
Авлод учун!
Омонлик учун яшамоқ керак!

Қавмдошлар!
Йўлга тушмоқ аввали,
бир эслаб олайлик
ўтган йилларни,
ўтган йўлларни!
Ҳеч қачон осон кечмаган йиллар.
Ҳеч қачон осон кечмаган йўллар.
Осон кечмайди умр!
Тусланиб турар булутлар каби!

«Қур-р-р!...»
Жамолунгма!
Непал Жамолунгмаси!
Дунё томи!
Эверест деб атар Европа уни!
Ҳинд атайди Сагартматха!
Ёддан чиқарманг!
Ундан оша учмоқ қисматимиздир!
У эса сарбаланд,
жуда сарбаланд,
кўклар билан бўй талашар,
Жамолунгма!

Унинг устидан биздан бошқа бирор қуш
зоти учиб ўтган эмас,
учиб ўтолмас.
Мангу музлик нурлари тиндирар
кўзларимизни,
гирдобли бўронлар,
қор қуюнлари,
тўфон уюрлари
қанотларимизни толдирар,
чидамоғи керак юракларимиз!

Nasi uchun!
Avlod uchun!
Omonlik uchun yashamoq kerak!

Qavmdoshlar!
Yo'lga tushmoq avvali,
bir eslab olaylik
o'tgan yillarni,
o'tgan yo'llarni!
Hech qachon oson kechmagan yillar.
Hech qachon oson kechmagan yo'llar.
Oson kechmaydi umr!
Tuslanib turar bulutlar kabi!

«Qur-r-r!...»
Jamolungma!
Nepal Jamolungmasi!
Dunyo tomi!
Everest deb atar Yevropa uni!
Hind ataydi Sagartmatxa!
Yoddan chiqarmang!
Undan osha uchmoq qismatimizdir!
U esa sarbaland,
juda sarbaland,
ko'klar bilan bo'y talashar,
Jamolungma!

Uning ustidan bizdan boshqa biror qush
zoti uchib o'tgan emas,
uchib o'tolmas.
Mangu muzlik nurlari tindirar
ko'zlarimizni,
girdobli bo'ronlar,
qor quyunlari,
to'fon uyurlari
qanotlarimizni to'ldirar,
chidamog'i kerak yuraklarimiz!

Хаёт учун курашмоқ керак!
Хаёт бу, кураш йўли!
Аждодлар рухи мададкор бўлсин!..

«Кур-р-р!..»
Йўлбошчилар!
Ота-оналар!
Ёшларни сафга олинг!
Ўртага олинг, саф бузилмасин!
бузилмасин!
Интизом – музаффарият!
«Кур-р-р!..»
Олға!..

Хайр!
Африка саванналари!
Ўтлоқлар,
дарёлар ортда колди,
Филлар,
жирафалар,
қўтослар,
йўлбарслар
чумолига айланиб улгурди,
шаколлар,
бўрилар,
кийиклар
зиғирчалик...

«Кур-р-р!..»
Салом, Жамолунгма!
Само тангриси, салом!
Ўзинг мадад бер!
Қанотларимиз куч-қудратин толдирма!
Кўзларимиз нурларин сўндирма!
Биз баланд учамиз,
биз баланд учамиз,
юксаклик – нажот!

Hayot uchun kurashmoq kerak!
Hayot bu, kurash yo'li!
Ajdodlar ruhi madadkor bo'lsin!..

«Qur-r-r!...»
Yo'l boshchilar!
Ota-onalar!
Yoshlarni safga oling!
O'rtaga oling, saf buzilmasin!
buzilmasin!
Intizom – muzaffariyat!
«Qur-r-r!...»
Olg'a!..

Xayr!
Afrika savannalari!
O'tloqlar,
daryolar ortda qoldi,
Fillar,
jirafalar,
qo'toslar,
yo'lbarslar
chumoliga aylanib ulgurdi,
shaqollar,
bo'rilar,
kiyiklar
zig'irchalik...

«Qur-r-r!...»
Salom, Jamolungma!
Samo tangrisi, salom!
O'zing madad ber!
Qanotlarimiz kuch-qudratin to'ldirma!
Ko'zlarimiz nurlarin so'ndirma!
Biz baland uchamiz,
biz baland uchamiz,
yuksaklik – najot!

«Қур-р-р!...»
Қор, бўрон-н....
 бўрон-н-н...
 тинган кунинг
 борми сенинг?!

Музқуюн-н-н...
 «Қур-р-р!...»
 бургутлар-р... ана!..
Жамолунгманинг очофатлари!
«Қур-р-р!...»
 Жангга!
 ...оҳ,
 сафлар бузилди!
 хаво-о...
 хаво-о-о...
 етмаяпти Ҳаво-о...
 Ҳаёт-мамот жангги!

Чакмоқлар чакди,
 аждар тилли чакмоқлар...
Олишув...
 тумшуқлар,
 тирноқлар жангги!

 шиддат...
Ўмганлар ўмганларга урилди,
 қанотлар қарсиллади!
Зирвалар чайқалар,
 қоялар тебранар!

Қонлар сачрар...
 кўзлар ёнар...
 пат-парлар тўзғир-р!..
О,
 сўнгги потроқ талвасалар...
 титроқлар...
«Қур-р-р!...»
 Жанг тугади!

«Qur-r-r!...»

Qor, bo'ron-n....

Bo'ron-n-n...

tingan kuning

bormi sening?!

Muzquyn-n-n...

«Qur-r-r!...»

burgutlar-r... anal..

Jamolungmaning ochofatlari!

«Qur-r-r!...»

Janggal!

...oh,

saflar buzildi!

havo-o...

havo-o-o...

yetmayapti Havo-o...

Hayot-mamot janggi!

Chaqmoqlar chaqdi,

ajdar tilli chaqmoqlar...

Olishuv...

tumshuqlar,

tirnoqlar janggi!

shiddat...

O'mganlar o'mganlarga urildi,

qanotlar qarsilladi!

Zirvalar chayqalar,

qoyalar tebranar!

Qonlar sachrar...

Ko'zlar yonar...

pat-parlar to'zg'ir-r!..

O,

so'nggi potroq talvasalar...

titroqlar...

«Qur-r-r!...»

Jang tugadi!

«Қур-р-р!...»

Қур-р-р!...»

Қур-р-р!...»

Омон қолганлар сафга!

Шаҳидлар руҳи биз билан!

Ҳаёт бардавом!

«Қур-р-р!...»

Чин-мочин сарҳадлари ортда қолди.

Ортда қолди

Ҳиндистон жунглилари,

Непаль ўрмонликлари.

«Қур-р-р!...»

Мастона хаволар...

ассалом,

оромижон воҳалар,

водийлар,

Бир ўлкаки...

ям-яшил, зангор!..

қўм-қўк кенгликлар...

кенгликлар...

кенгликлар...

Бир тўп бўз бола чоғиб чиқар қирларга,
хайқиришар...

кийқиришар...

турналар келди...

турналар келди-и-и...

ўтлоқларимизга

эхе-хе-хей-й...

аҳа-ҳа-хей-й...

ў-ў-ў-ў-ў-й!..

турналар келди,

қур-р-р-э,

қур-р-р-э!

...турналар келди Ўзбекистонга!

25 июль 2011 йил

«Qur-r-r!...»

Qur-r-r!...»

Qur-r-r!...»

Omon qolganlar safga!

Shahidlar ruhi biz bilan!

Hayot bardavom!

«Qur-r-r!...»

Chin-mochin sarhadlari ortda qoldi.

Ortda qoldi

Hindiston junglilari,

Nepal o'rmonliklari.

«Qur-r-r!...»

Mastona havolar...

assalom,

oromijon vohalar,

vodiylar,

Bir o'lkaki...

yam-yashil, zangor!..

ko'm-ko'k kengliklar...

kengliklar...

kengliklar...

Bir to'p bo'z bola chopib chiqar qirlarga,
hayqirishar...

qiyqirishar...

turnalar keldi...

turnalar keldi-i-i...

o'tloqlarimizga

ehe-he-hey-y...

aha-ha-hey-y...

o'-o'-o'-o'-o'-y!..

turnalar keldi,

qur-r-r-e,

qur-r-r-e!

...turnalar keldi O'zbekistonga!

25-iyul 2011-yil

АЛДОҚЧИ ТУЙГУЛАР

Офтоб нурида ўсмас ҳамма гиёҳ ҳам.
 Алдоқчисиз,
 ғирромсиз,
 жилвағарсиз,
 товланасиз,
 Қарз сўратасиз ракибимдан,
 Мен узолмай доғдаман уни.
 Дастингиздан гоҳо
 қоп-қора булутга айланар юрак,
 ёмғир эмас, қорлар ёғар,
 қонлар ёғар... қоп-қора булут!
 Алпомишдек кўксини кериб турар қоялар,
 чиқмоққа ундайсиз тикка,
 йиқилиб тушаман чикка.
 Айланма бўронларга дуч этасиз гоҳ,
 уюр-уюр бўронларга ташлайсиз
 эрмакка.
 Ишонимлик кишидирман, ишонтирасиз,
 наша емакка ўрганиб қолган серкадек
 ўрганиб қоламан... ишонтирасиз.
 Болта урдирасиз ўз оёғига кишининг.
 Шер айланиб қолар маймунга.
 Ишонтирасиз...
 Кашфиётларга бошлайсиз...
 қўллари бўғзимда кашфиётларнинг!
 Аёл — сержумбоқ олам.
 Бу оламга бунча чорлайсиз,
 Қонимни қиздирасиз чўғ бўлиб.
 Ҳеч кимга керак эмасманми, мен,
 эртага керакман бешак!
 Макр — хийла... хиёнат... сотқинлик
 дўстларга...
 истайсизми?!
 Йўқ...
 Дунё ўткинчи дейсиз,
 киши ўткинчи-ку ахир!

ALDOQCHI TUYG'ULAR

Oftob nurida o'smas hamma giyoh ham.

Aldoqchisiz,

g'irromsiz,

jilvagarsiz,

tovlanasiz,

Qarz so'ratasiz raqibimdan,

Men uzolmay dog'daman uni.

Dastingizdan goho

qop-qora bulutga aylanar yurak,

yong'ir emas, qorlar yog'ar,

qonlar yog'ar... qop-qora bulut!

Alpomishdek ko'ksini kerib turar qoyalar,

chiqmoqqa undaysiz tikka,

yiqilib tushaman chikka.

Aylanma bo'ronlarga duch etasiz goh,

uyur-uyur bo'ronlarga tashlaysiz

ermakka.

Ishonimlik kishidirman, ishontirasiz,

nasha yemakka o'rganib qolgan serkadek

o'rganib qolaman... ishontirasiz.

Bolta urdirasiz o'z oyog'iga kishining.

Sher aylanib qolar maymunga.

Ishontirasiz...

Kashfiyotlarga boshlaysiz...

qo'llari bo'g'zimda kashfiyotlarning!

Ayol — serjumboq olam.

Bu olamga buncha chorlaysiz,

Qonimni qizdirasiz cho'g' bo'lib.

Hech kimga kerak emasmanmi, men,

ertaga kerakman beshak!

Makr — hiyla... xiyonat... sotqinlik

do'stlarga...

istaysizmi?!

Yo'q...

Dunyo o'tkinchi deysiz,

kishi o'tkinchi-ku axir!

Юрагимда сайрар бир қушча,
камалакранг патлари унинг,
тилчалари бирам нозикки,
кўзлари маънодор боқар,
учириб хайдайсиз уни...

Сўз — томирдаги қон.

Қориштирманг дард билан.

Сўзнинг кўзи бор,

тупрок сочманг унга.

Менинг киндик қоним тўкилган нукта,

бир ов-л-о-оқ тоғ қишлоғи, ундан

эмаклаб-эмаклаб чиқдим Дунёга,

Дунё етилтирди мисоли бошок.

Мен алдовлар учун чиққан эмасман!

Хей, ризқи улугим!

Хей, ҳикмати илоҳий!

Пок туйғулар,

шоффоф туйғулар,

ўн тўрт кунлик ой туйғулар,

Хай берманг,

йўл берманг,

алдоқчи,

ғирром туйғуларга!

Мен сизга яқин янтоқман,

сўзлаяпман тиконим билан!

БОРАР МАКОНИМИЗ КЎНГИЛ БЎЛСИН!!!

21 август 2011 йил

УЧАРЛАР

Тулпорлар уюри,

уюрлар,

уюрлар,

Чавандозлар улоққа уюрилар.

Зўрлари улоқни тақимга урар,

Отларин бошларин чортоққа бурар,

Yuragimda sayrar bir qushcha,
kamalakrang patlari uning,
tilchalari biram nozikki,
ko'zlari ma'nodor boqar,
uchirib haydaysiz uni...
So'z — tomirdagi qon.
Qorishtirmang dard bilan.
So'zning ko'zi bor,
tuproq sochmang ungga.
Mening kindik qonim to'kilgan nuqta,
bir ov-l-o-oq tog' qishlog'i, undan
emaklab-emaklab chiqdim Dunyoga,
Dunyo yetiltirdi misoli boshqoq.
Men aldovlar uchun chiqqan emasman!
Hey, rizqi ulug'im!
Hey, hikmati ilohiy!
Pok tuyg'ular,
shoffof tuyg'ular,
o'n to'rt kunlik oy tuyg'ular,
Hay bermang,
yo'l bermang,
aldoqchi,
g'irrom tuyg'ularga!
Men sizga yaqin yantoqman,
So'zlayapman tikonim bilan!
BORAR MAKONIMIZ KO'NGIL BO'LSIN!!!

21-avgust, 2011-yil

UCHARLAR

Tulporlar uyuri,
uyurlar,
uyurlar,
Chavandozlar uloqqa uyurilar.
Zo'rlari uloqni taqimga urar,
Otlarin boshlarin chortoqqa burar,

Маррага-маррага яқинроқ турар —
учарлар,
учарлар,
учарлар.

Кимдир улоқни азот олар тўдадан,
Не чавандоз тил тишлаб қолар тўдадан.
...Ғолиб от чортокка-чортокка елади,
Устида чавандоз ғолибдай келади.
Не қиларин энди билади, билади —
учарлар,
учарлар,
учарлар.

Сомонлик доира марра эрур, марра,
Улоқни ташла унга, ғолибсан, ур-ра!
Марра-марра бир нафаслик колди-о-о,
Бир кам чавандоз йўлини олди-о-о.
Улоқни марра кўзига солди-ё, о-о —
учарлар,
учарлар,
учарлар.

Қўрдан улоқни олиб чиққан ғолибмас,
Чангларида қолдириб чиққан ғолибмас,
Ўлжани пойлаб турган зоғлар ғолибдир,
Фирромлик отидаги доғлар ғолибдир,
Серсинов йиллар эмас, чоғлар ғолибдир —
учарлар,
учарлар,
учарлар.

Қўп кўрдим бу ҳаётда бундай касларни,
Не чавандозни пойлаб йиққан пастларни,
Тўлқинлар елкасига минган хасларни,
Нодўстларни кўрдим-о, кўрдим дўстларни,
Мағизларни кўрдим-о, кўрдим пўстларни —
учарлар,
учарлар,
учарлар.

1 август 2011 йил

Marraga-marraga yaqinroq turar —
 ucharlar,
 ucharlar,
 ucharlar.

Kimdir uloqni azot olar to'dadan,
Ne chavandoz til tishlab qolar to'dadan.
...G'olib ot chortoqqa-chortoqqa yeladi,
Ustida chavandoz g'olibday keladi.
Ne qilarin endi biladi, biladi —
 ucharlar,
 ucharlar,
 ucharlar.

Somonlik doira marra erur, marra,
Uloqni tashla unga, g'olibsan, ur-ra!
Marra-marra bir nafaslik qoldi-o-o,
Bir kam chavandoz yo'lini oldi-o-o.
Uloqni marra ko'ziga soldi-yo, o-o —
 ucharlar,
 ucharlar,
 ucharlar.

Qo'rdan uloqni olib chiqqan g'olibmas,
Changlarida qoldirib chiqqan g'olibmas,
O'ljani poylab turgan zog'lar g'olibdir,
G'irromlik otidagi dog'lar g'olibdir,
Sersinov yillar emas, chog'lar g'olibdir —
 ucharlar,
 ucharlar,
 ucharlar.

Ko'p ko'rdim bu hayotda bunday kaslarni,
Ne chavandozni poylab yiqqan pastlarni,
To'lqinlar yelkasiga mingan xaslarni,
Nodo'stlarni ko'rdim-o, ko'rdim do'stlarni,
Mag'izlarni ko'rdim-o, ko'rdim po'stlarni —
 ucharlar,
 ucharlar,
 ucharlar.

1-avgust 2011-yil

ЖАҲОН ШОИРЛАРИГА

Эй, Жаҳон шоирлари!

Осиё бахшилари,
Европа постмодернчилари,
Америка постконструктивистлари,
Африка модернчилари,

Шимол, Жануб,
Ғарб Шарқ ёзарлари,
Фақат шеър ишқида ёнган шоир
юраклар,

Кучоққа олайлик —

ЗАМИННИ!

ЗАМИННИ!

ЗАМИННИ!

Ота сайёрамиз,

Она сайёрамиз

бугун ярадор, ўсал.

Унинг қоқ танида оловли ўзак ёнар,
алангасида айланар **ЗАМИН!**

Либосини асрай олмасак,

биз қандай фарзанд ахир?!

Табиат жамияти азалий эди.

Яралгани — **СИР!**

Башар жамияти бўлди пайдо! Сир эмас бу!

Инсоният хато йўлдан кетди!

Ибтидодан хато йўлни танлади башар!

Унинг йўли сўғиш-уруш, қирғинбарот йўли.

Қалдирғочлар танлаган йўл эмас бу!

Кабутарлар танлаган йўл эмас бу!

Газандалар танлаган йўл бу!

Йиртқичлар танлаган йўл бу!

ЗАМИНДА уруш.

КУҲДА уруш.

УММОНДА уруш!

JAHON SHOIRLARIGA

Ey, Jahon shoirlari!
Osiyo baxshilari,
Yevropa postmodernchilari,
Amerika postkonstruktivistlari,
Afrika modernchilari,
Shimol, Janub,
G'arb-u Sharq yozarlari,
Faqat she'r ishqida yongan shoir
yuraklar,
Quchoqqa olaylik —
ZAMINNI!
ZAMINNI!

ZAMINNI!
Ota sayyoramiz,
Ona sayyoramiz
bugun yarador, o'sal.
Uning qoq tanida olovli o'zak yonar,
alangasida aylanar ZAMIN!
Libosini asray olmasak,
biz qanday farzand axir?!
Tabiat Jamiyati azaliy edi.
Yaralgani — SIR!

Bashar jamiyati bo'ldi paydo! Sir emas bu!
Insoniyat xato yo'ldan ketdi!
Ibtidodan xato yo'lni tanladi bashar!
Uning yo'li so'g'ish-urush, qirg'inbarot yo'li.
Qaldirg'ochlar tanlagan yo'l emas bu!
Kabutarlar tanlagan yo'l emas bu!
Gazandalar tanlagan yo'l bu!
Yirtqichlar tanlagan yo'l bu!

ZAMINDA urush.

KO'KDA urush.

UMMONDA urush!

Қон йўли!

Шу йўлми ахир?

ЎЗДАН — АЛЛОҲ САРИ —

КОМИЛЛИК ЙЎЛИ

йўл-ку ахир!

Одам бўлмиш фақат ўлжа излар

чирмовикдай.

Неки кўрса йўлида, ямлар юҳодек!

Рух оҳанглариин тингламас,

ўрмон оҳларини англамас,

ёвузлик ойболтаси қўлида:

чоңар... инграр... чоңар...

инграр... ўрмон!

Айик уйқусидан уйғонмас!

Хаво... хаво... сўрар фаришта гўдак!

Жаҳон шоирлари!

Дарёга боқинг,

нима оқмоқдадир ХХI аср дарёларида?

Марварид булоқнинг зилоли қани?

Қани, сумбулу ялпизнинг хидоят ифори?

Тоғлар, тоғлар қорининг кўнғироғи қани?

Қани, садафсув тошларин жаранглари?

Жаҳон шоирлари!

ЗАМИН титрамоқда!

Башар тафаккурин сарҳади чексиз!

«Ўн саккиз минг Олам...» дейди Шарқ.

Ўн саккиз минг Олам, нима у!

Балки ўн саккиз минг Олам —

ўн саккиз минг

Галлактика!

Балки ўн саккиз минг Қуёш!

Балки ўн саккиз минг Ой!

Балки ўн саккиз минг ЗАМИН!

Ва, лекин, қучоққа олайлик —

ЗАМИННИ!

ЗАМИННИ!

ЗАМИННИ!

Qon yo'li!

Shu yo'lmi axir?

O'ZDAN – ALLOH SARI –

KOMILLIK YO'LI

yo'l-ku axir!

Odam bo'lmish faqat o'lja izlar

chirmoviqday.

Neki ko'rsa yo'lida, yamlar yuhodek!

Ruh ohanglarin tinglamas,

o'rmon ohlarini anglamas,

yovuzlik oyboltasi qo'lida:

chopar... ingrar... chopar...

ingrar... o'rmon!

Ayiq uyqusidan uyg'onmas!

Havo... havo... so'rar farishta go'dak!

Jahon shoirlari!

Daryoga boqing,

nima oqmoqdadir XXI asr daryolarida?

Marvarid buloqning ziloli qani?

Qani, sumbulu yalpizning hidoyat ifori?

Tog'lar, tog'lar qorining qo'ng'irog'i qani?

Qani, sadafsuv toshlarin jaranglari?

Jahon shoirlari!

ZAMIN titramoqda!

Bashar tafakkurin sarhadi cheksiz!

«O'n sakkiz ming Olam...» deydi Sharq.

O'n sakkiz ming Olam, nima u!

Balki o'n sakkiz ming Olam –

o'n sakkiz ming

Gallaktika!

Balki o'n sakkiz ming Quyosh!

Balki o'n sakkiz ming Oy!

Balki o'n sakkiz ming ZAMIN!

Va, lekin, quchoqqa olaylik –

ZAMINNI!

ZAMINNI!

ZAMINNI!

ЗАМИННИ —
олиму алломалар — соҳиби кашфиёт
сақлай олмагай!

Қироллар,
подшоҳлар,
императорлар,
ирезидентлар сақлай олмагай!
Саркардалар,
қўмондонлар,
қуруллар,
ракеталар,
каҳрамонлар,
сақлай олмагай ЗАМИННИ!

Жаҳон шоирлари!
ЗАМИН титроқда!

Ким гуноҳкор?
Гуноҳсиз банда борми дунёда?
Сиз гуноҳкор!

Ватан ҳақида ёзасиз: СЕВАМАН!
Миллат ҳақида битик: СЕВАМАН!
Севинг!

Ардоқланг!
Ҳаққингиз бор!

Аммо бугун ёзинг:
«ОТА ЗАМИН,
ОНА ЗАМИН,
СЕВАМАН!!!»

ВАТАНИМ,
МИЛЛАТИМ СЕН БИЛАН БАРҲАЁТ!
СЕН БИЛАН БАРДАВОМ!»

Достоевский ёзувчи эмас, Достоевский шоир!
Менинг сирдошим у, менинг мунгдошим!
«Дунёни гўзаллик омон сақлар».

Мен ёзиб қўйдим ёнига:
«Дунёни муҳаббат омон сақлар!»
Гўзаллик ва муҳаббат — қўшмағиз!

Эгизак!

ZAMINNI —
olim-u allomalar — sohibi kashfiyot
saqlay olmagay!

Qirollar,
podshohlar,
imperatorlar,
prezidentlar saqlay olmagay!
Sarkardalar,
qo'mondonlar,
qurollar,
raketalar,
qahramonlar,
saqlay olmagay ZAMINNI!

Jahon shoirlari!
ZAMIN titroqda!

Kim gunohkor?
Gunohsiz banda bormi dunyoda?
Siz gunohkor!
Vatan haqida yozasiz: SEVAMAN!
Millat haqida bitik: SEVAMAN!
Seving!

Ardoqlang!

Haqqingiz bor!

Ammo bugun yozing:
«OTA ZAMIN,
ONA ZAMIN,
SEVAMAN!!!

VATANIM,
MILLATIM SEN BILAN BARHAYOT!
SEN BILAN BARDAVOM!»

Dostoyevskiy yozuvchi emas, Dostoyevskiy shoir!
Mening sirdoshim u, mening mungdoshim!
«Dunyoni go'zallik omon saqlar».

Men yozib qo'ydim yoniga:
«Dunyoni muhabbat omon saqlar!»
Go'zallik va muhabbat — qo'shmag'iz!
Egizak!

Ва, тагин ёзаман: «Дунёни шеър омон
сақлар!»

Ха, ЗАМИННИ-ни-и
Сизнинг шеърингиз ва менинг шеърим
омон сақлар!

Жахон шоирлари!

Кучокка олайлик КУРРАИ АРЗНИ —
ЗАМИННИ!

ЗАМИННИ!

ЗАМИННИ!

2 август 2011 йил

БИР ЎРМОНДА

Бир ўрмонда: арзанда —
газанда-ю дарранда —
созу созгар серханда
давра куриб дўст бўлди,
ўйнаб, кулиб маст бўлди.

Бу шохдан-шохга сакраб,
сапча боши ялтираб,
бикинига қўл тираб,
ишшайиб ягир маймун
тождор бўламан, дейди.

Тик бокиб теваракка,
ёнғоқ йиғиб кавакка,
гоҳ чикка-ю гоҳ пикка,
олмахон ўйинчихон
тужжор бўламан, дейди.

Каламуш инин пойлаб,
тутса қорнига жойлаб,
тулкиойим ўйноқлаб,
шерхон — султон-пошшога
гул ёр бўламан, дейди.

Va, tag'in yozaman: «Dunyoni she'r omon
saqlar!»

Ha, ZAMINNI-ni-i
Sizning she'ringiz va mening she'rim
omon saqlar!

Jahon shoirlari!
Quchoqqa olaylik KURRAYI ARZNI —
ZAMINNI!

ZAMINNI!
ZAMINNI!

2-avgust 2011-yil

BIR O'RMONDA

Bir o'rmonda: arzanda —
gazanda-yu darranda —
soz-u sozgar serxanda
davra qurib do'st bo'ldi,
o'ynab, kulib mast bo'ldi.

Bu shoxdan-shoxga sakrab,
sapcha boshi yaltirab,
biqiniga qo'l tirab,
ishshayib yag'ir maymun
tojdor bo'laman, deydi.

Tik boqib tevarakka,
Yong'oq yig'ib kavakka,
goh chikka-yu goh pikka,
olmaxon o'yinchixon
tujjor bo'laman, deydi.

Kalamush inin poylab,
tutsa qorniga joylab,
tulkiyom o'ynoqlab,
sherxon — sulton-poshshoga
gul yor bo'laman, deydi.

Канча илон – кобрахон,
кўзойнакли гулдорхон,
тикка боқиб, ал-омон,
овзини карра очиб,
аж-ж-дор бўламан, дейди.

Нар чаён гўё безак,
хазон устида чечак,
думчаси гажак-гажак,
полис маликасига
хуштор бўламан, дейди.

Пакана юмронқозик,
ҳар жойда ҳакам-ҳозик,
вазирларга гўр қазиб,
ягона хазинадор –
сардо-о-р бўламан, дейди.

Мулла мўйлов сичқонча,
бож йиғади чонганча,
йиғиб қўйди хирмонча,
албатта, бир кун келиб,
шунқор бўламан, дейди.

Лопиллаб айиқ полвон,
тебраниб уён-буён,
йиқилиб тушди чунон...
кўлмакка панжа уриб,
тулпор бўламан, дейди.

Дунё-дунё орзули,
гоҳ йиғили, кулгили,
қирда қутуриб бўри,
ойга қараб ишқингда
абгор бўламан, дейди.

Kapcha ilon — kobraxon,
Ko'zoynakli guldorxon,
tikka boqib, al-omon,
og'zini karra ochib,
aj-j-dor bo'laman, deydi.

Nar chayon go'yo bezak,
xazon ustida chechak,
dumchasi gajak-gajak,
polis malikasiga
xushtor bo'laman, deydi.

Pakana yumronqoziq,
har Joyda hakam-hoziq,
vazirlarga go'r qazib,
yagona xazinador —
sardo-o-r bo'laman, deydi.

Mulla mo'ylov sichqoncha,
boj yig'adi chopgancha,
yig'ib qo'ydi xirmoncha,
albatta, bir kun kelib,
shunqor bo'laman, deydi.

Lopillab ayiq polvon,
tebranib uyon-buyon,
yiqilib tushdi chunon...
ko'lmakka panja urib,
tulpor bo'laman, deydi.

Dunyo-dunyo orzuli,
goh yig'ili, kulgili,
qirda quturib bo'ri,
oyga qarab ishqingda
abgor bo'laman, deydi.

Балчикдан чиқиб тўнғиз,
гўёки ишлар тигиз,
югургилайди физ-физ,
думини ликиллади
дастёр бўламан, дейди.

Ўрмон шохи – Шер султон,
қаради уён-буён,
кўрдик, аҳвол ёмон,
турди-ю... бир ўкирд,
ўрмон кўки кўкарди!..

Бир ўрмондан бу масал:
айиқ полвон ер асал,
олмахон ёнрок ўйнар,
маймун ўзича яйрар,
бир сўз билан айтганда,
дарранда-ю газанда,
ҳар ёнда, кунда-шунда,
чалавермас чирманда...

23–24 август 2011 йил

АҚЛУ ҲУШИМ ЛОЛУ ҲАЙРОН

Ақлу ҳушим лолу ҳайрон фурсатлар
шитобидан,
Қаён учмоқда йиллар умримнинг
китобидан.

Кечагина эрди-ку онам бағрида эдим,
Кўзларим ёнар эди меҳрининг
офтобидан.

Куни кеча сабоқлар олган эдим
отамдан,
Бохабар бехабарман қуш уйқуси —
хобидан.

Balchiqdan chiqib to'ng'iz,
go'yoki ishlar tig'iz,
yugurgilaydi g'iz-g'iz,
dumini likillatib
dastyor bo'laman, deydi.

O'rmon shoxi — Sher sulton,
qaradi uyon-buyon,
ko'rdiki, ahvol yomon,
turdi-yu... bir o'kirdi,
o'rmon ko'ki ko'kardi!..

Bir o'rmondan bu masal:
ayiq polvon yer asal,
olmaxon yong'oq o'ynar,
maymun o'zicha yayrar,
bir so'z bilan aytganda,
darranda-yu gazanda,
har yonda, kunda-shunda,
chalavermas chirmanda..

23-24-avgust 2011-yil

AQL-U HUSHIM LOL-U HAYRON

Aql-u hushim lol-u hayron fursatlar
shitobidan,
Qayon uchmoqda yillar umrimning
kitobidan.

Kechagina erdi-ku onam bag'rida edim,
Ko'zlarim yonar edi mehrining
oftobidan.

Kuni kecha saboqlar olgan edim
otamdan,
Boxabar bexabarman qush uyqusi —
xobidan.

Тулпор туёғи ботмас дейдилар ўз-ўзига,
Аммо армони бордир марди-майдон
тобидан.

Тўрт кунингнинг тўрида ўлтирма,
Азим Суюн,
Ҳар даминг қадрини бил, чиқарма дил
ёдидан.
Оғоч бўлсанг қурт ейди, занг ер олмас
бўлсанг гар,
Ақлнинг йўли очик, улги ол ободидан.

17 ноябрь 2011 йил

ОБОДЛИК

Кўклам қуёшидан тоғлар ободдир,
Тоғлар булоғидан боғлар ободдир,
Бу ҳаёт, бу дамлар, чоғлар ободдир —
Ободлик кўнгилдан бошланур.

Ҳаётин мазмуни — қушлар парвози,
Парвози ободдир — обод овози,
Ободдир баҳори, ободдир ёзи —
Ободлик кўнгилдан бошланур.

Кўриб турганларинг рўё-туш эмас,
Ҳар не кўрганларинг тушингга кирмас,
Ватан ободлиги — ҳур миллатга хос —
Ободлик кўнгилдан бошланур.

Кўклам қуёшидан тоғлар ободдир,
Тоғлар булоғидан боғлар ободдир,
Бу ҳаёт, бу дамлар, чоғлар ободдир —
Ободлик кўнгилдан бошланур.

12 январь 2012 йил

Tulpor tuyog'i botmas deydilar o'z-o'ziga,
Ammo armoni bordir mardi-maydon
tobidan.

To'rt kuningning to'rida o'tirma,
Azim Suyun,
Har daming qadrini bil, chiqarma dil
yodidan.
Og'och bo'lsang qurt yeydi, zang yer olmas
bo'lsang gar,
Aqlning yo'li ochiq, ulgi ol obodidan.

17-noyabr 2011-yil

OBODLIK

Ko'klam quyoshidan tog'lar oboddir,
Tog'lar bulog'idan bog'lar oboddir,
Bu hayot, bu damlar, chog'lar oboddir —
Obodlik ko'ngildan boshlanur.

Hayotin mazmuni — qushlar parvozi,
Parvozi oboddir — obod ovozi,
Oboddir bahori, oboddir yozi —
Obodlik ko'ngildan boshlanur.

Ko'rib turganlaring ro'yo-tush emas,
Har ne ko'rganlaring tushingga kirmas,
Vatan obodligi — hur millatga xos —
Obodlik ko'ngildan boshlanur.

Ko'klam quyoshidan tog'lar oboddir,
Tog'lar bulog'idan bog'lar oboddir,
Bu hayot, bu damlar, chog'lar oboddir —
Obodlik ko'ngildan boshlanur.

12-yanvar 2012-yil

ЧЎПОН БОЛА

Баланд тоғлар бағрида
бир чашма бор — зангори.
Хуркиб-хуркиб сув ичар
бу тоғларнинг алкори.

Хар кун чашма бўйига
бир қиз келар қир ошиб.
Какликларнинг куйига
қўшиқ куйлайди қўшиб.

Наъматакнинг гуллари —
юзлари қизаради.
Гулўтлар бош тебратиб
оҳангларда юзади.

Дарада еллар тинар,
ўргилар сўйиб-сўйиб,
Ошиқ тоғ булбулларин
юраги кетар куйиб.

Мен ҳам ошиқман унга,
қояларда ёнаман.
Борай десам қошига,
стим чўпон боламан...

Баланд тоғлар бағрида
бир чашма бор — зангори.
Хуркиб-хуркиб сув ичар
бу тоғларнинг алкори.

20 ноябрь 2012 йил

CHO'PON BOLA

Baland tog'lar bag'rida
bir chashma bor — zangori.
Hurkib-hurkib suv ichar
bu tog'larning alqori.

Har kun chashma bo'yiga
bir qiz kelar qir oshib.
Kakliklarning kuyiga
qo'shiq kuylaydi qo'shib.

Na'matakning gullari —
yuzlari qizaradi.
Gulo'tlar bosh tebratib
ohanglarda yuzadi.

Darada yellar tinar,
o'rgilar so'yib-so'yib,
Oshiq tog' bulbullarin
yuragi ketar kuyib.

Men ham oshiqman unga,
qoyalarda yonaman.
Boray desam qoshiga,
yetim cho'pon bolaman...

Baland tog'lar bag'rida
bir chashma bor — zangori.
Hurkib-hurkib suv ichar
Bu tog'larning alqori.

20-noyabr 2012-yil

ГУЖУМ ОСТИДА

Гужум ости лойсуна,
ёзилган гулдор кигиз,
гурунглашар устида
ўтиришиб бир тўп қиз.

Орзулар инжа-инжа,
кўзларда суратланар,
дил тубидаги сўзлар
тиллерда куртакланар.

Ёнда пахса деворлар,
улар оша тирмашиб,
қовоқлар гуллаб ётар
ошиқлардек чирмашиб.

Офтобнинг шуълалари
гулларида ўйнайди,
қизларнинг нигоҳлари
қараб-қараб тўймайди.

Фақат улар биттаси
кўшилмайди гурунгда,
кўлрўмолча тикади
ҳеч ким билмайди, кимга...

Нега гапирмайсан дер,
бунча писмиқ бўлмаса,
хой, қизлар қитиқлаймиз,
агар сирин айтмаса.

Шаддод қизлар, шўх қизлар
қитиқлаб кетар уни.
Писмиқ қиз астагина
айтиб қўяр сирини...

GUJUM OSTIDA

Gujum osti loysupa,
yozilgan guldor kigiz,
gurunglashar ustida
o'tirishib bir to'p qiz.

Orzular inja-inja,
ko'zlarda suratlanar,
dil tubidagi so'zlar
tillarda kurtaklanar.

Yonda paxsa devorlar,
ular osha tirmashib,
qovoqlar gullab yotar
oshiqlardek chirmashib.

Oftobning shu'lalari
gullarida o'ynaydi,
qizlarning nigohlari
qarab-qarab to'ymaydi.

Faqat ular bittasi
qo'shilmaydi gurungga,
qo'lro'molcha tikadi
hech kim bilmaydi, kimga...

Nega gapirmaysan der,
buncha pismiqlik bo'lmasa,
hoy, qizlar qitiqlaymiz,
agar sirin aytmasa.

Shaddod qizlar, sho'x qizlar
qitiqlab ketar uni.
Pismiqlik qiz astagina
aytib qo'yar sirini...

Гужум ости лойсуна,
ёзилган гулдор кигиз,
бирдан жиддий тортади
ўтиришган гала киз...

16 июль 2013 йил

ЁЗ ЧИЛЛАСИ

Елкадор адирлар...
Қирқим қирлар... Дашт...
Офтобўт ховури ёйилиб оқар.
Токқа бораяпман,
отим ёяр тўш,
Йироклардан тоғлар жимираб боқар.

Бари олдда ҳали...
Жизилловуқлар
«жиз-з — жиз-з...»идан бошқа бунда йўқ
бир сас.

Жизғанак ётибди
қўзиқулоқлар,
Тўрғайлар томоғи булқиллар холос.

Тўп-тўп гулхайрилар
гулкосасида
Семиз говзанбирлар ғимирлар... учар...
Юмронлар қайдандир
пайдо гоҳида,
Хаёлим чатнайди: «қайдан сув ичар?..»

Қирларнинг тўшида
сурув ётоғи
Бир-бирин пинжида қўйлар, эчкилар.
Бир шохдор серканинг
гоҳ қўнғироғи
(сўна чакдимикин?) илкис жиришлар.

Gujum osti loysupa,
yozilgan guldor kigiz,
birdan jiddiy tortadi
o'tirishgan gala qiz...

16 iyul 2013 yil

YOZ CHILLASI

Yelkador adirlar...
Qirqim qirlar... Dasht...
Oftobo't hovuri yoyilib oqar.
Toqqa borayapman,
otim yoyar to'sh,
Yiroqlardan tog'lar jimirlab boqar.

Bari oldda hali...
Jizillovuqlar
«jiz-z — jiz-z...»idan boshqa bunda yo'q
bir sas.

Jizganak yotibdi
qo'ziquloqlar,
To'rg'aylar tomog'i bulkillar xolos.

To'p-to'p gulxayrilar
gulkosasida
Semiz govzanbirlar g'imirlar... uchar...
Yumronlar qaydandir
paydo gohida,
Xayolim chatnaydi: «qaydan suv ichar?..»

Qirlarning to'shida
suruv yotog'i
Bir-birin pinjida qo'ylar, echkilar.
Bir shoxdor serkaning
goh qo'ng'irog'i
(so'na chaqdimikin?) ilkis jiringlar.

Чу, жонвор, чанқама,
хорима отим,
Апа, кўримоқда тарвуз пайкали.
Йўлбарстус тарвузлар
думалаб ётар,
Юракка ўхшаркан улар барглари.

Оққуврай ўралган
чайла ичида,
Қарагил, кимлардир борга ўхшайди.
Отимни бураман...
бир чолу кампир
Мени кутиб олар... шолча тўшайди

Тарвуз келтиришар...
Урунчоқ кампир
чолига сўйинг деб қилади имо.
Бир эртас сингари
гурунг бошланур,
Буткул унут эрур ортдаги дунё...

Елкадор адирлар...
Қирқим қирлар... Дашт...

16 июль 2013 йил

САМОВИЙ

Самовий жисмлардан
сақламоқ бўлиб Ерни,
Кўкка қанча олимлар
тикмишдир нигоҳларин.

О, балли, балли! Фақат
унутмасинлар, гоҳи —
Ер томон ҳам қаратиб
турсунлар нигоҳларин...

26 июль 2013 йил

Chu, jonvor, chanqama,
horima otim,
Ana, ko'rinmoqda tarvuz paykali.
Yo'lbarstus tarvuzlar
dumalab yotar,
Yurakka o'xsharkan ular barglari.

Oqquvray o'ralgan
chayla ichida,
Qaragil, kimlardir borga o'xshaydi.
Otimni buraman...
bir chol-u kampir
Meni kutib olar... sholcha to'shaydi.

Tarvuz keltirishar...
Urunchoq kampir
choliga so'ying deb qiladi imo.
Bir ertak singari
gurung boshlanur,
Butkul unut erur ortdagi dunyo...

Yelkador adirlar...
Qirqim qirlar... Dasht...

16-iyul 2013-yil

SAMOVIIY

Samoviy jismlardan
saqlamoq bo'lib Yerni,
Ko'kka qancha olimlar
tikmishdir nigohlarin.

O, balli, balli! Faqat
unutmasinlar, gohi —
Yer tomon ham qaratib
tursunlar nigohlarin...

26-iyul 2013-yil

ЁЗ ЎТИБ БЎЛДИМИ

Ўз ўтиб бўлдим,
 мўл ҳосил ёзи?..
 Қани, қалдирғочлар сувга урган тўш.
 Бошимда кўринмас
 улар парвози,
 Айвонимда қолди ошёнлари бўш.

Ёз ўтиб бўлдим,
 умримнинг ёзи,
 Боғимда хазонлар ётарлар беҳуш.
 Мунглиғ куй таратар
 қалбимнинг сози,
 Юрагим симиллар, юрагим бўм-бўш...

26 июль 2013 йил

КИМДАН...

Кимдан вафо топдим,
 дўст-ёронданми,
 Юрагим ўғриси — ёримданми ё?
 Бугдой донидан ё
 сомониданми?
 Билмайман, ўзинг айт, эй маккор дунё?..

26 июль 2013 йил

АЙЛАНАЙ

Айланайин, жопим Ватан,
хайратингдан айланай,
Айланайин, она тувроқ,
химматингдан айланай,
О, тоғларим, тождор тоғлар,
хайбатингдан айланай,
О, боғларим, тўрт фасллик,
зийнатингдан айланай
Айланайин, белгинангга белбоғ бўлиб
бойланай!

YOZ O'TIB BO'LDIMI

Yoz o'tib bo'ldimi,
mo'l hosil yozi?..
Qani, qaldirg'ochlar suvga urgan to'sh.
Boshimda ko'rinmas
ular parvozi,
Ayvonimda qoldi oshyonlari bo'sh.
Yoz o'tib bo'ldimi,
umrimning yozi,
Bog'imda xazonlar yotarlar behush.
Munglig' kuy taratar
qalbimning sozi,
Yuragim simillar, yuragim bo'm-bo'sh...

26-iyul 2013-yil

KIMDAN...

Kimdan vafo topdim,
do'st-yorondanmi,
Yuragim o'g'risi — yorimdanmi yo?
Bug'doy donidan yo
somonidanmi?
Bilmayman, o'zing ayt, ey makkor dunyo?..

26-iyul 2013-yil

AYLANAY

Aylanayin, jonim Vatan,
hayratingdan aylanay,
Aylanayin, ona tuproq,
himmatingdan aylanay,
O, tog'larim, tojdor tog'lar,
haybatingdan aylanay,
O, bog'larim, to'rt fasllik,
ziynatingdan aylanay.
Aylanayin, belginangga belbog' bo'lib
boylanay!

Чинорларим теграсида қайнар булок —
марварид,
Бирин суви муздек бўлса, бири қайнок —
марварид,
Юрт кезганлар бунга келиб ўтирмайди
сарғайиб,
Фақат улар таърифига сўз тополмай
мен ғариб.
Айланайин, белгинангга белбоғ бўлиб
бойланай!

Яшил тўшли яйловларим, арғумоқлар
айланай,
Шаркираган сойларим, оҳ, шаркироқлар
айланай,
Самолардан сийловларим — қалдироқлар
айланай,
Тилло қушим зарғалдоқлар, зарғалдоқлар
айланай.
Айланайин, белгинангга белбоғ бўлиб
бойланай!

Мен ошиқман, ошиқларнинг сардори ва
бедори,
Доим Ҳаққа, доим халққа қалб иймон
ихтиёри,
Сахроларда сайғоқдирман, тоғлар аро
алқори,
Мендан озор топмағайдир ҳатто ушок
чумоли.
Айланайин, белгинангга белбоғ бўлиб
бойланай!

Учиб кечар кеча-кундуз, йилларингдан
айланай,
Гуллар битган ҳар бир қадам,
йўлларингдан айланай,

Chinorlarim tegrasida qaynar buloq —
marvarid,
Birin suvi muzdek bo'lsa, biri qaynoq —
marvarid,
Yurt kezganlar bunga kelib o'tirmaydi
sarg'ayib,
Faqat ular ta'rifiga so'z topolmay
men g'arib.
Aylanayin, belginangga belbog' bo'lib
boylanay!

Yashil to'shli yaylovlarim, arg'umoqlar
aylanay,
Sharqiragan soylarim, oh, sharqiroqlar
aylanay,
Samolardan siylovlarim — qaldiroqlar
aylanay,
Tillo qushim zarg'aldoqlar, zarg'aldoqlar
aylanay.
Aylanayin, belginangga belbog' bo'lib
boylanay!

Men oshiqman, oshiqlarning sardori va
bedori,
Doim Haqqa, doim xalqqa qalb iymon
ixtiyori,
Sahrolarda sayg'oqdirman, tog'lar aro
alqori,
Mendan ozor topmagaydir hatto ushoq
chumoli.
Aylanayin, belginangga belbog' bo'lib
boylanay!

Uchib kechar kecha-kunduz, yillaringdan
aylanay,
Gullar bitgan har bir qadam,
yo'llaringdan aylanay,

Содиқ фарзанд, чуғурлашган
тилларингдан айланай,
Туғдонадай томир отган
элларингдан айланай.
Айланайин, белгинангга белбоғ бўлиб
бойланай!

13 январь 2014 йил

* * *

Майсаларнинг илдизига тупрок бўлдим,
Бир қатим нур, бир қултум сув, урпоқ бўлдим,
Улар сирли нигоҳидан нурпоқ бўлдим.

Шукр қилдим, кўринг руху ободимни,
Ҳар тонг туриб ёдлар қилдим ажодимни,
Дуо қилдим зурриётлару авлодимни.

Дунёнинг гоҳ ишларидан тоқатим ток,
Мунофиқлар йўлларимга қўйди тузоқ,
Фисқу фужур, ғийбатлардан юрдим узок.

Рухим бир кун қалдирғочдай учиб кетгай,
Аммо халқим Азим отим унутмагай,
Юрт ёдида қоладирман бир эртақдай!

25 январь 2014 йил

ЭЙ ЖОН

Эй жон, бир кун бир қушдай учибон
кетаринг бор,
Ҳеч жойга қўнолмассан, бесадо йитаринг бор.

Аслингни ҳам билмассан, наслингни ҳам
билмассан,
Асли ҳеч ким эмассан, бир кўйлак
йиртаринг бор.

Sodiq farzand, chug'urlashgan
tillaringdan aylanay,
Tug'donaday tomir otgan
ellaringdan aylanay.
Aylanayin, belginangga belbog' bo'lib
boylanay!

13-yanvar 2014-yil

* * *

Maysalarning ildiziga tuproq bo'ldim,
Bir qatim nur, bir qultum suv, urpoq bo'ldim,
Ular sirli nigohidan nurlanib bo'ldim.

Shukr qildim, ko'ring ruh-u obodimni,
Har tong turib yodlar qildim ajdodimni,
Duo qildim zurriyotlar-u avlodimni.

Dunyoning goh ishlaridan toqatim toq,
Munofiqlar yo'llarimga qo'ydi tuzoq,
Fisq-u fujur, g'iybatlardan yurdim uzoq.

Ruhim bir kun qaldirg'ochday uchib ketgay,
Ammo xalqim Azim otim unutmagay,
Yurt yodida qoladirman bir ertakday!

25-yanvar 2014-yil

EY JON

Ey jon, bir kun bir qushday uchibon
ketaring bor,
Hech joyga qo'nolmassan, besado yitaring bor.

Aslingni ham bilmassan, naslingni ham
bilmassan,
Asli hech kim emassan, bir ko'ylak
yirtaring bor.

Бу ниҳолни ким экди, бир лаҳзага кўз
тиқдинг,
Кўзни килрик беркитди, ғафлатга тортаринг бор.

Ҳар бир отган тонг имкон, қаршингдаги ёз, ёбон,
Кузу қишинг саратон, ўт пуркар хатаринг бор.

Оқ ёмғирлар қадрини қадрла, Азим Суюн,
Дерлар: Умр — бир кўприк, сен ундан
ўтаринг бор.

25 январь 2014 йил

БЕКАМУ КЎСТ ДЎСТ АХТАРМА

Бекаму кўст дўст ахтарма, умринг дўстсиз ўтадир,
Ихтиёр этгил уни, йўқса жон дил офритадир.

Бу оламда не пайдоким, бири кемтик, бири кам,
Пишган олма дув тўкилгай, ким уни силкитадир.

Оғир кунда ярагай имонли дўст, инсофли дўст,
Гар қозонинг қуруқ эрур, оғзини беркитадир.

Дунё дегани меъёр, у бўлмаса бари мурдор,
Ҳақиқатинг, адолатинг хазон янглиф йитадир.

Дўст шараф либосига муносиб бўл, Азим Суюн,
Гар илиниб қолса либос, бир оғоч ҳам йиртадир.

26 январь 2014 йил

СОБИР ЎНАРГА

Собир — эллик ёшу лекин кирон йигит,
Оғир карвон, закий, марду майдон йигит,
Қаротовнинг қоясидек полвон йигит,
Биздан салом бўлсин насрий полвонларига.

Bu niholni kim ekdi, bir lahzaga ko'z
tikding,
Ko'zni kiprik berkitdi, g'aflatga tortaring bor.

Har bir otgan tong imkon, qarshingdagi yoz, yobon,
Kuzu qishing saraton, o't purkar xataring bor.

Oq yomg'irlar qadrini qadrla, Azim Suyun,
Derlar: Umr — bir ko'prik, sen undan
o'taring bor.

25-yanvar 2014-yil

BEKAM-U KO'ST DO'ST AXTARMA

Bekam-u ko'st do'st axtarma, umring do'stsiz o'tadir,
Ixtiyor etgil uni, yoqsa jon dil og'ritadir.

Bu olamda ne paydokim, biri kemptik, biri kam,
Pishgan olma duv to'kilgay, kim uni silkitadir.

Og'ir kunda yaragay imonli do'st, insofli dost,
Gar qozoning quruq erur, og'zini berkitadir.

Dunyo degani me'yor, u bo'lmasa bari murdor,
Haqiqating, adolating xazon yanglig' yitadir.

Do'st sharaf libosiga munosib bo'l, Azim Suyun,
Gar ilinib qolsa libos, bir og'och ham yirtadir.

26-yanvar 2014-yil

SOBIR O'NARGA

Sobir — ellik yosh-u lekin qiron yigit,
Og'ir karvon, zakiy, mard-u maydon yigit,
Qarotovning qoyasidek polvon yigit,
Bizdan salom bo'lsin nasriy polvonlariga.

Кувкалланинг булоқларин сувидай соф,
Юрагининг гавҳарида адлу инсоф,
Истагида, тилагида иймон шаффоф,
Биздан салом бўлсин қалби осмонларга.

Улғайтирган алладайин чўпон найи,
Ойдаланинг янтоғи-ю, оқкуврайи,
Какликларнинг қақир-қақир, қуралайи,
Биздан салом бўлсин лола алвонларга.

Дараларда арғумоқлар дунур-дунур,
Кўпқарида солланди у урҳо-ю ур,
Тақимиға улоқларни босди масрур,
Биздан салом бўлсин буврил, жайронларга.

Эргаш Жуманбулбул руҳи шоддир бу кун,
Достонининг насрин ёзар Собир бу кун.
Шеърин эса ёзмокдадир Азим Суюн,
Биздан салом бўлсин ота маконларга!

26 январь 2014 йил

СОҒИНЧ

Қиш чўзилиб кетди.
Зерикдим жуда.
Соғиндим кўкламни, сўлғиндир руҳим.
Дераза ёнига
бориб беҳуда
Қор сукуятига тикиламан жим.

Чинорлар тек қотган,
тик қотган терак.
Арчалар шохини эгган оқ залвор.
Ҳовузча муз қотган.
Менда муз юрак.
Рухсиз шивирлайман: «Қайдасиз баҳор?..»

Kuvkallaning buloqlarin suviday sof,
Yuragining gavharida adl-u insof,
Istagida, tilagida iymon shaffof,
Bizdan salom bo'lsin qalbi osmonlarga.

Ulg'aytirgan alladayin cho'pon nayi,
Oydalaning yantog'i-yu, oqquvrayi,
Kakliklarning qaqir-qaqir, quralayi,
Bizdan salom bo'lsin lola alvonlarga.

Daralarda arg'umoqlar dupur-dupur,
Ko'pkarida sollandi u urho-yu ur,
Taqimiga uloqlarni bosdi masrur,
Bizdan salom bo'lsin buvril, jayronlarga.

Ergash Jumanbulbul ruhi shoddir bu kun,
Dostonining nasrin yozar Sobir bu kun.
She'rin esa yozmoqdadir Azim Suyun,
Bizdan salom bo'lsin ota makonlarga!

26-yanvar, 2014-yil

SOG'INCH

Qish cho'zilib ketdi.
Zerikdim juda.
Sog'indim ko'klamni, so'lg'indir ruhim.
Deraza yoniga
borib behuda
Qor sukunatiga tikilaman jim.

Chinorlar tek qotgan,
tik qotgan terak.
Archalar shoxini eggan oq zalvor.
Hovuzcha muz qotgan.
Menda muz yurak.
Ruhsiz shivirlayman: «Qaydasiz bahor?..»

Баҳор келсин, келсин,
кетгум тоғларга,
Чарчоқ ҳаётимни кетгумдир ташлаб.
Юзларимни ювгум
оқ булоқларга,
Унда ўтирмайман кўзимни ёшлаб.

Қиш чўзилиб кетди...

5 февраль 2014 йил

* * *

Теп-текис ҳаётим.
Рухим хотиржам.
О, ростдан хотиржам бўлсайди рухим.
Умримнинг қандайдир
лаҳзалари жам,
Хорғин юрагимда бир йиғи сим-сим.

Жуда кўп алдандим.
Бир ёш боладай –
Ортиқча ишондим дўсту ёрларга.
Узилиб, ташланиб
кетган лоладай
Қоришиб ётибман зил жолаларга.

Суронли ўтгандай
эди ҳаётим,
Энди хатоларим босар уйкудай.
Тузатиб бўлмас дард –
синган қанотим,
О, унинг парлари учар пайдар-пай.

5 февраль 2014 йил

Bahor kelsin, kelsin,
ketgum tog'larga,
Charchoq hayotimni ketgumdir tashlab.
Yuzlarimni yuvgum
oq buloqlarga,
Unda o'tirmayman ko'zimni yoshlab.

Qish cho'zilib ketdi...

5-fevral 2014-yil

* * *

Tep-tekis hayotim.
Ruhim xotirjam.
O, rostdan xotirjam bo'lsaydi ruhim.
Umrinning qandaydir
lahzalari jam,
Horg'in yuragimda bir yig'i sim-sim.

Juda ko'p aldandim.
Bir yosh boladay –
Ortiqcha ishondim do'st-u yorlarga.
Uzilib, tashlanib
ketgan loladay
Qorishib yotibman zil jolalarga.

Suronli o'tganday
edi hayotim,
Endi xatolarim bosar uyquday.
Tuzatib bolmas dard –
singan qanotim,
O, uning parlari uchar paydar-pay.

5-fevral 2014-yil

* * *

Йўқ, ҳаётга тўймадим ҳали.

Пушкин

Йўқ, ҳаётга тўймадим ҳали,
Боғлар ҳамон чиройли, гўзал.
Кўкламойим юз очган маҳал,
Мафтун этар шафтоли гули.

Йўқ, ҳаётга тўймадим ҳали,
Ҳамон чорлар шаркироқ сойлар,
Арғумоқлар кўнглимни бойлар,
Хиллирайди ойларда ёли.

Йўқ, ҳаётга тўймадим ҳали,
Бинафшалар бўйин ислайман,
Какликларнинг куйин истайман,
Чорлар ул тоғ маликалари.

Йўқ, ҳаётга тўймадим ҳали,
Сархуш этар гулобгул жамол,
Ҳамон сулув мен севган аёл,
Ҳамон-ҳамон ҳаётим гули.

6 февраль 2014 йил

ШАФАҚ

Товуснинг пат-парлари,
Қирғовул қанотлари,
Елпиғич қат-қатлари,
Шом шафақида жам.

Қир-адир чечаклари,
Гулбоғ капалаклари,
Чашма пиначилари,
Шом шафақида жам.

* * *

Yo'q, hayotga to'ymadim hali.

Pushkin

Yo'q, hayotga to'ymadim hali,
Bog'lar hamon chiroyli, go'zal.
Ko'klamoyim yuz ochgan mahal,
Maftun etar shaftoli guli.

Yo'q, hayotga to'ymadim hali,
Hamon chorlar sharqiroq soylar,
Arg'umoqlar ko'nglimni boylar,
Hilpiraydi oylarda yoli.

Yo'q, hayotga to'ymadim hali,
Binafshalar bo'yin islayman,
Kakliklarning kuyin istayman,
Chorlar ul tog' malikalari.

Yo'q, hayotga to'ymadim hali,
Sarxush etar gulobgul jamol,
Hamon suluv men sevgan ayol,
Hamon-hamon hayotim guli.

6-fevral 2014-yil

SHAFAG

Tovusning pat-parlari,
Qirg'ovul qanotlari,
Yelpig'ich qat-qatlari,
Shom shafag'ida jam.

Qir-adir chechaklari,
Gulbog' kapalaklari,
Chashma ninachilari,
Shom shafag'ida jam.

Кузги зардолизорим,
Самарқандий гулобим,
Қонгалаш — юрак зорим,
Шом шафағида жам.

6 февраль 2014 йил

ЎЗИМГА

Бешбармоқ қояларин
бағридан минг кўз булоқ —
оқар Азимсой бўлиб
йўл-йўлакай шарқироқ.

Яна-яна йўл бўйлаб,
сув-сувларга бойланар,
Қўшилиш — азиз жойда,
Накуртсойга айланар.

Энди кўр Накуртсойни,
қуйилар Зарафшонга.
Зарафшонни ким билмас,
оқади тўрт томонга.

Ўша Азимсой менман,
Сўнг Накуртсой бўлган сой.
Зарафшонга қўшилиб,
Навоийда тинган сой...

6 февраль 2014 йил

Kuzgi zardolizorim,
Samarqandiy gulobim,
Qontalash — yurak zorim,
Shom shafag'ida jam.

6-fevral 2014-yil

O'ZIMGA

Beshbarmoq qoyalarin
Bag'ridan ming ko'z buloq —
oqar Azimsoy bo'lib
yo'l-yo'lakay sharqiroq.

Yana-yana yo'l bo'ylab,
suv-suvlarga boylanar,
Qo'shilish — aziz joyda,
Nakurtsoyga aylanar.

Endi ko'r Nakurtsoyni,
quyilar Zarafshonga.
Zarafshonni kim bilmas,
oqadi to'rt tomonga.

O'sha Azimsoy menman,
So'ng Nakurtsoy bo'lgan soy.
Zarafshonga qo'shilib,
Navoiyda tingan soy...

6-fevral 2014-yil

Невараварим учун хикоялар



Невагаларим иштин бикюялар



ИЛК КАКЛИК ОВИ

Тоғ қишлоқларида ҳар бир жойнинг ўз номи — атамаси бўлади. Айтайлик, мен туғилиб ўсган Накуртнинг Камаровул, Лолаҳовуз, Қизилолма, Улфатан, Бодомчали, Қўшилиш, Ёришган, Қоронғулсой, Қарисой, Қумушлисой, Тўптол, Каттақамишлок, Кичикқамишлок, Туятош, Чўққалисой, Алқорсой, Кўчқорўлди, Булбулсой, Оқбулок, Беллисой, Каттакорасой, Кичикқорасой, Катакли, Момотош, Сувлисой, Йўлтушган, Бештарам, Узунмўла, Довтепа, Қизилжар каби кичик қишлоқчалари, даралари, камарлари, булоқлари, сойлари, тоғ қоялари, чўққилари, яйловлари, ўтлоқлари, сувлоқлари, сайхонликлари, адирлари, кирлари бор. Улар ўз жойидаги ўзгармас белгиларга қараб ном олиб келган.

Шундай жойларимиздан бири Етимҳовуз. Етимҳовуз деб аталишининг сабаби, у ерда ёлғиз, ғарибгина булок сувларидан пайдо — ҳовуз бўлган. Ана шу ҳовузнинг офтобчиқар томони — баландлик. Керагатош деган тизма қоялар туя қарвонлари янглиғ салобат билан тиз чўккан. Керагатошда каклик кўп. Ундан бир чақиримда Лиллойбулок деб аталмиш булок тарам-тарам эшилиб оқади. Керагатош какликлари шу булоқдан сув ичишади.

Мен беш-олти ёшимдан бошлаб, отамнинг чин ҳамроҳига айланганман. Гап шундаки, отам бир узоқроқ қариндошимиз ҳам кўшнимиз билан ферманинг пода-молини боқарди. Отам мулла Олим мулла Суюннинг, яъни «қулоқ»нинг ўғли эди-да, шу боис унга жазо сифатида подабоқар таёғини судратишган эди. Отам қишлоқ мадрасасида ўқиган, кўн саводли, оқкўнгил киши бўлиб, Яссавий «Ҳикмат»ини, Машраб, Сўфи Оллоёр, Хувайдоларнинг талайгина ғазалларини ёд биларди. Куръони каримни изчил ўқирди, Бедил рубоийларини севарди.

Мен ўзимча отамнинг оғирини енгил қилмоқчи бўлибми (қирқ ёшида тилаб олган фарзанди эдим-да), олдида югургилаб, узоқроқ кетиб қолган сигирларни қайтарар, жарнап сояларида қолиб кетганларини топиб келар, айникса,

ILK KAKLIK OVI

Tog' qishloqlarida har bir joyning o'z nomi — atamasi bo'ladi. Aytaylik, men tug'ilib o'sgan Nakurtning Kamarovul, Lolahovuz, Qizilolma, Ulfatan, Bodomchali, Qo'shilish, Yorishgan, Qorong'ulsoy, Qarisoy, Kumushlisoy, To'ptol, Kattaqamishloq, Kichikqamishloq, Tuyatosh, Cho'chqalisoy, Alqorsoy, Qo'chqoro'ldi, Bulbulsoy, Oqbuloq, Bellisoy, Kattaqorasoy, Kichikqorasoy, Katakli, Momotosh, Suvlisoy, Yo'ltushgan, Beshtaram, Uzunmo'la, Dovtepa, Qiziljar kabi kichik qishloqchalari, daralari, kamarlari, buloqlari, soylari, tog' qoyalari, cho'qqilari, yaylovlari, o'tloqlari, suvloqlari, sayhonliklari, adirlari, qirlari bor. Ular o'z joyidagi o'zgarmas belgilarga qarab nom olib kelgan.

Shunday joylarimizdan biri Yetimhovuz. Yetimhovuz deb atalishining sababi, u yerda yolg'iz, g'aribgina buloq suvlaridan paydo — hovuz bo'lgan. Ana shu hovuzning oftobchiqar tomoni — balandlik. Keragatosh degan tizma qoyalar tuya karvonlari yanglig' salobat bilan tiz cho'kkan. Keragatoshda kaklik ko'p. Undan bir chaqirimda Lilloybuloq deb atalmish buloq taram-taram eshilib oqadi. Keragatosh kakliklari shu buloqdan suv ichishadi.

Men besh-olti yoshimdan boshlab, otamning chin hamrohiga aylanganman. Gap shundaki, otam bir uzoqroq qarindoshimiz ham qo'shnimiz bilan fermaning podamolini boqardi. Otam mulla Olim mulla Suyunning, ya'ni «quloq»ning o'g'li edi-da, shu bois unga jazo sifatida podaboqar tayog'ini sudratishgan edi. Otam qishloq madrasasida o'qigan, ko'p savodli, oqko'ngil kishi bo'lib, Yassaviy «Hikmat»ini, Mashrab, So'fi Olloyor, Huvaydolarning talaygina g'azallarini yod bilardi. Qur'oni karimni izchil o'qirdi, Bedil ruboiylarini sevardi.

Men o'zimcha otamning og'irini yengil qilmoqchi bo'libmi (qirq yoshida tilab olgan farzandi edim-da), oldida yugurgilab, uzoqroq ketib qolgan sigirlarni qaytarar, jarpar soyalarida qolib ketganlarini topib kelar, ayniqsa, yoz

ёз пайтлари – каталок бўлган кезларда – дуч келган ёққа ўзларини урган пайтларда бир ерга тўплар эдим.

Гап бу ҳақда эмас, гап какликлар ҳақида. Ота маконимизда, Она юртимизда, тоғларимизда какликлар кўп. Ўша болалик чоғларимда ҳам мўл эди. Улар қора қош, тумшуги, оёқлари қизил. Хўрозининг пешонаси қора, бош теңаси қулранг, қизғиш шуълали, жигилдони билан кўкраги оч хаворанг, тағ қисми сарғиш бўлади. Икки ёнидаги патларида қора-қўнғир тусли қўндаланг йўллари бор. Оёқлари пихли, макиёни эса тўқ қулранг, оёқлари пихсиз, жуссаси хўрозидан кичикроқ.

Какликлар ин-уяларини ўзларини ҳимоялаш қулай бўлган пана жойларга – тошларнинг остига, ҳар хил буталар, дарахтлар, шувоклар тагига қўйишарди. Какликларнинг макиёни апрелдан июнғача тухум қўяди. Тухумлари беш-олтитадан йигирматагача бўлиши мумкин. Улар хол-холли, яъни холдор.

Мен мулла Суюннинг синглиси Қизмон аммамдан ажойиб шеър-терма эшитганман. Уни ёзиб олиб қолганман. Мана у:

*Бўгин-бўгин бўгинчак,
Тугун-тугун тугунчак.
Ўттиз элнинг энаси
Ҳалда (ҳали ҳам) бўлса келинчак.*

Бу ерда «ўттиз элнинг энаси» деганда, ўттизта жўжаси назарда тутиляпти. Тухумларини худди товуқ каби она каклик, яъни макиёни босиб ётади ва жўжа очади. Жўжалари тухумдан чиққаниданок ота-онасига эргашиб кетишаверади.

Хуллас, пода бокиб, зерикиб юрган пайтларимда какликларга ишқибоз бўлиб қолдим. Какликлар тушга яқин Лиллойбулоққа келишларини кузата бошладим. Бу одат тусига айланди. Улар булоққа келгунарича думбул ўт-ўлан, кўкат-майсаларни чўкиб-узиб, юлкиб, чоғат, жонақиялик, кумларини титкилаб, «ғат-ғат»лаб озиқланишади. Керагатош қирларида чигирткалар, курт-кумурскалар, жазирама пайтида жизилдовуқлар мўл-кўл бўлади. Уларни

paytlari – qataloq bo'lgan kezlarda – duch kelgan yoqqa o'zlarini urgan paytlarda bir yerga to'plar edim.

Gap bu haqda emas, gap kakliklar haqida. Ota makonimizda, Ona yurtimizda, tog'larimizda kakliklar ko'p. O'sha bolalik chog'larimda ham mo'l edi. Ular qora qosh, tumshug'i, oyoqlari qizil. Xo'rozining peshonasi qora, bosh tepasi kulrang, qizg'ish shu'lali, jig'ildoni bilan ko'kragi och havorang, tag qismi sarg'ish bo'ladi. Ikki yonidagi patlarida qora-qo'ng'ir tusli ko'ndalang yo'llari bor. Oyoqlari pixli, makiyoni esa to'q kulrang, oyoqlari pixsiz, jussasi xo'rozidan kichikroq.

Kakliklar in-uyalarini o'zlarini himoyalash qulay bo'lgan pana joylarga – toshlarning ostiga, har xil butalar, daraxtlar, shuvoqlar tagiga qo'yishardi. Kakliklarning makiyoni apreldan iyungacha tuxum qo'yadi. Tuxumlari besh-oltitadan yigirmatagacha bo'lishi mumkin. Ular xol-xolli, ya'ni xoldor.

Men mulla Suyunning singlisi Qizmon ammamdan ajoyib she'r-terma eshitganman. Uni yozib olib qolganman. Mana u:

*Bo'g'in-bo'g'in bo'g'inchak,
Tugun-tugun tugunchak.
O'ttiz elning enasi
Halda (hali ham) bo'lsa kelinchak.*

Bu yerda «o'ttiz elning enasi» deganda, o'ttizta jo'jasi nazarda tutilyapti. Tuxumlarini xuddi tovuq kabi ona kaklik, ya'ni makiyoni bosib yotadi va jo'ja ochadi. Jo'jalari tuxumdan chiqqanidanoq ota-onasiga ergashib ketishaveradi.

Xullas, poda boqib, zerikib yurgan paytlarimda kakliklarga ishqiboz bo'lib qoldim. Kakliklar tushga yaqin Lilloybuloqqa kelishlarini kuzata boshladim. Bu odat tusiga aylandi. Ular buloqqa kelgunlaricha dumbul o't-o'lan, ko'kat-maysalarni cho'qib-uzib, yulqib, chog'at, jona-qiyalik, qumlarini titkilab, «g'at-g'at»lab oziqlanishadi. Keragatosh qirlarida chigirtkalar, qurt-qumursqalar, jazirama paytida jizildovuqlar mo'l-ko'l bo'ladi. Ularni

чакқонлик билан тутишади. Ҳатто учган чигирткани қанот ёйиб, югургилаб бориб, осонликча ютишади.

Қўпинча оила бошлиғи — хўрози бирор айиқбош чўққими, қоями ёки анчайин баландроқ ғадир-будир тош устига чикиб олади-да, тўлиб-тошиб, гоҳо ўқтин-ўқтин сайрашга тушади. Унинг овози узоқларга таралади. Ай-тайлик, сиз пастда — дараларда, жарликларда юрибсиз, лекин унинг юқорида туриб, сайраётганини бемалол эшитасиз. Сайраётганда томоқлари булкуллайди. Гоҳо хўрози олдида макиёни пайдо бўлиб қолади. Унга узиб-узиб жўр бўлади. Бироқ макиёни овозининг шанити суст. Иштиёксиз сайраётганга ўхшайди. Нимагадир урилгандайроқ какирлайди. Баъзи жўжалари улар олдига чиқишиб-тушишиб юришади. Доим ота-онаси ёнидаги болалардай яйрашади.

Қорин қайғусидан қутулган какликлар тушликка яқин «пат-пат»лашиб, «ғийт-ғийт»лашиб, булоқ бошига энишади. Булоқ бошига яқинлашишдан олдин уёқ-буёқни сергакланиб кузатишади. Айниқса, хўрози хушёр. Сувни мириқиб, шошмасдан ичишади. Бир ютум-бир ютум томоқларга олади-да, бошларини юқорироқ кўтариб ютишади, тагин навбатдаги ютумни олиб бу ҳолатни чанқоқлари босилгунча такрорлашади.

Бир куни шундай бўлди. Ишқибозлик орти какликлар жўжасидан бир-иккитасини тутиб, уйимизда, қафасда бокмоқчи бўлдим. Бир теша-чўтни ўзим билан олдим. Подаларни катта камарга ҳайдадим-да, Лиллойбулоқ бошига келдим. Ҳовучлаб сув ичдим. Чанқоғим босилди. Ўйнаб-ўйнаб ўйладим. Ўйлаб-ўйлаб ўтгиз-қирқ қадам наридан ўзим бемалол жойлашадиган чуқурча-хандақча қазидим. Ҳар хил буталарни, шувокларни, хас-хашакларни тўпладим, хандақчам қошига уйдим. Ўзим хандақча ичига тушиб олиб, уларни устимга ёлдим. Тирқиш очиб, какликлар келишини кута бошладим. Бир сўз билан айтганда хонаки, жайдари «овчи»га айландим.

Какликлар аста-аста, охиста-охиста келишди. Аммо, хўрози нимагадир булоқ бошидан анча нарида туриб қолди. Қолганлари беҳавотир ўзларини сувга уришди. Хўроз хавотирда-ю, лекин жим...

chaqqonlik bilan tutishadi. Hatto uchgan chigirtkani qanot yoyib, yugurgilab borib, osonlikcha yutishadi.

Ko'pincha oila boshlig'i – xo'rozi biror ayiqbosh cho'qqimi, qoyami yoki anchayin balandroq g'adir-budir tosh ustiga chiqib oladi-da, to'lib-toshib, goho o'qtin-o'qtin sayrashga tushadi. Uning ovozi uzoqlarga taraladi. Aytaylik, siz pastda – daralarda, jarliklarda yuribsiz, lekin uning yuqorida turib, sayrayotganini bemalol eshitasiz. Sayrayotganda tomoqlari bulkullaydi. Goho xo'rozi oldida makiyoni paydo bo'lib qoladi. Unga uzib-uzib jo'r bo'ladi. Biroq makiyoni ovozining shashti sust. Ishtiyoqsiz sayrayotganga o'xshaydi. Nimagadir urilgandayroq kakir-laydi. Ba'zi jo'jalari ular oldiga chiqishib-tushishib yuri-shadi. Doim ota-onasi yonidagi bolalarday yayrashadi.

Qorin qayg'usidan qutulgan kakliklar tushlikka yaqin «pat-pat»lashib, «g'iyt-g'iyt»lashib, buloq boshiga enisha-di. Buloq boshiga yaqinlashishdan oldin uyoq-buyoqni sergaklanib kuzatishadi. Ayniqsa, xo'rozi hushyor. Suvni miriqib, shoshmasdan ichishadi. Bir yutum-bir yutum tomoqlarga oladi-da, boshlarini yuqoriroq ko'tarib yutishadi, tag'in navbatdagi yutumni olib bu holatni chanqoqlari bosilguncha takrorlashadi.

Bir kuni shunday bo'ldi. Ishqibozlik orti kakliklar jo'jasidan bir-ikkitasini tutib, uyimizda, qafasda boqmoqchi bo'ldim. Bir tesha-cho'tni o'zim bilan oldim. Podalarni katta kamarga haydadim-da, Lilloybuloq boshiga keldim. Hovuchlab suv ichdim. Chanqog'im bosildi. O'ynab-o'ynab o'yladim. O'ylab-o'ylab o'ttiz-qirq qadam naridan o'zim bemalol joylashadigan chuqurcha-xandaqcha qazidim. Har xil butalarni, shuvoqlarni, xas-xashaklarni to'pladim, xandaqcham qoshiga uydin. O'zim xandaqcha ichiga tushib olib, ularni ustimga yopdim. Tirqish ochib, kakliklar kelishini kuta boshladim. Bir so'z bilan aytganda xonaki, jaydari «ovchi»ga aylandim.

Kakliklar asta-asta, ohista-ohista kelishdi. Ammo, xo'rozi nimagadir buloq boshidan ancha narida turib qoldi. Qolganlari bexavotir o'zlarini suvga urishdi. Xo'roz xavotirda-yu, lekin jim...

Она каклик ва жўжалари сув ичиб бўлгач, булок бошидаги дўлана дарахти тагига, тупрокка ағнай-ағнай кетишди. Қанот ёйиб, ўмганларини чағотнинг майда тошқумларига булашди. Кичкина тугмачадай кўзларини сузиб-сузиб оромлашди. Бирдан хўроз мен умуман эшитмаган ғалати овозда чинқирибми-қичқирибми юборди. Сесканиб тушдим. Энди вақтни бой бермаслик керак эди. Мен устимдаги лаш-лушларни отиб юбордим-да, жўжалар томон интилдим. Йўрғалаб қочаётган жўжаларни кувиб етдим. Мен биламанки, сувга тўйган какликлар, айникса, уларнинг болалари тез югуролмайди, дафъатан учиб кетолмайди. Хаш-наш дегунча иккитасини тутиб олдим.

Хўроз Керагатошни ёқалаб учди. Макиёни ҳам ўрга биров йўрғалади-да, Етимховуз тарафга қараб парвоз қилди. Жўжаларнинг бир қисми юқорилаб кетди, бир қисми эса буталар, шувоқлар, тошлар орасига беркинди. Мен бошқа кувмадим ҳам, изламадим ҳам. Қат-қат тош устига ўтирдим, нафас ростладим. Қўлимдаги жўжаларга тикилдим.

Кўн ўтмай ота-она каклик — хўроз ва макиёнларнинг зорланиб, болаларини чорлаган овозлари эшитилди.

Мен икки жўжани уйга етказолмадим. Уларни қўлларимда ушлаб юриб, ўлдириб қўйдим. Ҳа, паррандаю дарранда ҳам эркинлик-озодлик фарзанди. Қушлар кўкда, балиқлар сувда, жайронлару кийик, мароллар, алқорлар тоғда, одамзод адолату ҳақиқат эркинлигида яшовчан.

ОНА КАКЛИК

Ҳаёт мураккаб. Унда умр кечириш ўз-ўзидан бўлмайди. Аммо қийинчилик, оғирчиликлардан, хатарлардан кўрқавермаслик керак. Инсон ақл, тафаккур чироғи ҳар қандай зулматни ёритишга қодир, йўлингиздаги кўринган-кўринмаган тўсиқларни, ғовларни суриб ташлашда собит.

Инсонни қўятурайлик, табиатдаги ҳар бир жонзот ҳам тириклик учун курашиб яшайди. Тирикчилик — тиррикчилик, деган айтимлар беҳуда яралмаган.

Ona kaklik va jo'jalari suv ichib bo'lgach, buloq boshidagi do'lana daraxti tagiga, tuproqqa ag'nay-ag'nay ketishdi. Qanot yoyib, o'mganlarini chag'otning mayda tosh-qumlariga bulashdi. Kichkina tugmachaday ko'zlarini suzib-suzib oromlashdi. Birdan xo'roz men umuman eshitmagan g'alati ovozda chinqiribmi-qichqiribmi yubordi. Seskanib tushdim. Endi vaqtni boy bermaslik kerak edi. Men ustimdagi lash-lushlarni otib yubordim-da, jo'jalar tomon intildim. Yo'rg'alab qochayotgan jo'jalarni quvib yetdim. Men bilamanki, suvga to'ygan kakliklar, ayniqsa, ularning bolalari tez yugurolmaydi, daf'atan uchib ketolmaydi. Hash-pash deguncha ikkitasini tutib oldim.

Xo'roz Keragatoshni yoqalab uchdi. Makiyoni ham o'rga biroz yo'rg'aladi-da, Yetimhovuz tarafga qarab parvoz qildi. Jo'jalarning bir qismi yuqorilab ketdi, bir qismi esa butalar, shuvoqlar, toshlar orasiga berkindi. Men boshqa quvmadim ham, izlamadim ham. Qat-qat tosh ustiga o'tirdim, nafas rostdim. Qo'limdagi jo'jalarga tikildim.

Ko'p o'tmay ota-ona kaklik – xo'roz va makiyonlarning zorlanib, bolalarini chorlagan ovozlari eshitildi.

Men ikki jo'jani uyga yetkazolmadim. Ularni qo'llarimda ushlab yurib, o'ldirib qo'ydim. Ha, parranda-yu darranda ham erkinlik-ozodlik farzandi. Qushlar ko'kda, baliqlar suvda, jayronlar-u kiyik, marollar, alqorlar tog'da, odamzod adolat-u haqiqat erkinligida yashovchan.

ONA KAKLIK

Hayot murakkab. Unda umr kechirish o'z-o'zidan bo'lmaydi. Ammo qiyinchilik, og'irchiliklardan, xatarlardan qo'rqavermaslik kerak. Inson aql, tafakkur chirog'i har qanday zulmatni yoritishga qodir, yo'lingizdagi ko'ringan-ko'rinmagan to'siqlarni, g'ovlarni surib tashlashda sobit.

Insonni qo'yaturaylik, tabiatdagi har bir jonzot ham tiriklik uchun kurashib yashaydi. Tirikchilik – tirriqchilik, degan aytimlar behuda yaralmagan.

Каклик содда куш. Лекин у содда бўлиб қолинга хаққи йўқ.

Иргайли дарасининг чоғатли қир-адирларида мол боқиб юрган кезларим бунга ўзим гувоҳ бўлганман.

Май ойи ўрталарининг бирида она каклик тухум босиб ётганига дуч келдим. Унинг уяси бир туп шувоқ остида эди. Болалик экан-да, уни тутмоқчи бўлдим. Унга қараб йўналдим. Она каклик нохушликни тез пайқади. Бирдан уясидан отилиб чиқди ва пастга – қиялик бўйлаб думалай кетди. Ҳа, у айнан думалаб борарди. Орқасидан қува бошладим, етай деганимда думалашни тезлатди. Қувавердим. Яна етай-етай дедим. У яна тезлади. Қувиб-қувиб даранинг ичига тушиб қолдим. Ва шунда она каклик думалашдан лаҳзада турди-да, уч-тўрт қадамча югургилади-ю учиб кетди.

Қўрдингизми, содда куш деганимиз, она каклик мендай бир ақлли чўпон болани қандай чалғитиб, тухумларини, бўлажак жўжа-болаларини асраб қолди. У айёрмиди, йўқ, дегим келади бугун, она каклик ақлли, оқила эди.

Мен ўшанда, тагин ортимга қайтиб, унинг тухумларини олиб кетишим мумкин эди. Аммо, биринчидан, мен уядан кўн узоқлаб кетган эдим. Иккинчидан, тухумларни олиб, нима ҳам қилардим. Мол боқиб юрсам, мол боқиш эса осон эмас. Қолаверса, бирорта курк товуқ тайёр эмаски, тухумларни бостирсам, жўжа очтирсам. Учинчидан, отамнинг ўғити ёдимда эди: «Қуш уясини бузма, тухумларини синдирма, палапонларига озор етказма, ҳатто илон боласини ҳам ўлдирма!»

Мен подалар ўтлаб юрган сайхонлик сари кетдим.

КАКЛИК ДУШМАНЛАРИ

Какликларнинг ёв-душманлари кўп. Тулки – айёр қароқчи. У ҳамиша какликларни пойлагани-пойлаган. Пайт етди дегунча, уларга хавф солади. Айниқса, қишнинг қаҳратон кунлари. Одатда, тоғ маликалари бу чоғлар гала бўлиб яшайди. Тунлари қоялар бағрида тўдалашади, ғуж

Kaklik sodda qush. Lekin u sodda bo'lib qolishga haqqi yo'q.

Irg'ayli darasining chog'atli qir-adirlarida mol boqib yurgan kezlirim bunga o'zim guvoh bo'lganman.

May oyi o'rtalarining birida ona kaklik tuxum bosib yotganiga duch keldim. Uning uyasi bir tup shuvoq ostida edi. Bolalik ekan-da, uni tutmoqchi bo'ldim. Unga qarab yo'nalдим. Ona kaklik noxushlikni tez payqadi. Birdan uyasidan otilib chiqdi va pastga – qiyalik bo'ylab dumalay ketdi. Ha, u aynan dumalab borardi. Orqasidan quva boshladim, yetay deganimda dumalashni tezlatdi. Quvaverdim. Yana yetay-yetay dedim. U yana tezlatdi. Quvib-quvib daraning ichiga tushib qoldim. Va shunda ona kaklik dumalashdan lahzada turdi-da, uch-to'rt qadamcha yugurgiladi-yu uchib ketdi.

Ko'rdingizmi, sodda qush deganimiz, ona kaklik menday bir aqli cho'pon bolani qanday chalg'itib, tuxumlarini, bo'lajak jo'ja-bolalarini asrab qoldi. U ayyormidi, yo'q, degim keladi bugun, ona kaklik aqli, oqila edi.

Men o'shanda, tag'in ortimga qaytib, uning tuxumlarini olib ketishim mumkin edi. Ammo, birinchidan, men uyadan ko'p uzoqlab ketgan edim. Ikkinchidan, tuxumlarni olib, nima ham qilardim. Mol boqib yursam, mol boqish esa oson emas. Qolaversa, birorta kurk tovuq tayyor emaski, tuxumlarni bostirsam, jo'ja ochtirsam. Uchinchidan, otamning o'giti yodimda edi: «Qush uyasini buzma, tuxumlarini sindirma, palaponlariga ozor yetkazma, hatto ilon bolasini ham o'ldirma!»

Men podalar o'tlab yurgan sayhonlik sari ketdim.

KAKLIK DUSHMANLARI

Kakliklarning yov-dushmanlari ko'p. Tulki – ayyor qaroqchi. U hamisha kakliklarni poylagani-poylagan. Payt yetdi deguncha, ularga xavf soladi. Ayniqsa, qishning qahraton kunlari. Odatda, tog' malikalari bu chog'lar gala bo'lib yashaydi. Tunlari qoyalar bag'rida to'dalashadi, g'uj

бўлиб олишади. Тулки кўзлари ёниб, уларга ташланади, какликлар патирлаб, ўзларини дуч келган томонга уришади. Тўзиб кетишади. Қор гуртикларига ботиб, учолмай қолишади. Кўплари «қарокчи»га ем бўлишади.

Какликларнинг яна бир душмани кобра, яъни кўзойнакли илон, уни қапча илон ҳам дейишади. У рангдор. Каклик эса ранглари яхши кўради. Кобра ранглари тузоқ бўлиши мумкинлигини билишмайди.

Нурота тизма тоғларида кобралар жуда кўп бўлмаса ҳам, тез-тез учраб туради.

...Баланд тошсупа устида нар каклик ўз овозига ўзи маст бўлиб сайради. Мен ундан кўп узоқ бўлмаган пайза қоя тагида ёнбошлаб, уни томонга қилиб, сайрашини тинглаб ётардим. Каклик бирдан жимиб қолди. Нима бўлди экан деб, тикроқ турдим-да какликка қарадим. У бир нуктага тикилганча тек қотиб турарди.

Кўзларим ўтқир эди, бир нигоҳ-ла ҳар қандай нарсани илғардим. Кексайиброқ қолган овчи Дехқонбой бобомнинг бир ғалати гапи эсимда: «Набирам Азимбой — менинг кўзларим!» Чунки, бобом нимани сўраса, айтайлик, «Азимбой, Муртак камарни бир қараб кўр-чи, бирор нарса кўринмаяптими?..» «Ҳа-ҳа, — дердим мен, — бир тоштўрғай тумшигини тошга ишқаяпти, бирор нарса тугиб, еган бўлса керак...» «Уни сўрамаянман, алқорлардан гапир, алқордан... каклик бўлса ҳам майли, овлаб кетишимиз керак...» ва ҳоказо.

Хуллас, бир қараидаёқ ярим тик турган кобрани кўрдим. Кобра какликни ром қилиб, бир лаҳза ҳам ундан кўзларини узмай, жуда оҳиста у томон силжир эди!

Силжир эди... оҳиста... силжир эди... оҳиста... оҳиста... Каклик тамоман мафтун... жодуланган... сеҳрланган... Кобра яқинлашиб қолди... Ҳадемай, каклик тамом... бутун вужудим жимирлаб кетди... йўқ, бўлмади, ирғиб турдим-да, бир тошни қўлга олиб, кобрани кўзлаб отдим!

Каклик бир сесканди-ю ўзини тошсупадан пастга ташлади. Ҳадемай кўкка кўтарилди.

Сўнг... кўрганларимни отамга, чўликка, сўнг... қўшиб-чатиб қўни-қўшни болаларга айтиб юрдим...

bo'lib olishadi. Tulki, ko'zlari yonib, ularga tashlanadi, kakliklar patirlab, o'zlarini duch kelgan tomonga urishadi. To'zib ketishadi. Qor gurtiklariga botib, ucholmay qolishadi. Ko'plari «qaroqchi»ga yem bo'lishadi.

Kakliklarning yana bir dushmani kobra, ya'ni ko'zoynakli ilon, uni kapcha ilon ham deyishadi. U rangdor. Kaklik esa ranglarni yaxshi ko'radi. Kobra ranglari tuzoq bo'lishi mumkinligini bilishmaydi.

Nurota tizma tog'larida kobralar juda ko'p bo'lmasa ham, tez-tez uchrab turadi.

...Baland toshsupa ustida nar kaklik o'z ovozigaga o'zi mast bo'lib sayrardi. Men undan ko'p uzoq bo'lmagan nayza qoya tagida yonboshlab, uni tomosha qilib, sayrashini tinglab yotardim. Kaklik birdan jimib qoldi. Nima bo'ldi ekan deb, tikroq turdim-da kaklikka qaradim. U bir nuqtaga tikilgancha tek qotib turardi.

Ko'zlarim o'tkir edi, bir nigoh-la har qanday narsani ilg'ardim. Keksayibroq qolgan ovchi Dehqonboy bobomning bir g'alati gapi esimda: «Nabiram Azimboy — mening ko'zlarim!» Chunki, bobom nimani so'rasa, aytaylik, «Azimboy, Murtak kamarni bir qarab ko'r-chi, biror narsa ko'rinmayaptimi?...» «Ha-ha, — derdim men, — bir toshto'rg'ay tumshig'ini toshga ishqayapti, biror narsa tutib, yegan bo'lsa kerak...» «Uni so'ramayapman, alqorlardan gapir, alqordan... kaklik bo'lsa ham mayli, ovlab ketishimiz kerak...» va hokazo.

Xullas, bir qarashdayoq yarim tik turgan kobrani ko'rdim. Kobra kaklikni rom qilib, bir lahza ham undan ko'zlarini uzmay, juda ohista u tomon siljir edi!

Siljir edi... ohista... siljir edi... ohista... ohista... Kaklik tamoman maftun... jodulangan... sehrlangan... Kobra yaqinlashib qoldi... Hademay, kaklik tamom... butun vujudim jimirlab ketdi... yo'q, bo'lmadi, irg'ib turdim-da, bir toshni qo'lga olib, kobrani ko'zlab otdim!

Kaklik bir seskandi-yu o'zini toshsupadan pastga tashladi. Hademay ko'kka ko'tarildi.

So'ng... ko'rganlarimni otamga, cho'liqqa, so'ng... qo'shib-chatib qo'ni-qo'shni bolalarga aytib yurdim...

Хўш... какликнинг энг ашаддий душмани – бу овчи!

Овчилар какликни, асосан, гўшти учун овлайдилар. Овлаш усуллари талайгина. Биринчиси, албатта, ов милтиғи билан овлаш. Милтиқ билан какликларни югургилаб кетишаётганда ёки учиб, кўкка кўтарилганда отишади. Иккинчи бир усул – бу тузоқ-жела қўйиб ов қилиш усули. Бунда милтиқ ишлатилмайди. Хонаки – қафасдаги бир сайроқи каклик тўлиб-тошиб сайрайди, қавмдошларини ёнига чорлайди. Ёнида эса жела. Жела қўйган жайдари «овчи» узоқроқда паналаб-писиб ётади. Учиб келган какликлар ихтиёрсиз желага тушаверишади. Ундан қутулиб кетмоқ учун нотирлашиб, ҳаракат қилишаверади. Аммо, жела баттар уларни чирмаб олаверади...

Тағин бир усул бор. Аммо бу усул қонун йўли билан тақиқланган. Бу усул, асосан, қишда қўлланилади. Бу усулчиларнинг милтиқ кўтариб юришлари шарт бўлмайди.

Қиш какликлар учун ўта хатарли фасл. Аёз. Қаҳратон. Қалин қор. Бундай пайтларда улар смак тополмай, сойю булоқ бўйларига тушади. Тоғ қишлоқлари атрофига яқинлашиб энишади.

Шундай вақтларда ҳар хил тоифадаги хонаки овчилар кўпаяди. Қиш кунлари, деярли, бекорчилик. Шунинг учун улар тўда-тўда бўлишиб, тоғнинг бир камаридан у камарга, унисидан бунисигача қувлашади. Бундай кезларда какликлар тез толиқади, чарчаб, узоққа учишолмайди, қорларга ботиб қолишади. Қарабсизки, тайёр лўкма!

Какликлар ҳамиша ҳимояга зор. Уларнинг тағин бир душмани кирғий.

Авлиёбулоққа туташиб кетган қир-адирларда мол ёйиб юрардим. Бу ерларда турли-туман буталар, тўп-тўп бодомчалар ўсиб ётади.

Ҳар-ҳар жойда ёйилиб ўсган ковуллар учрайди. Ковуллар анор гулларидай кип-қизариб гуллаган. Бир туп ковулнинг гуллари томоша қилиб турардим, шиддат билан ҳавони тўлқинлантириб, бир гала куш ўзларини мен турган жойга урди. Бу шундай тез рўй бердики, ҳеч нарсани англай олмай, кўрқиб кетдим. Жон жаҳдда кўкка қарадим, бир кирғий кийкиргунча кўздан йўқолди. Сўнг

Xo'sh... kaklikning eng ashaddiy dushmani – bu ovchi!

Ovchilar kaklikni, asosan, go'shti uchun ovlaydilar. Ovlash usullari talaygina. Birinchisi, albatta, ov miltig'i bilan ovlash. Miltiq bilan kakliklarni yugurgilab ketishayotganda yoki uchib, ko'kka ko'tarilganda otishadi. Ikkinchi bir usul – bu tuzoq-jela qo'yib ov qilish usuli. Bunda miltiq ishlatilmaydi. Xonaki – qafasdagi bir sayroqi kaklik to'lib-toshib sayraydi, qavmdoshlarini yoniga chorlaydi. Yonida esa jela. Jela qo'ygan jaydari «ovchi» uzoqroqda panalab-pisib yotadi. Uchib kelgan kakliklar ixtiyorsiz jelaga tushaverishadi. Undan qutulib ketmoq uchun potirlashib, harakat qilishaveradi. Ammo, jela battar ularni chirmab olaveradi...

Tag'in bir usul bor. Ammo bu usul qonun yo'li bilan taqiqlangan. Bu usul, asosan, qishda qo'llaniladi. Bu usulchilarning miltiq ko'tarib yurishlari shart bo'lmaydi.

Qish kakliklar uchun o'ta xatarli fasl. Ayoq. Qahraton. Qalin qor. Bunday paytlarda ular yemak topolmay, soy-yu buloq bo'ylariga tushadi. Tog' qishloqlari atrofiga yaqinlashib enishadi.

Shunday vaqtlarda har xil toifadagi xonaki ovchilar ko'payadi. Qish kunlari, deyarli, bekorchilik. Shuning uchun ular to'da-to'da bo'lishib, tog'ning bir kamaridan u kamarga, unisidan bunisigacha quvlashadi. Bunday kezlarda kakliklar tez toliqadi, charchab, uzoqqa uchisholmaydi, qorlarga botib qolishadi. Qarabsizki, tayyor luqma!

Kakliklar hamisha himoyaga zor. Ularning tag'in bir dushmani qirg'iy.

Avliyobuloqqa tutashib ketgan qir-adirlarda mol yoyib yurardim. Bu yerlarda turli-tuman butalar, to'p-to'p bodomchalar o'sib yotadi.

Har-har joyda yoyilib o'sgan kovullar uchraydi. Kovullar anor gullariday qip-qizarib gullagan. Bir tup kovulning gullarini tomosha qilib turardim, shiddat bilan havoni to'lqinlantirib, bir gala qush o'zlarini men turgan joyga urdi. Bu shunday tez ro'y berdiki, hech narsani anglay olmay, qo'rqib ketdim. Jon jahdda ko'kka qaradim, bir qirg'iy qiyqirguncha ko'zdan yo'qoldi. So'ng kovulga

ковулга қарадим, не кўз билан кўрайки, унинг остида бир гала каклик жўжалар кўзларининг ўти чиқиб, менга тикилиб туришарди. Бирпасдан сўнг улар ҳам, мен ҳам ўзимизга келдик. Жўжалар бирин-кетин ковулнинг у ер-бу еридан чиқди-да, ўр томонга йўрғалай кетишди. Улар мени қора тортиб, омон қолишган эди.

Кўп ўтмай бир бурум тарафдан она какликнинг болаларини ўз ёнига чорлови эшитилди.

АЛҚОРЛАР

Алқор ноёб жонивор. Уни тоғ қўйи деб ҳам аташади. Ҳақиқатдан ҳам у қўйга ўхшайди. Аммо алқор кучли, шиддатли, югурик-чапоғон, ўта зийрак, хушёр, кўзлари қоп-қора. Унинг орқа ва икки ёнидаги жунлари жигар-қўнғирнома. Бўйинининг таги, қорни, човлари оқиш. Кўчқорларининг шохлари бурама-бурама. Бурама шохларининг учлари ён томонга қараб йўналган. Урғочиларининг шохлари эса калта, орқасига қайрилган.

Алқорлар Нурота тизма тоғларининг Қоратов силсиласида яшайди. Октов тарафларда камдан-кам учрайди. Улар серўт тоғ ёнбағирларида, ёввойи дарахтзор – тоғ ўрмонлари ораларида ёйилишади. Айниқса, булоқли, сойли камарлар – даралар уларнинг суюмли жойи.

Ўтлаш учун қоялар тагидан, паналаридан очик кўкатзорларга, дара қирларига чиқиб келишади. Сахар мардондан соат ўн-ўн биргача ўтлашади, сўнгра соясалқинларда – дарахтлар, қоялар тагида дам олишади. Кечга яқин, то қоронғи тушгунча, баъзан тунда тагин ёйилишади.

Алқор кўчқорлари сурувдан апрель-май ойларида ажралишиб чиқишади. Чунки, бу пайтда урғочилари кўзилагаи бўлади. Асосан, улар битта туғади, эгизаги кам. Урғочи алқорлар кўзичоқлари ва вояга етмаган кўчқорлари билан бирга юради. Тўрт ёшдан бошлаб, вояга етган росмана кўчқорлари эса айрим-айрим ёки бир қанчаси тўп-тўп бўлиб юришади.

qaradim, ne ko'z bilan ko'rayki, uning ostida bir gala kaklik jo'jalar ko'zlarining o'ti chiqib, menga tikilib turishardi. Birpasdan so'ng ular ham, men ham o'zimizga keldik. Jo'jalar birin-ketin kovulning u yer-bu yeridan chiqdi-da, o'r tomonga yo'rg'alay ketishdi. Ular meni qora tortib, omon qolishgan edi.

Ko'p o'tmay bir burum tarafdin ona kaklikning bolalarini o'z yoniga chorlovi eshitildi.

ALQORLAR

Alqor noyob jonivor. Uni tog' qo'yi deb ham atashadi. Haqiqatdan ham u qo'yga o'xshaydi. Ammo alqor kuchli, shiddatli, yugurik-chapog'on, o'ta ziyrak, hushyor, ko'zlari qop-qora. Uning orqa va ikki yonidagi junlari jigar-qo'ng'irnoma. Bo'ynining tagi, qorni, chovlari oqish. Qo'chqorlarining shoxlari burama-burama. Burama shoxlarining uchlari yon tomonga qarab yo'nalgan. Urg'ochilarining shoxlari esa kalta, orqasiga qayrilgan.

Alqorlar Nurota tizma tog'larining Qorator silsilasida yashaydi. Oqtov taraflarda kamdan kam uchraydi. Ular sero't tog' yonbag'irlarida, yovvoyi daraxtzor – tog' o'rmonlari oralarida yoyilishadi. Ayniqsa, buloqli, soyli kamarlar – daralar ularning suyumli joyi.

O'tlash uchun qoyalar tagidan, panalaridan ochiq ko'katzorlarga, dara qirlariga chiqib kelishadi. Sahar mardondan soat o'n-o'n birgacha o'tlashadi, so'ngra soya-salqinlarda – daraxtlar, qoyalar tagida dam olishadi. Kechga yaqin, to qorong'i tushguncha, ba'zan tunda tag'in yoyilishadi.

Alqor qo'chqorlari suruvdan aprel-may oylarida ajralishib chiqishadi. Chunki, bu paytda urg'ochilari qo'zilagan bo'ladi. Asosan, ular bitta tug'adi, egizagi kam. Urg'ochi alqorlar qo'zichoqlari va voyaga yetmagan qo'chqorlari bilan birga yuradi. To'rt yoshdan boshlab, voyaga yetgan rosmena qo'chqorlari esa ayrim-ayrim yoki bir qanchasi to'p-to'p bo'lib yurishadi.

Мен туғилиб ўсган Накурт қишлоғидаги Қарисой дара-сининг тўри – Бешбармоқота, Паррандозота чўққиларининг жанубий-шимолий томонлари алқорларга энг қулай мас-кан.

Бола-ўсмирлигимда отам билан ферманинг қора молла-рини бокканман. У пайтлари баъзи алқорлар ҳатто подага қўшилишиб, ўтлашиб юришарди. Ўзим гувоҳман. Овчилар кўп эди, аммо бироз бўлса-да инсофли эди чоғи. Улар-нинг қўчқорларидан – эркакларидан битта-иккита оти-шарди. Ёлғон бўлмасин, олчоқ-очофат овчилар ҳам йўқ эмасди! Шодибой исмли биттасини билар эдим. У бизга яқин қариндош эди.

Ўшанда тўққиз-ўн ёшларда эдим. Йигирма чоғли алқор – бир сурув бўлиб юрарди. Бу сурувнинг сардори улкан бурамашоҳ қўчқор, айрича салобатга, маҳобатга эга эди. Нигоҳлари, қандайдир ўткир кўзлари бамисоли ёнарди. Катта отам (бобом) мулла Суюн овчиларга бу алқорни отмаслигини кўп уқтирарди. У илоҳий қудратга эга, дерди у.

Йўқ, бетавфиқ Шодибой сардор қўчқорни отди. Ғуштларини кимлар хомталаш қилганлигини билмайман. Лекин Шодибой кўп ўтмай тўшакка миҳланди. Шол бўлиб қолди. Қирқ йилдан ортиқ азоб-укубатда яшаб ўтди.

Табиат ҳақиқати шундай! Табиат интиқоми шундай!

Йиллар ўтди. Қанча тоғ қорлари сув бўлиб оқди. Ўша подачи чўлиқ бола шоир бўлди. Таассуроти тиниқ шоир бўлди. Шеър ёзди: «Алқорлар».

*Нурота тоғларидан
кетиб борар алқорлар,
Кетиб борар бўзлашиб
сарсари ва саргардон.
Бу тоғларга Заргардек
кўрк эди кўндан улар,
Чин ошиқ шайдоларга
фаттон кўзлари армон.
Бугун бунда кўкламнинг
зангори тошқинлари,*

Men tugʻilib oʻsgan Nakurt qishlogʻidagi Qarisoy darasining toʻri – Beshbarmoqota, Parrandozota choʻqqilarining janubiy-shimoliy tomonlari alqorlarga eng qulay maskan.

Bola-oʻsmirligimda otam bilan fermaning qora mollarini boqqanman. U paytlari baʼzi alqorlar hatto podaga qoʻshilishib, oʻtlashib yurishardi. Oʻzim guvohman. Ovchilar koʻp edi, ammo biroz boʻlsa-da insofli edi chogʻi. Ularning qoʻchqorlaridan – erkaklaridan bitta-ikkita otishardi. Yolgʻon boʻlmasin, olchoq-ochofat ovchilar ham yoʻq emasdi! Shodiboy ismli bittasini bilar edim. U bizga yaqin qarindosh edi.

Oʻshanda toʻqqiz-oʻn yoshlarda edim. Yigirma chogʻli alqor – bir suruv boʻlib yurardi. Bu suruvning sardori ulkan buramashox qoʻchqor, ayricha salobatga, mahobatga ega edi. Nigohlari, qandaydir oʻtkir koʻzlari bamisoli yonardi. Katta otam (bobom) mulla Suyun ovchilarga bu alqorni otmasligini koʻp uqtirardi. U ilohiy qudratga ega, derdi u.

Yoʻq, betavfiq Shodiboy sardor qoʻchqorni otdi. Goʻshtlarini kimlar xomtalash qilganligini bilmayman. Lekin Shodiboy koʻp oʻtmay toʻshakka mixlandi. Shol boʻlib qoldi. Qirq yildan ortiq azob-uqubatda yashab oʻtdi.

Tabiat haqiqati shunday! Tabiat intiqomi shunday!

Yillar oʻtdi. Qancha togʻ qorlari suv boʻlib oqdi. Oʻsha podachi choʻliq bola shoir boʻldi. Taassuroti tiniq shoir boʻldi. Sheʼr yozdi: «Alqorlar».

*Nurota togʻlaridan
ketib borar alqorlar,
Ketib borar boʻzlashib
sarsari va sargardon.
Bu togʻlarga Zargardek
koʻrk edi koʻpdan ular,
Chin oshiq-shaydolarga
fatton koʻzlari armon.
Bugun bunda koʻklamning
zangori toshqinlari,*

Оҳ, на бўлгай алқорлар
шу багирга қайтсалар.
Майсаларга бурканган
ҳатто қушлар инлари,
Лекин тутиб қололмас
ҳеч қандайин майсалар.
Йўқ, ушлаб қололмагай
безавол булоқлар ҳам,
Фозилмонота кўлин
бўш қолди сўқмоқлари.
Ахир, жаннат эмас, ҳа,
ушбу ер, ушбу олам
(Айлангайдир жаннатга,
аммо баҳор чоғлари!)

Рост, битта жой иқлими
жонга тегар гоҳида,
Лекин улар жонига
тегмаган эди бу жой.
Аёзларда сақлади
горлар ўз паноҳида,
Фақат тубан овчидан
сақлайолмади бу жой.
Кўксиди ўқ излари
кетиб борар алқорлар,
Бормисан сайёд кўзи
тушмаган жонбахш макон?..
Алқорларни қайтаргай,
энди мен айтсам, дўстлар,
Беҳато, тикка учган
ўқларгина бу замон!
О, агар, қайтар бўлса
ўқлар дастидан фақат,
Рост бўлсин, тоғларимни
мангу тарк этганлари.
Рост бўлсин, сайёдларга
осиб минг тавқи лаънат,
Ўқ етмас манзилларга
бош олиб кетганлари!

Oh, na bo'lg'ay alqorlar
shu bag'irga qaytsalar.
Maysalarga burkangan
hatto qushlar inlari,
Lekin tutib qololmas
hech qandayin maysalar.
Yo'q, ushlab qololmagay
bezavol buloqlar ham,
Fozilmonota ko'lin
bo'sh qoldi so'qmoqlari.
Axir, jannat emas, ha,
ushbu yer, ushbu olam.
(Aylangaydir jannatga,
ammo bahor chog'laril!)

Rost, bitta joy iqlimi
jonga tegar gohida,
Lekin ular joniga
tegmagan edi bu joy.
Ayozlarda saqladi
g'orlar o'z panohida,
Faqat tuban ovchidan
saqlayolmadi bu joy.
Ko'ksida o'q izlari
ketib borar alqorlar,
Bormisan sayyod ko'zi
tushmagan jonbaxsh makon?..

Alqorlarni qaytargay,
endi men aytsam, do'stlar,
Bexato, tikka uchgan
o'qlargina bu zamon!
O, agar, qaytar bo'lsa
o'qlar dastidan faqat,
Rost bo'lsin, tog'larimni
mangu tark etganlari.
Rost bo'lsin, sayyodlarga
osib ming tavqi la'nat,
O'q yetmas manzillarga
bosh olib ketganlaril!

БИР АЛҚОР ОВИДА

1954 йилнинг кузи.

Бодомчали кишлоғидан келган икки ҳаваскор овчи ва Дехқонбой бобом мулла Суюнни ҳол-жонига қўймай овга уидади. Мулла Суюн истар-истамас ҳанги эшагига минди. Мен ҳам бораман, деб туриб олдим. Мақсадимга эришдим. Улар билан йўлга тушдим. Алқор ови қизиқ-да, ахир! Бундан ташқари, мен ўта хангоматалаб боламан. Овга иштиёқмандман. Алқорларга, какликларга ишқибозман.

Ҳаво салқин. Тоғ ўрмони жунжиккандек, нимадандир хавотирга тушгандек. Дўланалар, итбурунлар, учкатлар меваси нам тортган. Арчалар вазминлашган. Дара-камар бўйлаб кетган ёнғоқзор барглари турли тусда: яшил, сарик, қўнғир... юзлари холдор. Улар сойни тўлдириб юборган. Шу боис сувлар сизилиб оқади. Сизилиб оққан сув тип-тишиқ.

Бешбармоқота қояларига яқин жойда тўхтадик. Шигил мевали катта қизил дўлана остида ўрнашиб олдик. Бу ердан алқорлар чиқадиган қоялар яққол кўришиб туради. Овчи боболаримнинг нияти шу ердан туриб ов қилиш.

Ҳали қуёш чиқмаган. Аммо овчиларнинг кўзлари катта қояда. Мен ҳам унга тикилганим тикилган. Алқорларни, албатта, мен биринчи бўлиб кўришим керак. Шундай бўлди ҳам. Кўп ўтмай офтоб нурлари тоғ ортидан қояларни шуълалантира бошлади.

— Ана, алқор чиқди, катта қўчқор экан, — дедим хайратимни яширолмай.

Ҳақиқатдан ҳам қўчқор қояда сергак, бел бўлиб турарди. У биз турган тарафга мағрур кўз тикди. Аммо ҳеч нарсани ийқамади.

Асосий овчи Дехқонбой бобом секин ўрнидан ярим турди. Шерикларига «қимирламаңглар, мен бораман» ишорасини қилди. Шунда, кутилмаганда катта отам мулла Суюн укаси Дехқонбойга шивирлаб маслаҳат бериб қолди:

— Дехқонбой, — деди у, — бу қўчқор гўштини увол қилма. Ўқни қўчқорга отма, ёнига от. Шунда алқор қоядан ўзини пастга ташлайди. Ёнингга тушади. Сўйиб оласан. Ахир отиб, гўштни бузиб нима қиласан...

BIR ALQOR OVIDA

1954-yilning kuzi.

Bodomchali qishlog'idan kelgan ikki havaskor ovchi va Dehqonboy bobom mulla Suyunni hol-joniga qo'ymay ovga undadi. Mulla Suyun istar-istamas hangi eshagiga mindi. Men ham boraman, deb turib oldim. Maqsadimga erishdim. Ular bilan yo'lga tushdim. Alqor ovi qiziq-da, axir! Bundan tashqari, men o'ta hangomatalab bolaman. Ovga ishtiyoqmandman. Alqorlarga, kakliklarga ishqibozman.

Havo salqin. Tog' o'rmoni junjikkandek, nimadandir xavotirga tushgandek. Do'lanalar, itburunlar, uchqatlar mevasi nam tortgan. Archalar vazminlashgan. Dara-kamar bo'ylab ketgan yong'oqzor barglari turli tusda: yashil, sariq, qo'ng'ir... yuzlari xoldor. Ular soyni to'ldirib yuborgan. Shu bois suvlar sizilib oqadi. Sizilib oqqan suv tip-tiniq.

Beshbarmoqota qoyalariga yaqin joyda to'xtadik. Shig'il mevali katta qizil do'lana ostida o'rnashib oldik. Bu yerdan alqorlar chiqadigan qoyalar yaqqol ko'rinib turadi. Ovchi bobolarimning niyati shu yerdan turib ov qilish.

Hali quyosh chiqmagan. Ammo ovchilarning ko'zlari katta qoyada. Men ham unga tikilganim tikilgan. Alqorlarni, albatta, men birinchi bo'lib ko'rishim kerak. Shunday bo'ldi ham. Ko'p o'tmay oftob nurlari tog' ortidan qoyalarni shu'lalantira boshladi.

— Ana, alqor chiqdi, katta qo'chqor ekan, — dedim hayratimni yashirolmay.

Haqiqatdan ham qo'chqor qoyada sergak, bel bo'lib turardi. U biz turgan tarafga mag'rur ko'z tikdi. Ammo hech narsani payqamadi.

Asosiy ovchi Dehqonboy bobom sekin o'rnidan yarim turdi. Sheriklariga «qimirlamanglar, men boraman» ishorasini qildi. Shunda, kutilmaganda katta otam mulla Suyun ukasi Dehqonboyga shivirlab maslahat berib qoldi:

— Dehqonboy, — dedi u, — bu qo'chqor go'shtini uvol qilma. O'qni qo'chqorga otma, yoniga ot. Shunda alqor qoyadan o'zini pastga tashlaydi. Yoningga tushadi. So'yib olasan. Axir otib, go'shtni buzib nima qilasan...

Бу гап мерган бобомга маъкул келди шекилли, «хўп» ишорасини қилди ва деярли эмаклаб қоя томон илгарилаб кетди.

Ўқ гумбирлади. Кутилганидай қўчқор жон ҳолатда бир сакраб, ўзини настга отди. Ҳавода муаллақ келар экан, чаққонлик билан бурама шохларини – бошини айлантириб настга қаратиб олди. Ва боши билан бир зарбда ерга урилди. Дара жаранглаб кетди. Ҳамма бир зум тек қотиб қолди.

Вох-ҳ... Қизиги бу ёқда бўлди. Дехқонбой мерган ўлжаси тарафга чонганида... қўчқор сакраб туриб, дара эниши бўйлаб елдай югуриб кетди.

Мулла Суюн қаҳ-қаҳ отиб юборди.

— Дехқонбой, югур, чоп-чоп, мерган, — деди у баралла. Ҳаваскор овчи шериклар нима бўлганини ҳали англамай лолу ҳайрон.

Ўша кунни катта отам Суюн билан кишлокка қайтиб келиб қўйдик. У йўлда келаётганимизда менга:

— Бунни билардим, болам, қўчқор алқорни айтяпман, унинг тирик қолишини билардим. У алқорлар сурувининг бошчиси, тўдабошиси эди. Агар отилганда сурув йўлбошчисиз қоларди. Шундоқ ҳам уруш туфайли (Иккинчи жаҳон уруши назарда тутилмоқда) санокли қолган сурув сочилиб кетарди... Содда Дехқонбой бобонгни бир боладик-да, — дея кулиб-кулиб ўзидан мамнун-мамнун гапириб келди.

Бугун бобом дунёда йўқ. Аммо ўтиб кетгандан кейин ҳам уни кўрган-билганлар «Мулла Суюн катта илм эгаси бўлиши билан бирга тоғдаги алқорларниям чўпони эди-да», дея менга кўн бор ганиришган.

ОВ ИШТИЁҚИ

1973 йил. Мен Тошкентда толиб эдим. Кечкида ўқирдим, кундуз ишлардим. Меҳнат таътилига чиқдим у кишлокка жўнадим. Бутун вужудим тоғларни кўмсарди. Тоғларга талпинардим. Тоғларда кезишни жуда-жуда соғинган эдим. Ота-онам ёнида бир кун бўлдим у кадрдоним Олти-

Bu gap mergan bobomga ma'qul keldi shekilli, «xo'p» ishorasini qildi va deyarli emaklab qoya tomon ilgarilab ketdi.

O'q gumbirladi. Kutilganiday qo'chqor jon holatda bir sakrab, o'zini pastga otdi. Havoda muallaq kelar ekan, chaqqonlik bilan burama shoxlarini — boshini aylantirib pastga qaratib oldi. Va boshi bilan bir zarbda yerga urildi. Dara jaranglab ketdi. Hamma bir zum tek qotib qoldi.

Voh-h... Qizig'i bu yoqda bo'ldi. Dehqonboy mergan o'ljasi tarafga chopganida... qo'chqor sakrab turib, dara enishi bo'ylab yelday yugurib ketdi.

Mulla Suyun qah-qah otib yubordi.

— Dehqonboy, yugur, chop-chop, mergan, — dedi u baralla. Havaskor ovchi sheriklar nima bo'lganini hali anglamay lol-u hayron.

O'sha kuni katta otam Suyun bilan qishloqqa qaytib kelib qo'ydik. U yo'lda kelayotganimizda menga:

— Buni bilardim, bolam, qo'chqor alqorni aytyapman, uning tirik qolishini bilardim. U alqorlar suruvining boshchisi, to'daboshisi edi. Agar otilganda suruv yo'lboshchisiz qolardi. Shundoq ham urush tufayli (Ikkinchi jahon urushi nazarda tutilmoqda) sanoqli qolgan suruv sochilib ketardi... Sodda Dehqonboy bobongni bir bopladik-da, — deya kulib-kulib o'zidan mamnun-mamnun gapirib keldi.

Bugun bobom dunyoda yo'q. Ammo o'tib ketgandan keyin ham uni ko'rgan-bilganlar «Mulla Suyun katta ilm egasi bo'lishi bilan birga tog'dagi alqorlarniyam cho'poni edi-da», deya menga ko'p bor gapirishgan.

OV ISHTIYOQI

1973-yil. Men Toshkentda tolib edim. Kechkida o'qirdim, kunduz ishlardim. Mehnat ta'tiliga chiqdim-u qishloqqa jo'nadim. Butun vujudim tog'larni qo'msardi. Tog'larga talpinardim. Tog'larda keizishni juda-juda sog'ingan edim. Ota-onam yonida bir kun bo'ldim-u qadrdonim

бойникига йўл олдим. Олтибой билан биргаланиб, амаким Тиловқобилни тондик. Тиловқобил мулла Суюннинг иккинчи ўғли. Отамнинг она бошқа укаси. У дурустгина овчи эди. Тоғнинг тўрида яшарди.

Бир кун кечгача овга ҳозирлик кўрдик. Амаким кўрғошиндан қўлбола яккаўқлар ясади. Сочмаларни патронларга жойлади. Милтиқлар тозаланди.

Эртаси куни тонгда Каттақамишлоқ дарасига йўл олдик. Каттақамишлоқ ўз номига яраша. Бу дара-камарда қора, кизил дўланалар кўп ўсади. Айқашиб-чатишиб, бетартиб, исталган-исталмаган жойларда ўсиб ётаверади. Уларнинг орасидан оқбел учкатлар бўйлаб туради. Ирғайлар тўп-тўп. Хуллас, ёввойи қалин тоғ ўрмони.

Катта чошгоҳгача бирорта алқорга дуч келмадик. Аксига олгандек какликлар ҳам учрамади. Фақат уларнинг қаерлардандир ўқтин-ўқтин овозлари эшитилиб қолади.

Мен чарчаб қолдим. Милтиқ ҳам оғирлик қила бошлади. Шаҳар, студентлик нуқсида...

Амаким билан Олтибойга, сизлар айланиб келаверинглар, мен бироз дам оламан, дедим. Улар кетишди. Мен катта газанинг қоқ белида ўзимча жой ҳозирладим. Милтиқни ёнимга қўйдим. Тоғда милтиқ, ишлатсанг-ишлатмасанг, яхши ҳамроҳ, дўст бўлади. У ёнингда бўлса, кўнглинг тўқ. Аслида, менинг учун ов бирор ўлжали бўлиш учун эмас, гашт учун. Ха, гўшт учун эмас, гашт учун.

Хуллас, газада уйқуга кетдим. Қанча вақт ўтган, билмайман, мени «дев» босди. Турмоқчи бўламан, йўқ, бўлмайди. «Дев» даҳшатли оғирлиги билан устимда... Бир қўлим билан милтиқни қидираман... қўлим унга етмайди... Бирдан... «Калима» қайтариш кераклиги ёдимга тушди, шекилли... «Калима» қайтара бошладим... О, Худойим, «дев» устимдан кўтарилди... Нафас олдим, жуда енгил нафас олдим... терга ботиб кетган таним қандайдир ороми-жонликка ўтди... Даст турдим, тагин чукур-чукур нафас олдим. Милтиққа ёнишдим. Уни олдим у осмонга қарата ўқ уздим. Тоғ гўмбурлади. Амаким ва Олтибой ҳовлиқиб етиб келишди. Уларга нима бўлганлигини айтиб бердим.

Oltiboynikiga yo'l oldim. Oltiboy bilan birgalashib, amakim Tilovqobilni topdik. Tilovqobil mulla Suyunning ikkinchi o'g'li. Otamning ona boshqa ukasi. U durustgina ovchi edi. Tog'ning to'rida yashardi.

Bir kun kechgacha ovga hozirlik ko'rdik. Amakim qo'rg'oshindan qo'lbola yakkao'qlar yasadi. Sochmalarni patronlarga joyladi. Miltiqlar tozalandi.

Ertasi kuni tongda Kattaqamishloq darasiga yo'l oldik. Kattaqamishloq o'z nomiga yarasha. Bu dara-kamarda qora, qizil do'lanalar ko'p o'sadi. Ayqashib-chatishib, betartib, istalgan-istalmagan joylarda o'sib yotaveradi. Ularning orasidan oqbel uchqatlar bo'ylab turadi. Irg'aylar to'p-to'p. Xullas, yovvoyi qalin tog' o'rmoni.

Katta choshgohgacha birorta alqorga duch kelmadik. Aksiga olgandek kakliklar ham uchramadi. Faqat ularning qayerlardandir o'qtin-o'qtin ovozlari eshilib qoladi.

Men charchab qoldim. Miltiq ham og'irlik qila boshladi. Shahar, studentlik nuqsida...

Amakim bilan Oltiboyga, sizlar aylanib kelaveringlar, men biroz dam olaman, dedim. Ular ketishdi. Men katta gazaning qoq belida o'zimcha joy hozirladim. Miltiqni yonimga qo'ydim. Tog'da miltiq, ishlatsang-ishlatmasang, yaxshi hamroh, do'st bo'ladi. U yoningda bo'lsa, ko'ngling to'q. Aslida, mening uchun ov biror o'ljali bo'lish uchun emas, gasht uchun. Ha, go'sht uchun emas, gasht uchun.

Xullas, gazada uyquga ketdim. Qancha vaqt o'tgan, bilmayman, meni «dev» bosdi. Turmoqchi bo'laman, yo'q, bo'lmaydi. «Dev» dahshatli og'irligi bilan ustimda... Bir qo'lim bilan miltiqni qidiraman... qo'lim unga yetmaydi... Birdan... «Kalima» qaytarish kerakligi yodimga tushdi, shekilli... «Kalima» qaytara boshladim... O, Xudoyim, «dev» ustimdan ko'tarildi... Nafas oldim, juda yengil nafas oldim... terga botib ketgan tanim qandaydir oromijonlikka o'tdi... Dast turdim, tag'in chuqur-chuqur nafas oldim. Miltiqqa yopishdim. Uni oldim-u osmonga qarata o'q uzdim. Tog' gumburladi. Amakim va Oltiboy hovliqib yetib kelishdi. Ularga nima bo'lganligini aytib berdim. Ha, dedi,

Ҳа, деди, Тиловқобил ака, тоғларнинг деви бўлади, ҳар қалай, ота-боболаримиз шундай, деб келишган.

Яхшиям «Калима»ни эсингдан чиқармаган экансан. «Калима» кучли дуо... дуода гап кўп. Бошимдан ўтган, мени ҳам босган. Ухлаб қолма, дейиш эсимдан чиқибди...

Кўнглимиз озди. Нонушта қилиб олмоқчи бўлдик ва камар бошидаги Бошбулоққа кетдик. Булоқ қайнаб чиқапти. Ховучлаб-ховучлаб сув ичдик. Олтибой белидаги белбоғни ечиб, ундан пон олди, сувга ботириб едик. Оҳ, бу поннинг ширинлигини...

Ногахон ўқ қарсиллади. Бешбармоқота қоялари тарафдан... Жим бўлиб қолдик. «Ўқ тегмади», – деди, Тиловқобил ака, «овчилар бор экан-да»... «Ўқ тегмаганини қандай билдингиз» – дедим акамга. «Овозидан-да, – деди акам кулиб – милтиқ овозининг фарқини ажратолмайдиган кишидан овчи чиқмайди», – деб кўшиб кўйди у.

Тепа томонимиз потирлаб қолди. Қай кўз билан кўрайликки, бир кўзичоқли алқор совлиғи биз томонга жон ҳолатда чопиб келарди. Акам зум ўтмай милтиғини қўлга олди. Совлиқни нишонга олди. «Отманг! – деб бақириб юбордим беихтиёр, – отманг!...»

Акам отмади. Она-бола алқор бизни кўрдию йўлини чап қияликка бурди... Енгил нафас олдим. «Раҳмат, ака, раҳмат...», дедим ўзим ҳам нима деётганлигимни ярим англаб-англамай. Олтибой менга хайрон бўлиб қараб турарди.

Бу олис йиллардаги бобом Мулла Суюн сабоқларининг хулосалари эди...

ОДАМ БЎЛМИШ

Накурт қишлоғидан қирчиллама ёшли бир мулла йигит йўрға эшагини халалаб, Қоратоғни ошиб Можрим қишлоғига ўтди. Ошналарини зиёрат этиб, кўп сийлиқлар кўриб, келган йўлидан ортга қайтди.

Қоратоғда ноёб жонивор – алқорлар яшайди. Алқор гўшти жуда ширин, танқис. Улар доим бетавфиқ овчи-

Tilovqobil aka, tog'larning devi bo'ladi, har qalay, ota-bobolarimiz shunday, deb kelishgan.

Yaxshiyam «Kalima»ni esingdan chiqarmagan ekansan. «Kalima» kuchli duo... duoda gap ko'p. Boshimdan o'tgan, meni ham bosgan. Uxlab qolma, deyish esimdan chiqibdi...

Ko'nglimiz ozdi. Nonushta qilib olmoqchi bo'ldik va kamar boshidagi Boshbuloqqa ketdik. Buloq qaynab chiqyapti. Hovuchlab-hovuchlab suv ichdik. Oltiboy belidagi belbog'ni yechib, undan non oldi, suvga botirib yedik. Oh, bu nonning shirinligini...

Nogahon o'q qarsilladi. Beshbarmoqota qoyalari tarafdand... Jim bo'lib qoldik. «O'q tegmadi», – dedi, Tilovqobil aka, «ovchilar bor ekan-da»... «O'q tegmaganini qanday bildingiz» – dedim akamga. «Ovozidan-da, – dedi akam kulib – miltiq ovozining farqini ajratolmaydigan kishidan ovchi chiqmaydi», – deb qo'shib qo'ydi u.

Tepa tomonimiz potirlab qoldi. Qay ko'z bilan ko'raylikki, bir qo'zichoqli alqor sovlig'i biz tomonga jon holatda chopib kelardi. Akam zum o'tmay miltig'ini qo'lga oldi. Sovliqni nishonga oldi. «Otmang! – deb baqirib yubordim beixtiyor, – otmang!..»

Akam otmadi. Ona-bola alqor bizni ko'rdi-yu yo'lini chap qiyalikka burdi... Yengil nafas oldim. «Rahmat, aka, rahmat...», dedim o'zim ham nima deyotganligimni yarim anglab-anglamay. Oltiboy menga hayron bo'lib qarab turardi.

Bu olis yillardagi bobom Mulla Suyun saboqlarining xulosalari edi...

ODAM BO'LMISH

Nakurt qishlog'idan qirchillama yoshli bir mulla yigit yo'rg'a eshagini xalalab, Qoratog'ni oshib Mojrim qishlog'iga o'tdi. Oshnalarini ziyorat etib, ko'p siyliqlar ko'rib, kelgan yo'lidan ortga qaytdi.

Qoratog'da noyob jonivor – alqorlar yashaydi. Alqor go'shti juda shirin, tanqis. Ular doim betavfiq ovchilar

лар нишонида. Хуллас, салласини силлиқ ўраган йигит Қоратоғ белига чиққанида бир бўйдор аччиқ бодом да-рахтининг чайир айри шохига егги-саккиз ёшли қўчқор алқор шохи кириб, ўралиб қолганини кўрди. Ёнига борди. Бир-икки силкиниб, депсиниб икки қайирма шох-ни айридан ажратмоқни жон ҳолатда истаган бенажот шўрлик алқор ниҳоят чиройли кўзларини мулла йигитга тикишдан ўзга чора тополмади. Кўзларида ўлим даҳшати. Вужудида сарҳадсиз титроқ. Мулланинг нияти бузилди, нияти бузуқ чиқди. Алқор гўштининг танқислигини у ҳам билади, ахир. О, аммо милтиқ йўқ, пичок йўқ, халачўп билан эса алқорни сўйиб бўлмайди.

Чорасизлик чора ахтаради. Эшак айили... ва қуюшқони бор-ку... Мулла йигит уларни бир-бирига улаб, қўлбола арқон ясади. Эшагини бир тепиб ҳайдаб юборди. Уйни ўзи топиб боради. Арқоннинг бир учи билан алқорни бўйнидан боғлади. Иккинчи учини эса белига боғлади. Тамом! Алқорни етаклаб кетади. У алқор шохларини бодом шохлари айрисидан ажратди. Алқор... бир зарб билан бир қулоч қўкка сакраб, ўй-хаёл тезлигида ўзини қияликка отди. Мулла йигит ағанаб тушди. Белидан қўлбола арқонни ечишга улгурмади. Тоғу тошлар садо берди. Чўққидаги бургут бамисоли учиб елаётган алқорга, унинг ёнида тошдан тошларга урилиб, судралиб кетаётган одам бўлмишга ҳайратда тикилиб қолди...

БЎРИ БОЛАСИ

Бўри боласи бўри, илон боласи илон...

Менглибой бобо бойсунлик галамерган тўдасидан. Ҳақиқатдан ҳам ота-боболарининг кўпчилиги овчилик билан шуғулланарди. Улар Ҳисор ва Боботоғда ов қилишарди. Бу тоғларда кийикнинг марол аталмиш тури, алқорлар, какликлар кўн. Ҳатто какликнинг ноёб хили – ҳилол каклик ҳам шу тоғларнинг энг юксакликларини эгаллаган. О, бўриларни айтмайсизми? Қаерда емак-емиш мўл бўлса, улар ўша ерда хозиру нозир.

nishonida. Xullas, sallasini silliq o'ragan yigit Qoratog' beliga chiqqanida bir bo'ydor achchiq bodom daraxtining chayir ayri shoxiga yetti-sakkiz yoshli qo'chqor alqor shoxi kirib, o'ralib qolganini ko'rdi. Yoniga bordi. Bir-ikki silkinib, depsinib ikki qayirma shoxni ayridan ajratmoqni jon holatda istagan benajot sho'rlik alqor nihoyat chiroyli ko'zlarini mulla yigitga tikishdan o'zga chora topolmadi. Ko'zlarida o'lim dahshati. Vujudida sarhadsiz titroq. Mullaning niyati buzildi, niyati buzuq chiqdi. Alqor go'shtining tanqisligini u ham biladi, axir. O, ammo miltiq yo'q, pichoq yo'q, xalacho'p bilan esa alqorni so'yib bo'lmaydi.

Chorasizlik chora axtaradi. Eshak ayili... va quyushqoni bor-ku... Mulla yigit ularni bir-biriga ulab, qo'lbola arqon yasadi. Eshagini bir tepib haydab yubordi. Uyni o'zi topib boradi. Arqonning bir uchi bilan alqorni bo'ynidan bog'ladi. Ikkinchi uchini esa beliga bog'ladi. Tamom! Alqorni yetaklab ketadi. U alqor shoxlarini bodom shoxlari ayrisidan ajratdi. Alqor... bir zarb bilan bir quloch ko'kka sakrab, o'y-xayol tezligida o'zini qiyalikka otdi. Mulla yigit ag'anab tushdi. Belidan qo'lbola arqonni yechishga ulguradi. Tog'-u toshlar sado berdi. Cho'qqidagi burgut bamisoli uchib yelayotgan alqorga, uning yonida toshdan toshlarga urilib, sudralib ketayotgan odam bo'lmishga hayratda tikilib qoldi...

BO'RI BOLASI

Bo'ri bolasi bo'ri, ilon bolasi ilon...

Mengliboy bobo boysunlik galamergan to'dasidan. Haqiqatdan ham ota-bobolarining ko'pchiligi ovchilik bilan shug'ullanardi. Ular Hisor va Bobotog'da ov qilishardi. Bu tog'larda kiyikning marol atalmish turi, alqorlar, kakliklar ko'p. Hatto kaklikning noyob xili – hilol kaklik ham shu tog'larning eng yuksakliklarini egallagan. O, bo'rilarni aytmaysizmi? Qayerda yemak-yemish mo'l bo'lsa, ular o'sha yerda hozir-u nozir.

Катта урушдан эсон-омон қайтиб келган Менглибой овга ружу қўйди. Эртаю кеч оёғи тоғда. Кунлардан бир куни она бўрини отиб олди. Унинг болалари бор экан. Бир нарини уйга олиб келиб боқа бошлади. Бокқанда ҳам ҳеч бир нарсага зориқтирмай бокди. Кийик, алқор, какликлар гўшти билан меҳрибонлик қилди. Бир сўз билан айтганда, меҳр берди. Ошна тутинди. Ити каби эргаштириб, овларга чиқиб юрди.

Кунлардан бир куни навбатдаги овга чиқишди. Лекин бугун Менглибойнинг ови бароридан келмади. Алқорлару кийиклар юқорилаб кетган эди. Тўрт-бешта каклик отиб, жилдираб оқиб ётган жилға бўйидаги туғдона дарахтининг тагини қўналға тутди. Жилғадан чоғроқ ҳовузча ясади. Тонг-саҳарда ов қилмоқчи бўлди. Қуруқ шохшаббалардан ўтин тўнлади. Тоғ туни совуқ бўлади, гарчи ёз бўлса-да этни жунжиктиради. Оловни гуруллатиб юборди. О, тоғ дарахтларининг чўғи... жоннинг ҳузури. Какликлар гўштини ирғай шохларидан ясалган қўлбола сихларга ўтказди. Оромижон чўғда тоблаб-пишириб еди, роҳатланди. Албатта, бўри боласини – ошнасини ҳам унутмади. Каклик гўштидек мазали таом билан сийлади.

Алланечук вақт бўлиб қолди. Ухламоқ керак. Барвақт туради. Ўриндиқ солди. Қайроқ тошлардан ёстиқ ясаб олди. Милтигини ёнига қўйди. Ётиб, чакмонини ойқара ёпинди. Ногаҳон Менглибойнинг кўзлари нимадандир безовталанаётган бўри боласининг кўзларига тушиб қолди. Ҳа, бўри боласи қандайдир безовта эди. Кўзлари кизарган. Беихтиёр отаси раҳматлининг «лоп» этиб «...бўри боласи бўри, илон боласи илон» деган гаплари ёдига тушди. У отаси гапларини бир синовдан ўтказмоқчи бўлди. Бу ҳам гап-да.

Менглибой ўзини уйкуга солди. Лекин чакмон остидан нигоҳлари ёнидан сал нарида ётган бўри боласидан узилмади.

О, бўри!.. Бўри!.. У Менглибойга бир қараб олди-да, силкиниб ўрнидан турди. Жилға томон йўналди. Жилғадаги боя Менглибой ясаб қўйган ҳовузчага ағанади, бир-икки думалади-да, ҳамма жойини сув-ҳўл қилди.

Katta urushdan eson-omon qaytib kelgan Mengliboy ovga ruju qo'ydi. Erta-yu kech oyog'i tog'da. Kunlardan bir kuni ona bo'rini otib oldi. Uning bolalari bor ekan. Bir narini uyga olib kelib boqa boshladi. Boqqanda ham hech bir narsaga zoriqtirmay boqdi. Kiyik, alqor, kakliklar go'shti bilan mehribonlik qildi. Bir so'z bilan aytganda, mehr berdi. Oshna tutindi. Iti kabi ergashtirib, ovlarga chiqib yurdi.

Kunlardan bir kuni navbatdagi ovga chiqishdi. Lekin bugun Mengliboyning ovi baroridan kelmadi. Alqorlar-u kiyiklar yuqorilab ketgan edi. To'rt-beshta kaklik otib, jildirab oqib yotgan jilg'a bo'yidagi tug'dona daraxtining tagini qo'nalga tutdi. Jilg'adan chog'roq hovuzcha yasadi. Tong-saharda ov qilmoqchi bo'ldi. Quruq shox-shabbalardan o'tin to'pladi. Tog' tuni sovuq bo'ladi, garchi yoz bo'lsa-da etni junjiktiradi. Olovni gurullatib yubordi. O, tog' daraxtlarining cho'g'i... jonning huzuri. Kakliklar go'shtini irg'ay shoxlaridan yasalgan qo'lbola sixlarga o'tkazdi. Oromijon cho'g'da toblab-pishirib yedi, rohatlandi. Albatta, bo'ri bolasini – oshnasini ham unutmadi. Kaklik go'shtidek mazali taom bilan siyladi.

Allanechuk vaqt bo'lib qoldi. Uxlamoq kerak. Barvaqt turadi. O'rindiq soldi. Qayroq toshlardan yostiq yasab oldi. Miltig'ini yoniga qo'ydi. Yotib, chakmonini oyqara yopindi. Nogahon Mengliboyning ko'zlari nimadandir bezovtalanayotgan bo'ri bolasining ko'zlariga tushib qoldi. Ha, bo'ri bolasi qandaydir bezovta edi. Ko'zlari qizargan. Beixtiyor otasi rahmatlining «lop» etib «...bo'ri bolasi bo'ri, ilon bolasi ilon» degan gaplari yodiga tushdi. U otasi gaplarini bir sinovdan o'tkazmoqchi bo'ldi. Bu ham bir gap-da.

Mengliboy o'zini uyquga soldi. Lekin chakmon ostidan nigohlari yonidan sal narida yotgan bo'ri bolasidan uzilmadi.

O, bo'ri!.. Bo'ri!.. U Mengliboyga bir qarab oldi-da, silkinib o'rnidan turdi. Jilg'a tomon yo'naldi. Jilg'adagi boya Mengliboy yasabqo'ygan hovuzchaga ag'anadi, bir-ikki dumaladi-da, hamma joyini suv-ho'l qildi. Orqasiga qaytib,

Оркасига қайтиб, бозиллаб турган чўғлар устига силкинди. Бу ҳолат иккинчи бор такрорланди. Овчининг ҳайрати ошди. Нима қилмоқчи у? Учинчи бор бўри боласи жилға ёққа кетганда, апил-тапил ўрнидан турди. Чакмон остига тошларни, бир-икки тарашани, худди ўзи ётгандай қилиб тахлади ва милтиғини олиб, дарахтга чиқиб, жойлашиб олди. Бўри боласи қайтиб келиб, тагин чала ўчинқираган чўғлар устида силкинди. Чўғлар хали ўчмаган, чала ёнаётган тараша буриқсираб тутарди. Бўри боласи яна жилға томон кетди... келди... ниҳоят, ўт батамом ўчди!

О, бўри!.. Бўри... ўзини чакмон устига зарб билан отди!.. Чакмонни ғажиб ташлади.

Менглибой ҳаммасини кўрди, тушунди ва... қўшоғиз милтиқдан отилган икки ўк тун сукунатини бузди!..

Бўри боласи бўри, илон боласи илон, деганлари рост бўлиб чиқди!

АЛҚОРҚАМОҚДА

Коратов тизмаларининг Паррандоз кунчиқарида алқорқамоқ бор. Алқорқамоқ, деганимиз — атрофи табиий тик қоялар, зирвалар ўраб олган чоғроқ сайхонлик. Бамисоли уни тошлардан атайлаб девор қилинган тошқўрғон, дейсиз. Аммо овчилар тошқўрғон эмас, алқорқамоқ дейишади. Бу алқорқамоқнинг яккагина ёлғиз тошдарвозаси бўлиб, у Паррандоз томонга қараган.

Алқорқамоқ сайхонида турлик ўт-ўланлар, буталар бел бўйи бўлиб ўсиб ётади. Шувок дейсизми, буғдойкими, итсийдими, қўзиқулоқми, янтоқми, какрами, сигиркўйрукми... хуллас, мол-ҳолга емиш бўларлик, ҳатто алқорлар севиб, осилиб баргларини «чирт-чирт» узиб ейдиган учкатлару ирғайларгача мўл-кўл. Сайхон ўртасидаги бир туп сўўз дарахти барглари қуёш нурларида ялтирайди, жимираб ажиб ҳолатлар намоён қилади.

bozillab turgan cho'g'lar ustiga silkindi. Bu holat ikkinchi bor takrorlandi. Ovchining hayrati oshdi. Nima qilmoqchi u? Uchinchi bor bo'ri bolasi jilg'a yoqqa ketganda, apiltapil o'rnidan turdi. Chakmon ostiga toshlarni, bir-ikki tarashani, xuddi o'zi yotganday qilib taxladi va miltig'ini olib, daraxtga chiqib, joylashib oldi. Bo'ri bolasi qaytib kelib, tag'in chala o'chinqiragan cho'g'lar ustida silkindi. Cho'g'lar hali o'chmagan, chala yonayotgan tarasha buriqsirab tutardi. Bo'ri bolasi yana jilg'a tomon ketdi... keldi... nihoyat, o't batamom o'chdi!

O, bo'ri!.. Bo'ri... o'zini chakmon ustiga zarb bilan otidi!.. Chakmonni g'ajib tashladi.

Mengliboy hammasini ko'rdi, tushundi va... qo'shog'iz miltiqdan otilgan ikki o'q tun sukunatini buzdi!..

Bo'ri bolasi bo'ri, ilon bolasi ilon, deganlari rost bo'lib chiqdi!

ALQORQAMOQDA

Qoratorov tizmalarining Parrandoz kunchiqarida alqorqamoq bor. Alqorqamoq, deganimiz – atrofi tabiiy tik qoyalar, zirvalar o'rab olgan chog'roq sayhonlik. Bamisoli uni toshlardan ataylab devor qilingan toshqo'rg'on, deysiz. Ammo ovchilar toshqo'rg'on emas, alqorqamoq deyishadi. Bu alqorqamoqning yakkagina yolg'iz toshdarvozasi bo'lib, u Parrandoz tomonga qaragan.

Alqorqamoq sayhonida turlik o't-o'lanlar, butalar bel bo'yi bo'lib o'sib yotadi. Shuvoq deysizmi, bug'doyiqmi, itsiydimi, qo'ziquloqmi, yantoqmi, kakrami, sigirquyruqmi... xullas, mol-holga yemish bo'larlik, hatto alqorlar sevib, osilib barglarini «chirt-chirt» uzib yeydigan uchqatlar-uirg'aylargacha mo'l-ko'l. Sayhon o'rtasidagi bir tup so'o'z daraxti barglari quyosh nurlarida yaltiraydi, jimirlab ajib holatlar namoyon qiladi.

* * *

Накурт дарасининг тармоқ кишлоқларидан бўлмиш қизилолмалик уч ўсмир ёввойи бодом териб, йиғиб келиш учун тоққа йўл олишди. Аччиқ бодом аини шилдираб етиладиган пайт. Қоратовда бу бодомлар анчайин ўсиб ётади. Уларнинг ҳосили — данаги мағзидан доривор ёғ-мой олинади. Ёғ-мой хусусий сувжувозларда тайёрланади. Текин даромад...

Йигитчалар тўрва-халталарига анча-мунча бодом териб олди. Улар бирпас тин олаётганларида Жонғибой овчининг невараси Турдибой билагонлик қилиб, шерикларига бир жойни билишини, унда алқорлар бўлиши мумкинлигини айтиб қолди.

— Юринглар, — деди у, — бир томоша қилиб кетамиз-да, мен бобом билан у жойларда кўн бўлганман...

Кўп ўтмай, ўспиринлар алқорқамокнинг тошдарвозаси қошида турарди. Уларнинг ўткир нигоҳлари сайхонлиқни «илма-тешиқ» қилди... ва бунда ҳақиқатдан ҳам бир жуфт алқор ўтлаб юрганлигини кўришди.

— Ана, алқорлар!.. — бақириб юборди Турдибой, — ана, совлиқ қўзичоғи билан. Тутиб оламиз...

Турдибой бу тоғу тошларда анча-мунча нарсаларни кўрган шекилли, бир зумда «тадбир» ишлаб чиқди-қўйди. Ўзи биринчи шериги билан тошдарвозада турадиган, иккинчиси, эса она-бола алқорни бу ерга ҳайдайдиган бўлди. Бу тўғри эди. Алқорлар, албатта, ўзларини тошдарвозага уради-да, бошқа бирор йўл йўқ бўлса.

Она-бола алқор жон ҳолатда сайхонлик бўйлаб қочишар, унинг олдида эса икки «овчи» кўндаланг туришарди. Алқорлар унча-мунчага чарчамас, аммо қувлаётган Зокирбой чарчаб қолди. Унинг ўрнига Турдибой ёнидаги Шербекни адлаштирди. Тагин «кув-кув»...

Она алқор кўп нарсани кўрган, не-не кўргиликлардан қочиб-писиб яшаб келаянти. Бу тоғларда бўри ва овчи алқорларнинг энг ашаддий душмани. Тўрт оёқлисидан қутулиб кетса бўлади, аммо икки оёқлиси ўта хавфли. Айниқса, овчининг кўлидаги ўточар, ундан тараладиган бадбўй ис юракни зирқиратади. Бугунги овчиларнинг

* * *

Nakurt darasining tarmoq qishloqlaridan bo'lmish qizilolmalik uch o'smir yovvoyi bodom terib, yig'ib kelish uchun toqqa yo'l olishdi. Achchiq bodom ayni shildirab yetiladigan payt. Qoratrovda bu bodomlar anchayin o'sib yotadi. Ularning hosili – danagi mag'zidan dorivor yog'moy olinadi. Yog'moy xususiy suvjuvozlarda tayyorlanadi. Tekin daromad...

Yigitchalar to'rva-xaltalariga ancha-muncha bodom terib oldi. Ular birpas tin olayotganlarida Jong'iboy ovchining nevarasi Turdiboy bilag'onlik qilib, sheriklariga bir joyni bilishini, unda alqorlar bo'lishi mumkinligini aytib qoldi.

– Yuringlar, – dedi u, – bir tomosha qilib ketamiz-da, men bobom bilan u joylarda ko'p bo'lganman...

Ko'p o'tmay, o'spirinlar alqorqamoqning toshdarvozasi qoshida turardi. Ularning o'tkir nigohlari sayhonlikni «ilma-teshik» qildi... va bunda haqiqatdan ham bir just alqor o'tlab yurganligini ko'rishdi.

– Ana, alqorlar!.. – baqirib yubordi Turdiboy, – ana, sovliq qo'zichog'i bilan. Tutib olamiz...

Turdiboy bu tog'-u toshlarda ancha-muncha narsalarni ko'rgan shekilli, bir zumda «tadbir» ishlab chiqdi-qo'ydi. O'zi birinchi sherigi bilan toshdarvozada turadigan, ikkinchisi, esa ona-bola alqorni bu yerga haydaydigan bo'ldi. Bu to'g'ri edi. Alqorlar, albatta, o'zlarini toshdarvozaga uradi-da, boshqa biror yo'l yo'q bo'lsa.

Ona-bola alqor jon holatda sayhonlik bo'ylab qochishar, uning oldida esa ikki «ovchi» ko'ndalang turishardi. Alqorlar uncha-munchaga charchamas, ammo quvlayotgan Zokirboy charchab qoldi. Uning o'rniga Turdiboy yonidagi Sherbekni almashtirdi. Tag'in «quv-quv»...

Ona alqor ko'p narsani ko'rgan, ne-ne ko'rgiliklardan qochib-pisib yashab kelayapti. Bu tog'larda bo'ri va ovchi alqorlarning eng ashaddiy dushmani. To'rt oyoqlisidan qutulib ketsa bo'ladi, ammo ikki oyoqlisi o'ta xavfli. Ayniqsa, ovchining qo'lidagi o'tochar, undan taraladigan badbo'y is yurakni zirqiratadi. Bugungi ovchilarning

қўлларида милтиқ йўқлигини она алқор сезди. Тагин сездики, боласи толиқа бошлади. «Ё, бахташ таваккал...» — бирдан у ўзини Турдибой билан Зокир томонга ўлжасига интилган бургутдай учди. Зокир унинг шиддати-ю шохларидан қўрққанидан чапга ағнаб тушди, лекин Турдибой ўзини заррача йўқотмади, алқор қўзисига ташланди, унинг оёқларидан маҳкам ушлаб қолди. У ростакам чапдаст, чайир эди.

* * *

Менинг бир одатим бор: ҳар йили баҳорнинг апрель, май ёки кузнинг сентябрь, октябрь ойларида униб-улғайган тоғларимни бир айланиб келаман. Дам олишим шу.

Илон йили кузида ҳам қадрдоним Қозоқбой Йўлдошнинг шерик қилиб, тоққа боргандим, оллох-оллох, дўстимга алқорқамокни қўрсатмоқчи бўлдим. Қирғийкўз амаки укам Носир йўл бошлади. Биз дафъаташ фожиа устидан чикдик. Ў-о... Турдибойнинг қўллари қон эди. У безбетларча бизга қараб турарди. Кейин билишимча, у ничоғи йўқлиги боис ўткир қиррали паррактош билан алқор қўзисини ваҳшиёна бўғизлаганди.

Бахтиёр қўлларим муштга айланди. Ўзбекюртнинг тоғлари Африка саваналарими?! Паррандаю даррандаю газандаю чиррандаю сон-саноксиз бўлса?.. Ҳаққим бўлмаса ҳам Турдибойнинг юзига беихтиёр тарсаки тортиб юбордим. Тоғ бегиларига хабар беришимни айтиб, дўк урдим. Сабоқ бўлсин дедим-да.

— Қамок, барибир, қамок экан-да, — деди Қозоқбой домла қўзининг очилиб қолган қора кўзларига боқиб.

Менинг нигоҳларим эса ён қоядан биз томонга чорасиз тикилиб турган она совлиққа тушди.

АДАШИШ

Ялтага келганимга уч ҳафта бўлиб қолди. Бу ердаги «Ўзбекистон» оромгоҳига жойланганман. Қора денгизда роса чўмилдим, қирғоқларининг оромижон қумида кўкка

qo'llarida miltiq yo'qligini ona alqor sezdi. Tag'in sezdi, bolasi toliqa boshladi. «Yo, baxtash tavakkal...» – birdan u o'zini Turdiboy bilan Zokir tomonga o'ljasiga intilgan burgutday uchdi. Zokir uning shiddati-yu shoxlaridan qo'rqqanidan chapga ag'nab tushdi, lekin Turdiboy o'zini zarracha yo'qotmadi, alqor qo'zisiga tashlandi, uning oyoqlaridan mahkam ushlab qoldi. U rostakam chapdast, chayir edi.

* * *

Mening bir odatim bor: har yili bahorning aprel, may yoki kuzning sentyabr, oktyabr oylarida unib-ulg'aygan tog'larimni bir aylanib kelaman. Dam olishim shu.

Ilon yili kuzida ham qadrdonim Qozoqboy Yo'ldoshni sherik qilib, toqqa borgandim, olloh-olloh, do'stinga alqorqamoqni ko'rsatmoqchi bo'ldim. Qirg'iyko'z amaki ukam Nosir yo'l boshladi. Biz daf'atan fojia ustidan chiqdik. O'-o... Turdiboyning qo'llari qon edi. U bezbetlarcha bizga qarab turardi. Keyin bilishimcha, u pichog'i yo'qligi bois o'tkir qirrali parraktosh bilan alqor qo'zisini vahshiyona bo'g'izlagandi.

Baxtiyor qo'llarim mushtga aylandi. O'zbekiyurtning tog'lari Afrika savanalarimi?! Parranda-yu darranda-yu gazanda-yu chirranda-yu son-sanoqsiz bo'lsa?.. Haqqim bo'lmasa ham Turdiboyning yuziga beixtiyor tarsaki tortib yubordim. Tog' begilariga xabar berishimni aytib, do'q urdim. Saboq bo'lsin dedim-da.

– Qamoq, baribir, qamoq ekan-da, – dedi Qozoqboy domla qo'zining ochilib qolgan qora ko'zlariga boqib.

Mening nigohlarim esa yon qoyadan biz tomonga chorasiz tikilib turgan ona sovliqqa tushdi.

ADASHISH

Yaltaga kelganimga uch hafta bo'lib qoldi. Bu yerdagi «O'zbekiston» oromgohiga joylashganman. Qora dengizda rosa cho'mildim, qirg'oqlarining oromijon qumida ko'kka

тикилиб ётдим, бўлиқ хаволардан симириб-симириб сархуш бўлдим. Тик қоя устига қурилган «Қалдирғоч уяси» айвонида туриб, қояга зарб билан урилаётган денгизнинг табиий фаввораларини томоша қилдим. Севастополь томонларга бориб келдим, Богчасаройни кўриб қайтдим. Пушкин, Лермонтов, Чехов юрган йўлларда юрдим.

О, кўнгил, яна нималарнидир тусайди, юрагимга тагин нималардир етишмайди. Тоғлар, тоғларга чиқишни истайди қалб!

Ўзи шундай. Болалигим, ўсмирлигим тоғларда ўтганлиги сабабмикин, каерда бўлмайин, қай бир юртларни кезмайин, тоғларга, юксакликларга талпинавераман.

...Ўшанда, йигирманчи асрнинг саксонинчи йиллари, ёз пайти эди. Ёз бўлса ҳам бирдан ёмғир шивалаб қолар, бирдан қуёш чарақлаб кулар, гоҳ кўкда булутлар қуюклашар, гоҳ кўкимтир осмон алланечук ёришарди.

Оромгохдан кунботар томонда баланд тоғлар тизмаси кўриниб турар, айниқса, уларнинг Ай-петри деб аталмиш тумшук чўққиси яққол кўзга ташланарди. Қалбим нимагадир шу чўққини тусарди. Унга чиққим, ўша чўққидан Қора денгизни кузатгим, чўққидан нариги томонларда нималар борлигини болалардай жуда-жуда билгим келарди.

Шерик топдим. У Сулаймон исмли ўзбекистонлик қирим-татар оға эди. Сулаймон оға ҳам оромгохда дам оларди. У халқи кўчирма бўлмасдан аввал болалиги шу яқин жойларда кечганлигини айтди. Ҳар қалай, сизга йўл кўрсатишни эплайман, деди чўққига қалин ўрмон орқали борилажагини гап орасида уктириб.

Тоққа, чўққи томон чиқишимиз осон ҳам бўлди. У тарафга харбий йўл бор экан, онда-сонда машина бўлиб тураркан. Шундай машиналардан бирига икковлон чиқиб олдик. Унинг ҳайдовчиси аскар йигит эди. Хуллас, қуюқ ўрмон оралаб эгри-бугри йўллардан чўққини ёнлаб чиқиб бордик.

Машинадан тушиб, мен чўққи томон йўл олдим. Сулаймон оға эса бу ерда учраган ёввойи гуллар, чечакларга андармон бўлиб қолди.

tikilib yotdim, bo'liq havolardan simirib-simirib sarxush bo'ldim. Tik qoya ustiga qurilgan «Qaldirg'och uyasi» ayvonida turib, qoyaga zarb bilan urilayotgan dengizning tabiiy favvoralarini tomosha qildim. Sevastopol tomonlarga borib keldim, Bog'chasaroyini ko'rib qaytdim. Pushkin, Lermontov, Chexov yurgan yo'llarda yurdim.

O, ko'ngil, yana nimalarnidir tusaydi, yuragimga tag'in nimalardir yetishmaydi. Tog'lar, tog'larga chiqishni istaydi qalb!

O'zi shunday. Bolaligim, o'smirligim tog'larda o'tganligi sababmikin, qayerda bo'lmayin, qay bir yurtlarni kezmayin, tog'larga, yuksakliklarga talpinaveraman.

...O'shanda, yigirmanchi asrning saksoninchi yillari, yoz payti edi. Yoz bo'lsa ham birdan yomg'ir shivalab qolar, birdan quyosh charaqlab kular, goh ko'kda bulutlar quyuqlashar, goh ko'kimtir osmon allanechuk yorishardi.

Oromgohdan kunbotar tomonda baland tog'lar tizmasi ko'rinib turar, ayniqsa, ularning Ay-petri deb atalmish tumshuq cho'qqisi yaqqol ko'zga tashlanardi. Qalbim nimagadir shu cho'qqini tusardi. Unga chiqqim, o'sha cho'qqidan Qora dengizni kuzatgim, cho'qqidan narigi tomonlarda nimalar borligini bolalarday juda-juda bilgim kelardi.

Sherik topdim. U Sulaymon ismli o'zbekistonlik qirim-tatar og'a edi. Sulaymon og'a ham oromgohda dam olardi. U xalqi ko'chirma bo'lmasdan avval bolaligi shu yaqin joylarda kechganligini aytdi. Har qalay, sizga yo'l ko'rsatishni eplayman, dedi cho'qqiga qalin o'rmon orqali borilajagini gap orasida uqtirib.

Toqqa, cho'qqi tomon chiqishimiz oson ham bo'ldi. U tarafga harbiy yo'l bor ekan, onda-sonda mashina bo'lib turarkan. Shunday mashinalardan biriga ikkovlon chiqib oldik. Uning haydovchisi askar yigit edi. Xullas, quyuq o'rmon oralab egri-bugri yo'llardan cho'qqini yonlab chiqib bordik.

Mashinadan tushib, men cho'qqi tomon yo'l oldim. Sulaymon og'a esa bu yerda uchragan yovvoyi gullar, chechaklarga andarmon bo'lib qoldi.

О, чўққилар... қанчалик севаман сизни, юксаклигингиз олдида хайратдаман, хайбатингиз олдида лолман! Маҳобатингиз қаршисида ожизман. Аммо фикрим типик, озод эркин...

Афсус... бугун бу ерларни, мен кўрмоқчи бўлган орқа томонларни (у томонлар ўрмон экан) куюқ туман қоплаб ётарди. Бир қизиги шуки, денгиз томонлар очиқ, унда сузиб юрган пароходлару кемалар яққол кўзга ташланарди. Хатто учиб юрган чағалайлар парвозини томоша қилса бўларди.

Барибир, ҳаммаси гўзал эди! Рухим гўзаллик олдида титрарди. Чўққида тошиб турардим. Мен кўнгил киши-симан, Беноён чирой олдида бақиргим.... хайқиргим... йиғлагим келарди! Ва шундай бўлди ҳам: – хей-ей... мен Ай-петри чўққиларидаман... Эй денгиз-з-з... эй ўрмонлар... Сулаймон оғ-а-а, қайда қолдингиз?... Эй-й-й...

Сулаймон оға ўрнига... дафъатан итларнинг овозлари эшитилиб қолди. Ё фалак! Ростакан итлар овози...

Бу овозлар туманлар оро эшитиларди. Овозлар тарафда Сулаймон оға қолган эди. Тек қотдим. Ўзимга келиб, чўққидан пастга туша бошладим. Оға ҳам мен томонга келаётган экан. Рўбарў келдик. Итлар шовқини яқиндан эшитила бошлади. Бирдан қаршимизда бир капитан ва итларини етаклаган уч солдат пайдо бўлди.

Солдатларнинг бири итининг ипини шерикларининг бирига тутқазди-да мени бошдан-оёқ найпаслаб текшира кетди... кейин Сулаймон оғани. Капитан тўшпончасини кўзларимиз қаршисидан тутиб турди. Унинг сўровларига жавоб бердик. Бизнинг бу ерларга қўпоқ эканлигимизга капитан тўлиқ ишонди. Кейин билсак, улар чегарачилар экан. Қаерлардадир туманлар аро Туркия бор экан.

Аллақачон вақт нешиндан ошиб қолган. Капитан зудлик билан орқага қайтишимизни уқтирди. То машина йўлига тушгунимизча кузатиб туришди.

...Ҳаммаси Сулаймон оғадан бўлди. У тагин йўл бошлади. Оромгоҳга илонизи каби буралиб-буралиб йўналган асфальт йўлдан юрмасдан, уларни кесиб-кесиб ўтиб, тўғри йўл топиб кетмоқчи бўлдик. Оғага эргашдим.

O, cho'qqilar... qanchalik sevaman sizni, yuksakligingiz oldida hayratdaman, haybatingiz oldida lolman! Mahobatingiz qarshisida ojizman. Ammo fikrim tiniq, ozod erkin...

Afsus... bugun bu yerlarni, men ko'rmoqchi bo'lgan orqa tomonlarni (u tomonlar o'rmon ekan) quyuq tuman qoplab yotardi. Bir qizig'i shuki, dengiz tomonlar ochiq, unda suzib yurgan paroxodlar-u kemalar yaqqol ko'zga tashlanardi. Hatto uchib yurgan chag'alaylar parvozini tomosha qilsa bo'lardi.

Baribir, hammasi go'zal edi! Ruhim go'zallik oldida titrardi. Cho'qqida toshib turardim. Men ko'ngil kishisiman, Bepoyon chiroy oldida baqirgim... hayqirgim... yig'lagim kelardi! Va shunday bo'ldi ham: — hey-ey... men Ay-petri cho'qqilaridaman... Ey dengiz-z-z... ey o'rmonla-ar... Sulaymon og'-a-a, qayda qoldingiz?... Ey-y-y...

Sulaymon og'a o'rniga... daf'atan itlarning ovozlari eshitilib qoldi. Yo falak! Rostakam itlar ovozi...

Bu ovozlار tumanlar oro eshitilardi. Ovozlar tarafda Sulaymon og'a qolgan edi. Tek qotdim. O'zimga kelib, cho'qqidan pastga tusha boshladim. Og'a ham men tomonga kelayotgan ekan. Ro'baro' keldik. Itlar shovqini yaqindan eshitila boshladi. Birdan qarshimizda bir kapitan va itlarini yetaklagan uch soldat paydo bo'ldi.

Soldatlarning biri itining ipini sheriklarining biriga tutqazdi-da meni boshdan oyoq paypaslab tekshira ketdi... keyin Sulaymon og'ani. Kapitan to'pponchasini ko'zlarimiz qarshisidan tutib turdi. Uning so'rovlariga javob berdik. Bizning bu yerlarga qo'noq ekanligimizga kapitan to'liq ishondi. Keyin bilsak, ular chegarachilar ekan. Qayerlardadir tumanlar aro Turkiya bor ekan.

Allaqachon vaqt peshindan oshib qolgan. Kapitan zudlik bilan orqaga qaytishimizni uqtirdi. To mashina yo'liga tushgunimizcha kuzatib turishdi.

...Hammasi Sulaymon og'adan bo'ldi. U tag'in yo'l boshladi. Oromgohga ilonizi kabi buralib-buralib yo'nalgan asfalt yo'ldan yurmasdan, ularni kesib-kesib o'tib, to'g'ri yo'l topib ketmoqchi bo'ldik. Og'aga ergashdim.

Болалигимдан бир одатим бор. Тоғда юрганымда йўлимдан чиққан нарсаларни кўздан қочирмайман, ўзимча уларни «белги» қилиб кетавераман. Сумбатимга сиртдан қараганда бепарводек туюлсам-да, ўта синчковман. Мана, қиррадор тошқозиқ, мана, қашқир тумшук, мана, бужур-тош, мана, арча, арча ёнбошлагансимон ўсибди, мана, учкат, бир шохи синиб, қуриб қолибди, мана, йўл четида қандайдир дарахт тўнкаси... ва ҳоказо.

Ўшанда бу синчковлигим жуда кўл келди! Оға бошлаган йўлнинг учи кети кўринмай қолди, бир тигиз ўрмоннинг ичига кириб кетдик. Шом тушарди. Шивалаб ёмғир ёға бошлади. Бу йўлимизни янада қийинлаштирди. Йўлимиз қуюқ шомлаша бошлади. Ногахон дарахтма-дарахт уланиб кетган сим катакли «девор»га дуч келдик. Унда осиглиқ турган бир ёғоч тахтакани кўриб қолдим: «Зона – медведи». Зум ўтмай, айиқларнинг ўкириши эшитила бошлади. Оға бакрайиб қолди, – адашдик... – деди у зўрға. – Орқага қайтдик, – дедим мен, ўйлаб ҳам ўтирмай, – оға тезроқ... шом қуюқлашмасдан машина йўлни тошиб олишимиз керак. Энди мен йўл бошладим, тун батамом устимизга ёпирилганда асфальт йўлга чиқиб олдик. Тонг отаётганда оромгоҳга етиб келдик.

Мана, йиллар қуюндай ўтди-кетди. Умрим ҳам етмишни қоралаб қолди. Аллақачон қатъий хулосага келганман: эгри бўлса ҳам йўл яхши! Ҳатто қочишга ҳам йўл яхши! Йўғ-эй, қочмайлик-қуя... Ха!.. Манзилга етмоқ учун халқ йўли яхши!

Bolaligimdan bir odatim bor. Tog'da yurganimda yo'limdan chiqqan narsalarni ko'zdan qochirmayman, o'zimcha ularni «belgi» qilib ketaveraman. Sumbatimga sirtidan qaraganda beparvodek tuyulsam-da, o'ta sinchkovman. Mana, qirrador toshqoziq, mana, qashqir tumshuq, mana, bujurtosh, mana, archa, archa yonboshlagansimon o'sibdi, mana, uchqat, bir shoxi sinib, qurib qolibdi, mana, yo'l chetida qandaydir daraxt to'nkasi... va hokazo.

O'shanda bu sinchkovligim juda qo'l keldi! Og'a boshlagan yo'lning uchi keti ko'rinmay qoldi, bir tig'iz o'rmonning ichiga kirib ketdik. Shom tushardi. Shivalab yomg'ir yog'a boshladi. Bu yo'limizni yanada qiyinlashtirdi. Yo'limiz quyuq shomlasha boshladi. Nogahon daraxtmdaraxt ulanib ketgan sim katakli «devor»ga duch keldik. Unda osig'liq turgan bir yog'och taxtachani ko'rib qoldim: «Zona – medvedi». Zum o'tmay, ayiqlarning o'kirishi eshitila boshladi. Og'a baqrayib qoldi, – adashdik... – dedi u zo'rg'a. Orqaga qaytdik, – dedim men, o'ylab ham o'tirmay, – og'a tezroq... shom quyuqlashmasdan mashina yo'lni topib olishimiz kerak. Endi men yo'l boshladim, tun batamom ustimizga yopirilganda asfalt yo'lga chiqib oldik. Tong otayotganda oromgohga yetib keldik.

Mana, yillar quyunday o'tdi-ketdi. Umrim ham yetmishni qoralab qoldi. Allaqachon qat'iy xulosaga kelganman: egri bo'lsa ham yo'l yaxshi! Hatto qochishga ham yo'l yaxshi! Yo'g'-ey, qochmaylik-kuya... Ha!.. Manzilga yetmoq uchun xalq yo'li yaxshi!

МУНДАРИЖА

ШЕЪРЛАР

Ватаним.....	4
Ўзбек зар тўни.....	6
Ўтов.....	8
Можрим арчаси.....	10
Тошкулба тоқчасидаги китоблар.....	14
Навоийдан топдим.....	18
Жавзо.....	18
Бировнинг ҳақиға.....	20
Робот шеър тўқийди.....	22
Ор.....	24
Нима бордир?.....	26
Тоғлар.....	28
Абдусайд булоғи.....	28
Дийдор қисматга қолмасин.....	32
Қайтди.....	34
Адо қилар.....	34
Қайдадирким.....	36
Мен ким, Азим Суюнман.....	38
Қайга келдим.....	40
Менга жавоб беринг.....	42
Бўз бола.....	44
Лаққа.....	44
Ула.....	46
Тунги ўйлар.....	48
Ихтиёрим эҳтироми.....	50
Бу Ватанни севмай бўлурми.....	50
Ўлан.....	54
Яхшиликка йўйдим фақат.....	56
Рафиқамга.....	56
Кўтармас.....	60
Бир дўст бўлмишга.....	60
Турналар.....	62
Алдоқчи туйғулар.....	72
Учарлар.....	74
Жаҳон шоирларига.....	78
Бир ўрмонда.....	84
Аклу ҳушим лолу хайрон.....	88
Ободлик.....	90
Чўпон бола.....	92

MUNDARIJA

SHE'RLAR

Vatanim	5
O'zbek zar to'ni	7
O'tov	9
Mojrim archasi	11
Toshkulba tokchasidagi kitoblar	15
Navoiydan topdim	19
Javzo	19
Birovning haqiga	21
Robot she'r to'qiydi	23
Or	25
Nima bordir?	27
Tog'lar	29
Abdusaid bulog'i	29
Diydor qiyomatga qolmasin	33
Qaytdi	35
Ado qilar	35
Qaydadir kim	37
Men kim, Azim Suyunman	39
Qayga keldim	41
Menga javob bering	43
Bo'z bola	45
Laqqa	45
Ula	47
Tungi o'ylar	49
Ixtiyorim ehtiromi	51
Bu Vatanni sevmay bo'lurmi	51
O'lan	55
Yaxshilikka yo'ydim faqat	57
Rafiqamga	57
Ko'tarmas	61
Bir do'st bo'lmishga	61
Turnalar	63
Aldoqchi tuyg'ular	73
Ucharlar	75
Jahon shoirlariga	79
Bir o'rmonda	85
Aql-u hushim lol-u hayron	89
Obodlik	91
Cho'pon bola	93

Гужум остида	94
Ёз чилласи	96
Самовий	98
Ёз ўтиб бўлдим	100
Кимдан	100
Айланай	100
«Майсаларнинг илдизига...»	104
Эй жон	104
Бекаму кўст дўст ахтарма	106
Собир Ўнарға	106
Согинч	108
«Теп-текис ҳаётим...»	110
«Йўқ...»	112
Шафак	112
Ўзимга	114

НЕВАРАЛАРИМ УЧУН ҲИКОЯЛАР

Илк каклик ови	118
Она каклик	124
Каклик душманлари	126
Алкорлар	132
Бир алкор овида	138
Ов иштиёқи	140
Одам бўлмиш	144
Бўри боласи	146
Алкорқамокда	150
Адашиш	154

Gujum ostida	95
Yoz chillasi.....	97
Samoviy	99
Yoz o'tib bo'ldimi.....	101
Kimdan.....	101
Aylanay	101
«Maysalarning ildiziga...»	105
Ey jon.....	105
Bekam-u ko'st do'st axtarma	107
Sobir O'narga.....	107
Sog'inch.....	109
«Tep-tekis hayotim...»	111
«Yo'q...».....	113
Shafaq	113
O'zimga	115

NEVARALARIM UCHUN HIKOYALAR

Ilk kaklik ovi.....	119
Ona kaklik.....	125
Kaklik dushmanlari	127
Alqorlar	133
Bir alqor ovida	139
Ov ishtiyoqi.....	141
Odam bo'lmish.....	145
Bo'ri bolasi	147
Alqorqamoqda.....	151
Adashish.....	155

Адабий бадиий нашр

АЗИМ СУЮН

НАВОИЙДАН ТОНДИМ

Мухаррир	<i>Рауф Субҳон</i>
Расом-дизайнер	<i>Б.Зуфаров</i>
Техник муҳаррир	<i>Л.Хиждова</i>
Мусаххия	<i>М.Якубджанова</i>
Кичик муҳаррир:	<i>Д.Холматова</i>
Компьютерда тайёрловчи	<i>Ф.Ботирова</i>

Нашриёт лицензияси АІ № 158, 14.08.2009.
Босишга 2015 йил 7 июлда рухсат этилди.
Бичими 84x108/32. Офсет қоғози. «Virtec Peterburg»
гарнитурасида. Офсет усулида босилди.
Шартли босма табоғи 8,82. Нашр табоғи 7,53.
Нусхаси 2000. Буюртма №15-515.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг
«O'zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи.
100129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30

Телефон: (371) 244-87-55, 244-87-20.
Факс: (371) 244-37-81, 244-38-10.
e-mail: uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz
www.iptd-uzbekistan.uz